



**УЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ**

**АСКИЯ**

**КЎП ТОМЛИК**

РАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЯТИ  
Тошкент — 1970

РЕДКОЛЛЕГИЯ

Ойбек, Гафур Гулом, Яшин, Сарвар Азимов,  
Ҳоди Зариф, М. Алавия, Рамз Бобожон

Томларни тузувчи  
ҲОДИ ЗАРИФ

Муҳаррир  
МУҲСИН ҚОДИРОВ

Тўловчи ва нашрга тайёрловчи  
РАСУЛ МУҲАММАДИЕВ

ТУПЛОВЧИ ДАН

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг жанрларидан бири аскиядир. У кенг халқ оммасининг ҳаётини, меҳнат ва курашини, ўзаро муносабатларини, эстетикаси ва фалсафасини акс эттирувчи энг оммавий жанрдир. Сатира-юмор асосига қурилган аския<sup>1</sup> инсон тафаккурининг ҳозиржавоблигини, зеҳн ўткирлигини, ақл-идрок донолигини билдиради, унинг негизда сўз ўйинлари, қочирқиқлар, чандишлар, киноялар, муболагалар ётади. Аския фикрлаш мусобақасидан иборат сўз санъати ҳам.

Аския, одатда, йиғинларда, сайилларда, тўй-томоша ва меҳмондорчиликларда айтилади. Икки киши ёки бир неча киши кенг даврада маълум тема устида тарафма-тариф бўлиб баҳслашади. Соф фикрлар курашидан иборат бўлган бу айтишув киши руҳига, тасаввур ва тафаккурига тездан таъсир этади. Аскиячи ўз «рақиб»нинг фикрига нисбатан янада чуқурроқ маънода чистон, оригинал фикрларни қайтариш билан ундан устун чиқишга уринади. Қаттиқ, лекин беғараз кулилар билан суғорилган баҳслашув бир тарафнинг ғалабаси билан тугайди. Демак, аския тез тафаккур қилиш мусобақасидир.

Ҳозиржавоблик аскиянинг энг муҳим шартидир. Бирор тараф ўз вақтида устун жавоб қайтара олмаса (пауза бўлса) кулгининг авжи тўхтайдди, рақиб фикрининг оқимида кучсизлик аломати сезилиб қолади. Ҳозиржавоблик оғизга келган гапни гапиравериш эмас, балки фикр, зеҳн, идрок ҳозиржавоблигидир. фикрнинг маънавий, изчил ривожидир, тема устида фикрлаш, зеҳн ишлатиш, идрок, фарз ва

<sup>1</sup> Муҳаммадғиёсиддин ибн Жалолиддин тузган луғатда (Навал Кушур нашри, Лақаҳнав, 1889 йил, 24-бет) «азкиё» деб ёзилган ва пок зеҳнли, тиниқ зеҳнга эга деган таъриф берилган.

Сўзларни этимологик жиҳатдан текшириб шундай хулосага келиш мумкинки, ҳозирги замон ўзбек тилидаги «аския» сўзи аслида «азкиё» (ўзаги «закий», «зако»)дан олинган бўлиб, тилдаги сирғаланиш (спираантизация) жараёнида «аския» шаклига кирган, фонетикаси ҳам ўзгарган ва талаффуз қилинишига кўра ёзувида «аския» ёзилиб келинади.

тасаввур этиш тезлигидир. Демак, фикрни тўсатдан, тайёргарликсиз тўғри ифодалаш маҳорати аския жанрининг хусусиятидир.

Бир неча маънони англлатувчи, кўчма маънолар берувчи ўйноқи ибора ва сўзларни ишлаб сўз ўйинлари қилиш аскиянинг характерли томонидир. Сўзлар қанчалик аниқ, равшан, жарангли айтилса, жумалалар қисқа, пухта тузилса тема мазмуни (пайров) эшитувчиларга шунчалик тез етади, сингади, қизиқиш кучаяди, пайров узоқ давом этади.

Хозирча аския жанрининг ўттиздан ортиқ шакллари аниқланди (пайров, «Бўласизми?», «Ухшатдим», «Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз?», «Кожия», «Лақиллатиш», «Киноя» ва бошқалар).

Пайров — изчил фикрлар оқими бўлиб, аскиянинг мукаммаллашган ва мураккаб усулидир. Пайров маълум бир теманинг маъносиши бошдан-охиригача ечиб беради. Аскиячилар тема доирасидан четга чиқмайдилар. Ҳар икки томон бир-бирларига ҳозиржавоблик қилганлариди фикрлар мазмуни бириникидан бириники устун келиши, яъни ривожланиши, охирида тўла ечилиши шарт.

Пайров мазмуни предмет ва ҳодисаларни бутун деталаригача очиб, кўрсатиб бериладиганина ечилади. Тўлақонли адабий асарда, масалан, табиат манзаралари, кишилар образи ва характери, уларнинг ҳаётга муносабатлари, воқеаларнинг ривожланиши ва тугалланиши, ғоя ва ҳаракатни тўлдирувчи деталлар тасвир этилганидай, пайровда ҳам бу талаблар амалга оширилиши шарт, акс ҳолда у «чала», «хом» бўлиб қолади. Шу жиҳатдан қараганда пайров сюжетли яхлит бадиий асар ҳисобланади.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, бир тема бир йиғинда кенг ва чуқур ечилиши, диалоглар узоқ давом этиши мумкин, иккинчи бир жойда эса теманинг нозик, гўзал томонлари айтилиб, айрим (иккинчи даражали) деталлари айтилмай, ташлаб ҳам кетилиши мумкин.

Аскиянинг «Ухшатдим», «Бўласизми?», «Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз?» ва бошқа шакллари кичик шакллар деб аталиши тўғрироқ бўлади. Юқоридаги ҳар учала шаклда ҳам аскиячи ўз «рақибини» бирор шахсга ёки шахснинг хатти-ҳаракатини бирор воқеа, ҳодисага тенглаштиради, нисбат беради, сифатлайди. Ҳар икки томон навбатма-навбат савол-жавоб қилишади ва мақсадни очишади. Бу усулларнинг характерли томони шундаки, бунда икки томоннинг ҳар сафарги савол-жавобидан кейинки тема (сюжет) ечилади, иккинчи сафарги савол-жавоб билан истаган бошқа темада гаплашавериш мумкин.

Лоф муболага асосига қурилган оғзаки ижод турларидан бўлиб, халқимиз ҳаётида минг-минг йиллар яшаб келмоқда. Лоф оғзаки, ёзма адабиётнинг барча жанрларида ўз нақшига эга. Достонларда, эртак ва латифаларда, роман, повестларда, айтишга томоша санъати репертуарларида лоф сатира ва юморнинг алоҳида кўриниши сифатида намоён бўлади. Лоф воқеаларни бойитиш, безаш, бўрттириш учун айрим парча, диалог сифатида хизмат қилса-да, бироқ, у бизнинг тахмин қилишимизча, ўз сюжети, композицияси, айтилиш услуби жиҳатидан аския жанрига мансуб бўлиб, эпик асарлар туркумига кирилади.

Ўз ижодида фольклордан унумли фойдаланган халқ шоири Ғафур Гулом лоф ҳақида қуйидагиларни ёзган эди:

«Араблар бизнинг Урта Осиёимизни истило қила бошлаганлариди йўлдаги биринчи шаҳар Марв (Мари) экан. Шунда Қутайбанинг голиб қўшинлари бир улак ва кўркам ёнғоқ тагида толон дастур-

хон устиди маст-аласт ўтирар эканлар. Албатта, энди бу дастурхонда жайрон кабобидан тортиб, Аму лаққасигача, Ашхобод аноридан тортиб, Қаҳҳа узумигача, Чоржўй, Бешўғизнинг қовун-тарвузларигача бор эди. Шунда бир араб саркардасининг бошига «қарс» этиб битта хом ёнғоқ тушибди. Кайфи учган саркардаи гуррабош шу ёнғоқни қўлига олиб айлантириб кўра бошлабди. Қарасаки, дастурхонда сўйилмаган тарвуз ҳам шунга ўхшайди. Шунда айтган экан:

Ёнғоқ дарахти-ку, шунчалик балан,  
Тарвуз дарахтидан худо асрасин.

Айтганики, шу ёнғоқ ўрнига дарахтдан тарвуз узилиб тушса, чилпарчин бўлардим...

Халқимизда муболага — гипербола, яъни лоф жанри ҳамма сўзда ва суҳбатда ош тузидай зарурий.

— Ҳамма халқлардагидек бизнинг классик адабиётимиз ҳам, замон адабиётимиз ҳам лофлардан, гиперболалардан холи эмасдир!».

Ўзбек халқ оғзаки ижодида «Лофбозлик», «Лоф уриш», «Лоф айтиш» номилари билан юритиладиган бу сўз санъати яқка ва коллектив ижод характерига эга. Унинг асосида ҳаётий фактлар, ҳодисалар, образлар, шахслар ётади, бироқ улар ўз борлигича эмас, балки муболага, оширма, кичрайтириш ва бошқа приёмлар билан тақин этилади. Бу тўпلامда лофлардан, шингил аскиялардан ҳам намуналар берилади.

Халқ оғзаки ижоди адабиёт ва санъатнинг хилма-хил жанрлари каби бир-бирга узвий боғланган, яқин, баъзан ўхшаб ҳам кетади. Шунингдек, ижодий изланишлар, воқеликни ифодалаш зарурати натижасида булар ривожлана боради ва бир-бирининг таъсири билан бойиб шаклланади. Бу қонуният аския санъатида ҳам ўз кучига эгадир. Масалан, аскиянинг негизда закийлик, нафис сўз ўйинлари, муболага, мажоз ва бошқа хислатлар мавжуд.

Аския жанри халқимизнинг закий эртақлари, латифалари, мақол ва маталлари таъсири остида ривож топди, қолипга тушди, халқ тилининг бой хазинаси унга куч бағишлаб турди.

Масалан, ўзбек халқи орасида Насриддин Афанди латифалари кенг тарқалган. Бу латифаларда беҳад муболагалар, ўхшатишлар, кўчма маъноли сўзлар, сўз ўйинлари, чандишлар борки, булар бевосита аския элементларидан иборатдир. Масалан:

«Афанди бир куни гаплашиб ўтириб аъламини: «Сиз аҳмоқ одам-сиз», деб қўйди. Аълам уни подшонинг олдига судради. Подшо афандига бир қанча пўписа-сиёсатлар қилганидан кейин:

— Дарров узр айт. Сиз аҳмоқ одам эмассиз, кечирасиз, дегин, йўқса ҳозир жаллодни чақираман!— деди.

Афанди аъламга қараб деди:

— Сиз аҳмоқ — одам эмассиз! Кечирасиз!..»

Халқ оғзаки ижодида тил бойлиги — сўз ўйинлари фикрни гўзал, чиройли ифодалаш методи вазифасини бажаради. Тил асосида билимдонлик, донишмандлик, заковат, ҳаётни реал тасвирлаш маҳорати мавжудки, аския жанрида бу хислатлар ҳозиржавоблик билан аввалги фикрдан устун даражада жавоб қайтаришда намоён бўлади.

Сўз ўйинлари кишида беҳад қувонч, дид, нозик табиат ҳисларини уйғотади, эскиликдан, ёмон нарсадан қулиш, яхшиликка интилиш

1 «Муштум» журнали, 1964 № 20.

ва шу асосда ҳаёт гўзаллигини кўмаш сифатларини тарбиялайди. Сўз ўйинларини тушуниб олиш учун одам чуқур, тез ўйлашга, мушоҳада юритишга ўз-ўзидан мажбур бўлади.

Маълумки, ўзбек тилининг луғат бойлиги, луғат составининг ривож халқнинг турмуш шароити, ўсиш ва юқсалиши билан маҳкам боғланган. Тилининг луғат состави ўз тараққиёти даврида тўлаб, кўпайиб боради, нарса ва тушунчаларни ифодалашда тил материаллари негизда янгидан-янги сўзлар ясалди, луғат составидаги сўзлар кўшимча маънога эга бўладилар, сўзларнинг маънолари кенгайд ва ўзгаради. Аския тили ўзбек умумхалқ тилидаги барча сўзларни ўз ичига олади. Шу жиҳатдан ҳам ҳозирги тема ва вазифаларни ифодалаб берувчи, ҳаётимиздаги муваффақиятларни улуғлаб, нуқсонларни ҳажв қилувчи сўз санъати — аския халқимизнинг бой тил хазинаси билан тирикдир.

Бадий асарларда халқ мақоллари, иборалари билан бирга аския лавҳалари ҳам кўп ишлатилади. Бу — асардаги воқеаларни, образларни очишга, асар руҳига қувноқлик киритишга ёрдам беради.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўз ижодида ўзбек халқ сатирасидаги қизиқчилик, аския, муболаға, ўхшатиш ва бошқалардан самарали фойдаланди ҳамда уларни янги социал маънолар билан тўлдирди. Аския элементлари Ҳамзанинг саҳна асарларида айниқса кўп учрайди. Бу жиҳатдан «Майсаранинг иши» комедияси диққатга сазовордир. Мулладўстнинг сўзларидаги аскияга хос ҳозиржавоблик, донолик, киноя, чандиш, муболаға, сўз ўйинлари образни кучайтиради.

К Яшиннинг «Тор-мор» драмасида Фарғонадаги босмачилик ҳаракатига қарши кураш халқ милиционерларидан Мадазим билан Нурмат образида берилган. Мадазим — бўқоқ, Нурмат — кал. Автор буларнинг жисмоний нуқсонларидан юмористик лавҳаларда воқеаларни очиш, аниқлик киритиш учун фойдаланган.

Собир Абдулла «Мавлоно Муқимий» романида Муқимий ва унинг замондошларининг образларини, маҳоратларини уларнинг гоёвий ва бадий ўткир шеърлари ҳамда нафис сўз ўйинлари — аскиялар билан тўлатади. Ғазали (сатирик) кулги Муқимий душманларини фош қилишда, энгил (юмористик) кулги эса дўстларнинг кўнгилларини хушлишда қилишда уларга йўлдош бўлган. Асарда Қўқон, Андижон, Марғилон, Тошкент ва республикаимизнинг бошқа жойларида қадимдан ривож топган аския усулларидан ёрқин лавҳалар бор: Бу ҳол асарнинг ўқимишли, воқеаларнинг завқли, образларнинг тўлиқ бўлишига кўмак берган. Асардаги тарихий фактларга асосланиб айта оламизки, Муқимий ҳамда унинг атрофидаги шоир ва санъаткорлар аскияга ҳам қобил бўлганлар, аския санъати ҳамма вақт ҳаётда мавжуд бўлиб, кишиларни эстетик жиҳатдан тарбиялаган, кулдирган ва ором берган.

Демак, аския — халқ оғзаки ижоди намуналари — бадий адабиётимиздан ҳам муносиб ўрин олмақда.

Аскияда лақаб ишлатиш қадимги традициядир, аммо баъзи ўртоқлар, ҳозирги кунларимизда кишиларимизга лақаб қўйиш ярамайди, жисмоний нуқсонларни кўрсатиб ҳажв қилиш кишиларимизни масхара қилиш бўлиб чиқади, дейишади. Бу даъвога қўшилиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам кишиларимиздаги табиий жисмоний нуқсонларни ҳажв билан масхаралаб, гаразли кулиш уларга нисбатан ҳурматсизлик бўлади. Аммо аскияда лақаб аскиячининг шахсига путур етказиш мақсадида ишлатилмайди, балки аския сюжетини очиш, воқеа-ҳодисаларни таърифлаш, шахслар образини яратиш ҳамда сўз

ўйинлари билан кулги чиқариш мақсадида восита сифатида фойдаланилади. Шунингдек, лақабларнинг иккинчи, учинчи маъносини, хатти-ҳаракатини ҳозиржавоблик билан айтиш, ҳаётий фактларга таққослаш аскиячининг маҳоратини, ҳаётдаги воқеаларни билиши ва тушунишини кўрсатади. Лақаб маънолари эса аския темасини тўлдирди, чуқурлаштиради.

Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор бир суҳбатимизда бундай деган эди:

«Аскияда бир илмоқ бўлмаса кулги чиқмайди. Илмоқ худди шу лақабдир. Аския ҳозирги вақтда икки вазифага хизмат қилиши керак: бири — халқимизнинг янги ҳаёт йўлидаги мақсадини ва курашини ифода қилиши, иккинчиси — ҳаётимиздаги салбий ҳолатларни танқид қилиб, халқимизни эстетик томондан тарбиялаши зарур. Лақаб — аскиянинг бу вазифасини энгиллаштиради».

Фарғона область Бағдод район Бачқир қишлоқлик машҳур устоз аскиячи Олимжон ака Ҳайдаров айтади:

«Аскиячиликда бир чеккасига лақабдан шабада чиқармасдан кулдириб бўлмайди. Бироқ лақабни хунук муомалада айтиб бўлмайди. Буни билган билаб, биламаган билмайдиган қилиб усталик билан олиб борилса, аския қилинган киши ўсал бўлмайди. Баъзи аскиячилар лақабни «яланғоч» қилиб айтишади, бу ярамайди, албатта».

Эски урф-одат ва қоидаларнинг қаттиқ қаршичилигига қарамай, ўзбек аёллари орасида истеъдодли шоирлар, созандалар, раққосалар, ҳикоя, латифа айтувчилар, шу билан бирга аскиячилар ҳам кўп бўлган.

Халқ артисткаси Лутфихоним Саримсоқованинг ҳикоясига қараганда айниқса Фарғона водийсида аёллар тўпланган меҳмондорчиликларда ўзига хос аскиялар қилинарди. Дугоналар бир-бирларига қочирқиқлар, киноялар қилшардилар. Ҳозирги фаровон ҳаётимизда пок ва нодир ақлли аёлларимиз эркаклар билан ҳам ўзаро турли темаларда аскиялар айтишади, сўз ўйинлари қилишади. Ушбу тўпلامда аёллар аскияларидан ҳам намуналар, келтирилдики, бу — фикримизнинг далилидир.

Моҳир аскиячиларнинг таржимаи ҳоли ва ижодини ўрганиш аҳамиятга эгадир. Чунки халқ ижодининг бошқа жанрлари каби аския ҳам ўтмишда меҳнаткаш табақаларнинг орзу-тилақларини, озодлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик ҳис-туйғуларини ифодалаб келди. Меҳнаткаш халқ орасидан чиққан сўз санъаткорлари — аскиячилар тил шамширининг ўткир тиги — сўз ўйинлари, чандиш, ўхшатиш, муболағалар орқали текинхўр бой ва бойваччаларнинг, фирибгар қозинларнинг, ўғри-қаллобларнинг қора ниятларини омонсиз фош қилиб, улар устидан заҳархандалик билан кулдилар, жамият иллатларини кўпчилик ўртасида танқид қилдилар, мусибат билан оғир кун кечирган меҳнаткашларни кулдириб, уларга маънавий озиқ бердилар.

Улуғбек ҳукмронлик қилган даврда Самарқанд Шарқнинг энг йирик маданий марказига айланган эди. Улуғбек фан ва санъатни ривожлантиришга ҳомийлик қилди. Бу даврда қизиқчилик, халқ театри, музика санъати жуда ҳам кучайди. Алишер Навоий яшаган даврда адабиёт ва санъат ниҳоятда ривожланди. Шоир Зайниддин Маҳмуд Восифий ўз мемуарида ёзишча, Ҳиротда бадий сўз усталари — Ҳофиз Босир, Ҳофиз Мир, Ҳофиз Ҳасан Али, Ҳофиз Султон Маҳмуд биши, Шод Муҳаммад каби ажойиб кишилар яшаган. Ҳиротнинг машҳур аскиячиларидан Мирсарбар Рахно, Бурхони Гунг, Ҳасан Воиз, Сайд Ғиёсиддин Шарфи, Ҳалил Сахҳоб, Муҳаммад Бадахшчилар



ўткир сўз санъаткорлари бўлиб танилганлар. Навоий машҳур аскиячи Муҳаммад Бадахшини «аскиянинг пири» деб атаган.

Халқ оғзаки ижодининг материаллари асрлар давомида ўз даврининг тузуми, иқтисодий ва маданий тараққиёт даражаси талабларига мослаштирилиб, турли сюжетларда, ўзига хос тил ва бадиийлик билан талқин этилиб келди. Наслдан наслга мерос бўлиб ўтган, оғиздан оғизга ўтишда мазмун ва шакл жиҳатидан маълум ўзгаришларга дуч келган материалларнинг баъзилари ёзма адабиётлардан муносиб ўрин олди. оғзаки ижоднинг метод ва приёмлари эса ёзма адабиётга асос солди.

XIV—XIX аср ораларида яшаб ижод қилган ўзбек адиб ва шоирлари (Яқиний, Амирий, Саккокий, Атойи, Аҳмадий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобир, Муҳаммад Солиҳ, Нодира, Увайсий, Муқимий, Завқий, Фурқат ва бошқалар) асарларида оғзаки ижод намуналари беҳад кўп учрайди. XIX аср шоири Гулханийнинг «Зарбулмасал» асарига сатира ва юмор характерида тўрт юзтача мақол бор.

XVIII асрдан бошлаб Қўқон, Хива, Бухоро хонликларида «халқ театри» тиклана бошлади. Қўқон хонлигида «Қизиқчилик театри» тез юксалиб, халқ ўртасида машҳур бўлди. Аскиянинг энг мураккаб шакллари ривожланган ва аския нимояндалари кўплаб камолга етган давр XIX асрнинг иккинчи ями ва XX асрнинг бошларига тўғри келади. Ҳақиқатан ҳам бу даврда Қўқон шаҳри ва унинг атроф қишлоқларида кўплаб моҳир аскиячилар етишиб чиққан.

Бу даврда, яъни Туркистон ўлкаси Россияга қўшиб олингандан кейинги даврда, Туркистон ўлкасида, хусусан, Қўқон, Маргилонда савдо-сотиқ ва касибчилик ривожланди. Бир томондан чор амалдорлари, иккинчи томондан маҳаллий буржуазиянинг халққа қилган зулми кучайганига қарамай, халқ орасида демократик эркинликлар доираси кенгайди, меҳнаткаш халқда, айниқса касиблар орасида сайргоҳларга тўдалашиб бориш, кўпчилик бўлиб ҳордиқ чиқариш, тўй-томоша ва дўстлик гурунглари ўтказиш илгарига қараганда анча кўпаяди. Профессинал миллий театрга, кинога эга бўлмаган халқ оммаси бу вақтларда халқ орасидан чиққан талантли ижодкорлар — созандалар, ашулчилар, қизиқчилар, турли муаллақчилар, ёғочоёқ ва қўғирчоқ ўйинларини ижро этувчиларнинг санъатларидан баҳраманд бўлди. Маълумки, бу ижодкорлар орасида аскиячилар ҳам жуда кўп эди.

Деҳқон юзбоши Шерназаров, Эрка қори Каримов, Юсуфжон қизиқ Шакаржоновлар 1895—1940 йилларда аскиячилик билан ном чиқариб, бутун бир насл аскиячиларининг устози даражасига кўтарилдилар. Турсунбува Аминов, Пўлатжон Нурматов, Комил қори Қулижонов, Маматбува Ваҳобов, Мамаюнус ака Тилабоев, Усмон қори Мирзабеков, Қодиржон ака Ҳалилов, Жўраҳон Султоновлар юқоридagi устозларнинг замондошлари ва давомчиларидир. Абдулҳай Маҳсум Қозоқов, Фанижон Тошматов, ака-ука Шожалиловлар ҳозир республикада аския санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Мазкур тўпламда шу учала давр намояндалари ижодидан намуналар келтирилганки, бу — халқ хазинаси бойликларини кенг кўламда тўплаш ва ўрганиш соҳасидаги ҳаракатнинг дастлабки маҳсулидир, уни давом эттириш фольклористикамизнинг зарур вазифасидир.

Аския — қаҳқаҳа кулги билан тирик. Маълумки, ҳаётда икки хил кулги бўлади. Бир — жамиятнинг ривожланишига қарши бўлган, илғор, сиёсий, ижтимоий, эстетик гояларга зид бўлган, уларни амалга

оширишга халақит берадиган барча нарсалар ва шахсларни қаттиқ фош қилувчи кулгидир, буни сатира дейилади. Иккинчи кулги эса бегараз, беихтиёр, шодон кулги, буни юмор кулгиси дейилади. Юморнинг сатирадиган фарқи шуки, у, маълум социал ҳодисани бутунлай барҳам беришни тарғиб қилмасдан, балки ундаги нуқсон ва камчиликларни йўқотиш йўли билан уни такомиллаштиришга ундайди, юмор билан нуқсонлар газабли равишда масҳара қилннмайди. Бизнингча, ҳозирги кунларимизда аския юморга хос бўлиб, махсус жанр сифатида ривожланмоғи керак.

Аския демократик характерга эга бўлган, мазмун ва йўналиши билан халқ оммасини тарбиялайдиган, инсон қалбини руҳлантириб, унга ором берадиган, меҳнат ва курашга чорлайдиган, соғлиққа наф келтирадиган санъатдир. Ватанимизда Коммунистик жамият қурнаётган даврда, аския сўз санъатининг ўзига хос жанри сифатида тарбия ва танқид қуроли вазифасини адо этмоғи лозим.

В. И. Ленин таълим бериб айтадики, ҳар бир миллий маданиятда демократик ва социалистик маданият элементлари бор, чунки ҳар бир миллатда меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи омма бор, бу омманинг турмуш шароити муқаррар суратда демократик ва социалистик идеологияни туғдиради. Биз ҳар бир миллий маданиятдан унинг демократик ва социалистик элементларининг танилаб оламиз.

Илғор традициялар ва халқ ҳаётига сингиб кетиб, ўзнда эстетик тарбия сифатларини кашф этган урф-одатлар умумхалқ маданиятининг шаклланишига таъсир этади. Бундай маданиятнинг асл ижодчиси ҳамisha халқнинг ўзидир.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ва Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти Ўзбекистон Ёзувчилар союзи билан биргаикда аския материалларини тўплаш, ўрганиш ва пропаганда қилиш мақсадида 1961—1967 йилларда уч марта илмий экспедиция ташкил қилди. Биринчи экспедиция Фарғона водийсида ишлади. Аскиянинг тарихий ривожланиши ўрганилди, илмий аҳамиятга эга бўлган кўпгина ҳужжатлар, аския пайровлари тўпланди. 1963 йилги иккинчи экспедиция вақтида Урта Осиё республикаларидаги қардош халқлар ҳаётида аскиянинг қанчалик тарқалгани ўрганилди, аския пайровлари тўпланди, ўтмишдаги аскиячиларнинг ҳаёти ва ижоди билан танишилди, моҳир аскиячилар иштирокида учрашувлар ўтказилди, аския халқ орасида кенг пропаганда қилинди. Ниҳоят, 1965 йил июль — август ойларидаги учинчи экспедиция Фарғона водийсининг шимолий районларида, Сирдарё областида ишлаб, аскиянинг янгидан-янги пайровларини тўплади, ёш аскиячилар ижоди билан танишди. Бу экспедицияда, республиканинг атоқли олимлари, ёзувчи ва шоирлари ҳам қатнашди. Экспедициянинг якуни аскиянинг чиндан ҳам халқ оғзаки ижоди эканлигини кўрсатди.

1967 йил август ойида республика аскиячилари конкурси ўтказилди, конкурс аския байрамига айланиб кетди. Аския киноси ишлаб чиқарилди. Аския пайровлари пластинкаларга ёзилди.

Илмий экспедицияларнинг фаолияти ва иш якунлари яна шуни ҳам кўрсатдики, ўзбек халқи оғзаки ижодининг оммавий жанри бўлган аския санъати кейинги 10—15 йил давомида халқимиз ҳаёти ва турмушига кенгроқ сингиб бормоқда, мазмуни ва шакллари ҳозирги замон талаби ва вазифаларига мослашиб тараққий этмоқда. Республикада моҳир аскиячилар билан бир қаторда ёш аскиячилар ҳам етишиб чиқмоқда, улар бу традицияни кўпчилик орасига олиб кириб, унинг

дади ривожланишига ҳисса қўшмоқдалар. Аския саҳнага чиқарилди, концертларда, бадий адабиётда ҳамда саҳна асарларида ўз ўрнини топмоқда. Аския пайровларининг мазмуни, бадийлиги қуюқлашмоқда, янги шакллари яратилмоқда. Аския айтиш халқ йиғинларида, халқ сайилларида, тўй ва дўстлик анжуманларида одат бўлиб қолмоқда. Аския жанри ўзбек адабиётшунослигида кенг ўрганилмоқда, профессионал ва ёш аскиячилар адабиёт ва санъат ташкилотларига жалб қилинмоқда, давлатимиз уларнинг ижодий меҳнатини тақдирламоқда.

Ушбу тўпламга анчагина аския пайровлари киритилди. Бу пайровлар кейинги 15 йил мобайнида ёзиб олинган ва тўплангандир. Буларнинг кўпчилиги қисми бевосита аския учрашувларида, илмий экспедиция ишлаган вақтларда магнитофон денталарига ёзиб олинган ва кейин қоғозга туширилган пайровлар бўлиб, булар тўпламнинг I бобида жамланди. II бобда аскиянинг турли-туман шакл ва хилларидан намуналар берилди, булар ҳам тематик жиҳатдан тартибга солинди. Сўз ўйинлари, айрим иборалар, омоним ва синонимлар қора ҳарфлар билан ажратиб берилди. Иловада тегишли изоҳлар ва манбалар кўрсатилди. Шунингдек, тўплам охирида моҳир аскиячиларнинг ҳаёти ва ижодига оид қисқа маълумотлар ҳам берилди.

Тўловчи аския шинавандаларига, халқ ижоди билан шуғулланувчиларга, адабиётшуносларга ва барча китобхонларга мурожаат қилиб, ушбу тўплам ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларни билдиришни илтимос қилади. Шубҳасизки, билдириладиган фикр ва мулоҳазалар келгусидаги тадқиқот ишларга амалий ёрдам беради.

*Р. МУҲАММАДИЕВ*



# ПАЙРОВЛАР

## ХАЛҚ ХУЖАЛИГИ ТЕМАЛАРИДА

### ПАХТАЧИЛИК

#### I

Турсунбува. Мамарозиқ ака, энди икковимиз ҳам бригадир эканмиз, мана эсон-омон экиб-тикиб бўлдик. Сизникини билмайману, аммо бизнинг чигитлар ерни **лўппи қилиб** кийиб чиқяпти.

Мамарозиқ ака. Бўлмаса, бир-биримизнинг ишимизни комиссия бўлиб текшираемиз. Биз ҳам қолишмаймиз, бизни **яғона** деб ўйланг.

Турсунбува. У кунни райондан комиссиялар келганда далада: **ўт, ўт** дебсиз. Энди биз борсак, ерингизнинг атрофида айлангириб юриб, ўртасидаги оласини кўрсатмасангиз керак! Унақа қиладиган бўлсангиз, умумий мажлисда **ўсмай қопсиз**, дейман.

Мамарозиқ ака. Дарров умумий мажлисга солманга-да, беш-олти кун муддат беринг, гўзаларни **қаричга** келтириб қўяман.

Турсунбува. Йўқ, сиз биздан яширяпсиз! Ут ичида кўмилиб ётсаям, гўзаларимиз **тиззага уриб** қолган, деб мақтанасиз.

Мамарозиқ ака. Турсунбува, гапни ҳам **узунасига**, ҳам **кўндалангига** гапиравергунча, бригадангиздаги тракторни ишга солсангиз-чи!

Турсунбува. Сизнинг тракторингиз нимага бекор турипти десам, ҳалигача **йўл қилиб** юрган экансиз-да!

Мамарозиқ ака. Тракторчиларнинг ишлашини мундоқ текшириб турмас экансиз-да! Мана, йўлда кетаётиб **илмоғи** билан **кўприкни** ҳам кўтариб кетипти.

Турсунбува. Сиз ҳам шунақа қараб турмас экан-

сиз-да, тракторчилар **етилмаган** ерга солган экан, мана, трактор кирибди-ю, чиқолмай ётибди.

Мамарозиқ ака Ишимизни текширсангиз дурустроқ текширинг-да! Бизнинг аъзоларимиз иш қилишяпти, кўзингизга **шахмат ўйнашгандай** кўрингандир-да!

Расул қори. Ҳо ўртоқ бригадирлар, гаплашавериб сувсаб қолмадингларми?! **Чанг қоқ** дейми Турсунбувага!

Икромиддин. Турсунбувани асло қўйинг, сув қўшинининг ошқовоғига оқяпти-ю, ўзлари текширгани кириб **сувдан қуруқ** чиқяптилар.

Турсунбува. Мамарозиқ аканинг аъзоси Қодиржон ака бўлса, шарпаларини билдирмай шолিপояларини суғориб ётибдилар<sup>1</sup>. Нима, бригадир **оғзига сув олганми**, индамайди!

Қодиржон ака. Ҳадемай сувга сероб бўлиб қола-сиз, мана, Олимжон ака<sup>2</sup> ўша томондан **бошини боғлаб** келди.

Турсунбува. Расул қори, ҳали сиз мени чанқоқ дедингиз. Мана сув ҳам келди. Бизнинг ерлар кучсиз, **най** усулида **чанг қоқ** ерларни суғорасиз-да!

Расул қори. Сув келаверсин-чи, қанақа қилиб суғоришни ўзим биламан. Ҳалигача Қодиржон акадан дарак йўқ, ё ариқ бошида **сув очиб** ўтирибдимикин?

Олимжон ака. Ана шунақа сув очиб ётган миробга **ғўзаларни** суғортирманг, **этагини** ювдириб юборади.

Қодиржон ака. Олимжон ака! Майли, мен ўшанақа миробман. Сиз ҳам эҳтиёт бўлинг, тезроқ чеканка қилдириб олмасангиз, **бошингиз осмонга** етиб қолади.

Мамарозиқ ака. Турсунбува! Мана булар ишимиздаги камчиликларни **кампирнинг чигиригидан** чиқаргандай чиқаришди<sup>3</sup>. Биз **тузатдик**, уларни ҳам бир тузатмаймизми?!

Турсунбува. Тузатгани дори керак. Гапнингизга қараганда сиз **ғўзаларни** анча **чанглатиб** опсиз, дори кўпми дейман, ҳу анави **беткайгача** етибди<sup>4</sup>.

Расул қори<sup>5</sup>. Ушанинг учунми дейман, Мамарозиқ ака **лопиллаб** очилаб кетибдилар-да!

<sup>1</sup> Қодиржон ака Ҳалиловнинг лақаби «лайдак», шунга шама қилинган.

<sup>2</sup> Олимжон ака Ҳайдаровнинг лақаби «кал».

<sup>3</sup> Турсунбува Аминовнинг лақаби «кампир».

<sup>4</sup> Мамарозиқ ака Исҳоқовнинг лақаби «чўтир».

<sup>5</sup> Расул қори Мамадалиевнинг лақаби «қори».

Рустам ака. Усмон қори<sup>1</sup>, мана пахта териш ҳам бошланди. Теримга ёш болаларни туширибсиз, назорат қилмасангиз **сифатингизни бузиб** қўйишади.

Ғойиб ака. Турсунбува, ҳо Турсунбува! Тезроқ ҳаракатингизни қилинг, Усмон қори ака **ёш болаларини** ҳам олиб келяпти — буларнинг тергани **бизникига** қўшилади деб.

Турсунбува. Йўқ, унақа эмас. Усмон қори ёзда **ғўзани** сувдан тортиб қўйган, ўшанинг учун ҳамманикидан олдин бу Мамарозиқники **тўкилиб** ётибди-да.

Рустам ака. Мамарозиқ ака дейман, қизил карвонни нега икки кун илгари заводга юбордингиз десам, **ўғитнинг кўпини ерингизга** солиб, ҳаммага **чаман бўлиб** кўринаётган экансиз-да!

Турсунбува. Қизил карвонни бир ҳафта кетга суриб қўйдик. Нега десангиз, заводда қопингиз тош босмай, ўзингизга ўхшаш **енгил** келяпти.

Рустам ака. Бундан кейин ҳушёр бўлинг, ёш-яланглар теради, бир томони **хомлик**, эндиги боришингизда завод эшиги тагида **ушлаб** қолишади.

Иброҳимжон. Ғойиб ака, сиз механик теримчисиз, эътибор бериброқ теринг, орқангиздан одамлар сизни кўрсатиб: **чала экан**, деб юришмасин.

## II

Жўрахон ака. Махсум, сиз ҳам Мамарозиққа **ўхшаб** бригадирмисиз?

Махсум ака. Ҳа, шунақа.

Жўрахон ака. Аммо, ишларингиздан беҳабар бригадир экансизлар. Текширгани борганимда машиналар қайси бригадада ишляпти, деб сўрасам, билмайман, деб жавоб берасизлар, **бу — қанақаси**?! Билмадим деб қутулмоқчимсизлар?

Махсум ака. Менга ҳам, Мамарозиқ акага ҳам қийин. Сизга ўхшаган баъзи текширувчилар амалий ёрдам берамиз деб, отдан тушмай, бизни ишдан қолдирадилар. Ҳафтада бир борадиган баъзи **текинхўрларни** қаранг-а!

Турсунбува. Жўрахон! Бригадирлар **ўларча** дайланиб келди. Қарамайсизми, уватга солинган **сик-мола** **ёри** ерда ётибди.

Махсум ака. Жўраҳон ака! Текшириш бригадаси бўлганингиздан кейин дурустроқ текшириб беринг-да! **Кимнинг ери қатқалоқ, кимнинг ҳосили яхши қилган!**

Турсунбува. Мамарозиқнинг ери ўзи шунақа ола-була! **Уртаси** билан ишингиз бўлмасин, **тевараги** гулласа бўлди!

Махсум ака. Биринчи сентябрдан пахта теришга келаверасизлар. Аммо, пахта теришга **этаксизлар** келмасин.

Мамарозиқ ака. Эҳе, Махсум ака, бригадангизда ҳали этак йўқми? Яна ўзимиз дуруст экан, **этагимизга** қараб иш қиялпмиз.

Махсум ака. Ҳамма кучимизни далага сафарбар қилганмиз. Кўпчиликнинг этаги бор, фақат табелчининг дафтаридан **баъзилар этаксиз** чиқиб қоляпти, холос!

Ғанижон. Махсум ака, бунинг сабаби бўлса керак, баъзилар ишониб юргандир-да, **этак сизда** деб.

Махсум ака. Бизга ишонаверинг. Ҳозирданоқ **сизларнинг планларингизга** қўшиб юбораверсак бўлади.

Турсунбува. Мақтанаверманг, Махсум, пахтагиз лаборатория эшигида турибди. Бундай **ҳўл-қуруқнинг** фарқини билинг-да!

### III

Турсунбува. Пахта териш нормангизни нега бажара олмайсиз десам, эски «вавағ» экансиз-да!

Қодиржон ака. Ўзлари қора тахтани **қўноққа** айлантириб олибдилару, яна бизга **туллаклик** қиладилар.

Турсунбува. Терганлари паллага келмайди-ю, яна биз билан **пашшалашадилар**.

Қодиржон ака. Ўзим ҳам ҳайронман, ваъдасини бажармайдиган қанақа қочоққа учраб қолдим?

Турсунбува. Мен билан **дон олишгунча** ўзингизга этак топиб олинг!

Қодиржон ака. Бу киши ёрдамга чиққан одамлару, далани кўриш биланоқ **учирма** қилиб кетганларига куййми?

Турсунбува. Сурьатингиз пастроқ, ё қанотингизнинг тагига **сув пуркайми?**

Қодиржон ака. Нормамни бажариб шунинг жабидан қутулмасам бўлмайдиганга ўхшайди, жуда **уриниқоқ** чиқиб қолди!

Турсунбува. Мана, Қодиржон ҳам мажбуриятини бажарди, кўрмайсизми тили чиқиб **«бит-билдиқ, бит-билдиқ»** деб қолди.

Қодиржон ака. Турсунбувам ҳам хурсандлар, эволюлари камчиликларини битириб, планини бажарганга ўхшайди. Кўрмайсизми, энди ҳамма ёқ **«сип-силлик, сип-силлик»** деяптилар.

Турсунбува. Ҳосил тўйига тайёргарлик кўряптилар шекилли, қўлларига битта тахта кўтариб олиб **«рандаланг, рандаланг»** дейдилар.

Қодиржон ака. Яхши ишлаганингиз учун мукофот чиқадими дейман, қўлингиз қичияпти. Шунақа бўладиган бўлса қўлингизни **«таталанг, таталанг»**.

Турсунбува. Ҳосил тўйига қоҳоқлар ҳам келганми дейман, нафаслари ичларига тушиб, **«кўргилик, кўргилик»** деб ўтирибдилар.

Қодиржон ака. Кўргилик эмас, Турсунбува, айб ўзларида, бўлмаса нима учун **«кўрчилик, кўрчилик»** дейдилар.

### ТЕРИМЧИЛАР

Ғанижон. Жўраҳон ака, ўзларини пахта плани тўлиши муносабати билан табриклайман. Сиз ҳам ўз ҳиссангизни қўшдингизми ёки комиссияга бориб справка олиб **ВТЭК** ётдингизми?

Жўраҳон. Сиз ҳам далага чиқиб қозон бошидан келмабсиз. **Ҳашарга эмас, ошарга** келди дейишди.

Ғанижон. Ўзингиз дала кўрганингиз йўғу, план бажарилгандан сўнг **«оқ олтин»** им дейсиз.

Жўраҳон. Сиз ҳам қойил қилибсиз, пахта ораламай, **шйпонглашиб** юрганмишсиз.

Ғанижон. Якшанба куни бир кунга чиқибсизу, шуниям эпламабсиз! Уртоқларингиз кулишяпти **Жўраҳон этаксиз** чиқибди деб.

Жўраҳон. Ўзингиз ҳам пахта термай, **этакни қўлтиқлаб** юрган эмишсиз-ку!

Ғанижон. Ҳамма пахта майдонида, шаҳарда сиздақалар **териблиб** қолди.

Жўраҳон. Яна план бажарилса, хурсанд ҳам бўлурсиз **теримга** сизгадим деб.

<sup>1</sup> Беданаларнинг сайраш оҳангларига ўхшатишмоқда.

Ғанижон. Пахтада чарм чопон кийиб у ёқдан-бу ёққа чоғиб юрибсиз тери — шимни кўр деб.

Жўраҳон. Ҳадеганда хирмондан келмайсиз, пахта ағдарасиз — ҳўл деб. Минг марта айтдим «ҳой, қуруқ!» деб.

Ғанижон. Пахта теримига деса, докторга югурасиз «йигим келади» деб.

Жўраҳон. Бўкаликларнинг ҳам Саодати<sup>1</sup> яқин.

Ғанижон. Янгиерликлар маррага етиб Инобатлик бўлдилар.

Жўраҳон. Фахрланишга арзийди-да. Мелиқўзи Умри узоқ бўлсин.

Ғанижон. Ғайратли чол экан. Мамажон — отаман деб турибди.

Жўраҳон. Астойдил бўлсин. Жалолов қолиб, Дадажон деб юрмасин.

Ғанижон. Бухороликларнинг келгуси йилги ваъдаси Чиниданмикин?

Жўраҳон. Ромитанликлар астойдил бўлса, мақсадга Муяссар бўлур.

Ғанижон. Ғиждувонликлар ўз ишидан Шодмондир, албатта.

Жўраҳон. Пешқадам Саримсоқов келаси йилда ҳам отни қамчилаб Савайман деб турибди.

Ғанижон. Гап пахтакорлар ҳақида бораётир, тушундингизми, Жўраҳон ака! Яна бир «Пахтакор» бор. Биринчиси — мамлакат омборини «оқ олтин»га тўлдирса, иккинчиси ўз дарбозасини тўпга тўлдиради.

### УЛОҚЧИЛАР

Расулжон. Мулла Ғанижон, келинг бир улоқ чоғишайлик. Сиз билан елкалашиб кўрмоқчиман. Отингизни ўзим «чу» деб юборайми?!

Ғанижон. Бизнинг отлар улоқ олиб, улоқ ташлаб юрган. Бу гапларингизни думда юрадиганларга айтинг.

Расулжон. Пойгада қўшниларибиз кўринишмаяпти-ку?

Ғанижон. Ҳайронман, ёздаги ваъдаларининг юки босиб, отларининг бели чиқиб қолганмикин.

<sup>1</sup> Барча номлар — илғор теримчилар, механик-ҳайдовчилар номлари.

Расулжон. Унақа десам нега совхоз директори улоққа тушган?

Ғанижон. У киши шунақалар, юз бўлмаса ҳам тушаверадилар. Кўрмайяпсизми, моҳир чавандозлар у кишини улоқ-улоқ қилиб ташлашапти.

Расулжон. Ҳу анови улоқчини кўрдингизми, пастликдаги колхознинг раиси-ку, отининг думи кўринмайди-я?

Ғанижон. Ишига ўхшаб думи хуржундадир.

Расулжон. Ғанижон ака, узоқдан сизни «Фарҳод» совхозининг пўлат чавандозига ўхшатдим. Улоқни айлаштириб келиб ташлаб ҳар сафар соврун олишингиздан арзвани қуруқ олиб қочмайдиганлардан бўлсангиз керак?

Ғанижон. Пойга деб шуни айтадилар-да! Қани, сиз ҳам бир йўргалаб қолинг! Қолоқ колхоз раисига ўхшаб кабинетда улоққа соврун тикиб ўтираверасизми?

Расулжон. Ҳали қўлингиз улоққа теккани йўғу, бизни қантариб ҳам қўясиз. Бу гапингизни бирорта қирқинчи колхоз раисига айтинг, у — лаққа, тушади!

Ғанижон. Яхши отга бир қамчи кифоя! Келинг, отингизни қамчиланг, маррага яқин қолганда той чоғлиқ қилиб қолди деб, уэр айтиб ўтирманг яна.

Расулжон. Ғанижон ака, келинг энди бир-биринизга мадад берайлик. Улоқни оширишиб берсам соврундан чўзасизми?

Ғанижон. Ёрдам керакми деб мендан сўрагунча, ёрдамга чиққан теримчилардан сўранг. Менга гап чопасизми!

Расулжон. Яшанг, Ғанижон ака! Аскиямиз бутун бўлди — улоқ-улоқ эмас. Энди пахта планини бажаришдаги нуқсонларни улоқтириб ташласак. Юринг энди далага. Ана отчопар ҳам келди, бориб соврунингизни олинг — тўн улоқ — сиз!

Ғанижон. Раҳмат, ўзлари саломат бўлсинлар!

### ЧАВАНДОЗЛАР

Турсунбува. Мамарозиқ ака! Ҳорманг энди. Бу йил пахтада яхши улоқ ташладингиз. Энди дўшпини яримта қилиб юрсангиз ярашгудек, бултур юзингиз йўқ эди.

Мамарозиқ ака. «Юз кўр, ҳол сўр» дейдилар. Сиз ҳам пойгада чиройли юришлар қилдингиз, қойилман,

ака! Худди Боявутдаги Турсунбойга ўхшаб улоқни Латиф<sup>1</sup> ташладингиз-да!

Турсунбува. Лекин, Мамарозиқ, сизга унча қўйил келмадим. Попликлар билан елкалашганингизда озгина судралаиб қолган эдингиз, чавандозлигимга бориб сиздан ўтиб кетдим, улоқни Аҳмаджон Одилик<sup>2</sup> билан ўнгариб берувди-да.

Мамарозиқ ака. Улоқни Бағдод далаларида Эркин<sup>3</sup> ўнгариб бериб турса, сиз ҳам чакана улоқ ташламайсиз! Усмонхўжаевдан ҳар йили соврунга Бузрук<sup>4</sup> олиб турипсиз-ку!

Турсунбува. Катта соврун ўртада кўринмай қолди, кўрдингизми десам, уни риштонлик улоқчилардан Мамадали Топиб олди<sup>5</sup> дейсиз-а.

Мамарозиқ ака. Сиздақа соврунга қапа тикиб олармидим. Андижондан Узоқбой Саримсоқов<sup>6</sup> от ўйнатиб «Савай»ман деб турса, соврунсиз бўлиб қоласиз.

Турсунбува. Чавандоз аёлларга ишингиз тушмапти, Мамарозиқ! Пўлат отларимиз омон бўлса, Сирдарёдагиси тугул, Қорақалпоғистондаги Ойим<sup>7</sup> ҳам Камол топаверади.

Мамарозиқ ака. Ҳа, Турсуной Охунова ўз сафдошларини камолига етказаётир. Ахир, ким айтипти ой бир жойда турсин деб.

Турсунбува. Шунинг айтинг-а, Мамарозиқ! Улоқни айлантириб келиб ташлайдиган чавандоз — Турсунойларнинг Хўжаободда ҳам Жўралари бор. Мана, Холмамат Жўраев энг ўткир чавандоз, паккаси «Ленинград»да, унинг Жўралари<sup>8</sup> ҳам полвон ўтган.

<sup>1</sup> Сирдарё область Боевут районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси Турсунбой Латипов.

<sup>2</sup> Фарғона область Поп районидаги «Москва» колхозининг раиси Аҳмаджон Одилов.

<sup>3, 4</sup> Фарғона область Бағдод районидаги «Социализм» колхозининг раиси Эркин Усмонхўжаев. Бузрук — Эркин Усмонхўжаевнинг отаси Бузрук Усмонхўжаевдир. Бузрук Усмонхўжаевнинг лақаблари «Туя», яъни бузрук. Ҳурматли Б. Усмонхўжаев Йўлдош Охунбоевнинг сафдоши бўлиб, аския санъатини сақлаб, ривожлантириб келмоқда. Катта Фарғона каналининг бошлиғи. 1896 йилада туғилган.

<sup>5</sup> Фарғона область Куйбишев районидаги Ленин номи колхоз раиси марҳум Мамадали Топиболдиев.

<sup>6</sup> Узоқбой Саримсоқов — Андижон область «Савай» совхозининг собиқ директори.

<sup>7</sup> Қорақалпоғистон АССРдаги машҳур пахтакор Ойим Камолова.

<sup>8</sup> Андижон область Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозининг собиқ раиси, машҳур пахтакор Жўраполвон Эгамбердиев. Угли Холмаматжон — ҳозир шу колхозининг раиси.

Мамарозиқ ака. Ота, сизга ҳам пўлат от ярашгандай кўринади, чаққон чопасиз экан. У кунини Асакадаги улоқда от устида пирпираб кетаётган экансиз, «Мамажон» деб чақирсам, «Ҳа, лаббай, Дадажон»<sup>1</sup> деб, сўрашиб кетдингиз.

Турсунбува. Мамарозиқ ака! Мана бугун тўй, улоқ ҳам чиқди, лекин сиз ашула айтиб улоқ чопадиган улоқчи экансиз. «От минсам ҳам ўйнайман, минмасам ҳам ўйнайман», деб.

Мамарозиқ ака. Ҳа, шунақами, тўй устига тўй бўлаверсин. Биз ҳам тўйлар муборакни айтиб, қора байримизни тоблаб турибмиз.

Турсунбува. Шунақа улуг-айём пайтларида ашула айтмасам қачон айтаман. Ахир, тўйга сиздақа ҳулкорим келур!

Мамарозиқ ака. Ота, чавандозлар сиздан ҳам ашула чиқадими деб сўрашяпти. Ҳа, отам ашула айтади, дедим. Буларнинг олдида сувора билан салом айлаб келинг.

Турсунбува. Сизни-ку билмайман, аммо ўзим дуруст чавандоз! Улоққа манман деган чавандозлар тушади: мард қолур майдон аро деб. Сиз-чи?

Мамарозиқ ака. Менми, мен ҳам улоқ чопишиб юрганлардан. Ҳали елкалашамиз. Ҳозир юқорида мен келаман от ўйнатиб.

Турсунбува. Мамарозиқ ака! Эндиги галаба улоғи пойтахтимизда бўлади, чавандозлар тўпланишади. Сиз ҳам «Йўрға» миниб келаверинг салом сизга Хоразмдан деб.

Мамарозиқ ака. Сиз ҳам саманга миниб олиб келаверинг Андижон самосига олиб.

Турсунбува. Сиз ҳам дулдулга қия ўтириб келаверинг, яккадур Фарғонада деб.

Мамарозиқ ака. Сиз ҳам тўриққа миниб келаверинг Самарқанд ушоғидан.

Турсунбува. Сиз ҳам олатойга миниб келаверинг «Бухоро проғи» дан.

Мамарозиқ ака. Сиз ҳам қашқага миниб келаверинг, дарёларнинг ул юзидан деб.

нинг собиқ раиси, машҳур пахтакор Жўраполвон Эгамбердиев. Угли Холмаматжон — ҳозир шу колхозининг раиси.

<sup>1</sup> Андижон область Ленин районидаги машҳур механизатор Мамажон Дадажонов.

Турсунбува. Сиз ҳам калтастойга миниб келаверинг, оша келдим Аму — Сурхондарёдан деб.

Мамарозиқ ака. Сиз ҳам пўлат отни ҳайдаб келаверинг, Сирдарё қизи ман деб.

Турсунбува. Сиз ҳам учар отга миниб келаверинг, қора қалпоқ тиккан қўлингдан деб.

Мамарозиқ ака. Пўлат оту, учар отларда ҳаммадан илгари Тошкентга ўзим келиб турсама-а, ишни алла қилдим, деб.

Турсунбува. Мамарозиқ ака! Келинг энди, ана шунақа шодиёна кунларда келар йилги ишларимиз ҳақида пухтароқ гаплашиб олайлик. Яна, бу йилги галабаларимиздан ҳовлиқиб кетиб **лаққайиб** қолмайлик. Сиздан хафа бўлишиб қолишмасин у — **лаққа**, тушган экан, деб.

Мамарозиқ ака. Мендан кўнглингизни тўқ қилинг. Бунақа гапларга сиз — **лаққа** тушасиз!

## ТЕРМАЛАР

### I

Ғанижон. Жўрахон ака, кечаги раис билан сўрашигиз келмади-я, димоғингизни ўт босганми дейман?

Жўрахон ака. Кўрмайсизми экинларни ўт босиб ётипти-ю, у шаҳарда **чопти-чопти қилиб** юрипти.

Ғанижон. Шунга ҳам **ажриққа ағнаб** юрибсизми, Жўрахон ака, балки шаҳардан ёрдам олиб камчиликларини **ёпти-ёпти** қилмоқчидир.

Жўрахон ака. Бор кучидан ўринли фойдаланмай, кузда **соч юлишнинг** фойдаси йўқ, вақтида юлиб ташланмаган ўтнинг илдизи қолади-да.

Ғанижон. Демоқчисизки, ҳалол меҳнат қилсанг пахта пахта бўлади, бўлмаса **ўт-ўт**.

Жўрахон ака. Ҳа, баракалла. Ҳозир гўзага авжи ишлов берадиган палла. Аммо ҳалиги раиснинг колхозидоги баъзи сояпарларга далага чиқ десангиз боққа **боғлиғман** дейди. Турқи қурсин бундай югурдакларнинг. Ўзи енгил-елпи иш билан кунини ўтказди-ю, яна **хотинимга ардоқлиман** дейди.

Ғанижон. Тўғри айтасиз, хотинини ишга чиқариб қўйиб, ўзи чорбозор қатновчи бир тузоғ уздига нега бундоғ қиласиз десам, нима қилай, **сигир-бузоқлиман** дейди.

Раис, ҳеч бўлмаса сув суғор деса, сувдан **чиққанман** дейди.

Жўрахон ака. Э, ишонманг унга, сувчининг у ер-бу ери ҳўл бўлади, у сувга ҳам бормаган, **қуруқ-ку!**

Ғанижон. Келинг, ўзимиз бир сувчилик қилиб кўрайлик. Айтгандай, бу йил сувчининг обрўси ошиб кетди, илгаригидек қўшимча мукофот учун раиснинг кабинети олдида **ҳақ** деб ўтирмаймиз.

Жўрахон ака. Раҳмат, Ғанижон. Аммо гўзаларни най усулида суғоринг, бу — **най-ёб усул** экан.

Ғанижон. Яхши бўлибди, демак, илгариги **бўғиш-бўғиш** йўқ.

Жўрахон ака. Ўзи кела беради, биров билан **бойлашиш** ҳам йўқ.

Ғанижон. Мен сизга тушуна олмай қолдим. Жўрахон ака, отангиз улоқчими дейман, сувни **ёппа** қилибсиз.

Жўрахон ака. Сув сероб, аммо исроф қилиб бўлмайди. Сиз эгат бошида хиргойи қилиб туриб сув **бос-тириб** юрибсиз-ку, **най-лайн** деб.

### II

Эшмат. Тошмат ака, сизнинг деҳқонлигингизга ишонмай қўйдим. Бултур кузда ерингизнинг бир қисми ҳайдалмагани устига, баъзи далаларда **туморча<sup>1</sup>** қолиб кетибди.

Тошмат. Шунақа дейсизу, Эшмат ака, нариги бригададан қўшиб беришган ернинг жуда **жири** қочган экан, **ағдарма шоти<sup>2</sup>** қиламан деб кечикдим-да...

Эшмат. Олимбува! Тошмат аканинг уруғи сарами дейман, ерни кўтариб эрта униб чиқди.

Олимбува. Кимнинг уруғи қанақалигини билмайману, аммо сенинг гўзанг Тошматникига қараганда буй бериб ўсиб кетди. Афтидан, тезроқ кўзга кўрина қолсин деб, гўзасини сув билан боқди. шекилли.

Эшмат. Бултургига ўхшаб «гўзам говлаб кетди» деб, машинага **чап бермоқчидир-да**.

Тошмат. Олимбува, машинадан гапирсангиз Эшмат аканинг **қовоқ-тумшуғи** осилиб кетяпти-я.

<sup>1</sup> Тупроқ уваланмасдан кесак ҳолича қолишига айтилади.

<sup>2</sup> Гўнг солиш.



Олимбува. Асли Эшмат захрини гўзасига сочса бўларкан, зараркунандаларни қириб ташларди.

Тошмат. Сиз шунақа дейсизу, Олимбува, агар у заҳар сочадиган бўлса, гўзанинг ўзини ҳам қуритиб юбори-ради-да.

Олимбува. Ундай бўлса гўзанинг баргини тўкадиган пайтда Эшматнинг яна бир қитиқ патига тегиб қўярканмиз-да!

Тошмат. Бу икки оғиз сўз билан ҳамма нарсага ҳам заҳар сочадиган одам, терим машинасига гов бўланг десанг ҳам заҳар сочади бу Эшмат.

Олимбува. Унақа дема, Тошмат, бу йил Эшмат аси борида этагини ёпиб олган.

Тошмат. Олимбува, Эшмат ака ўзига келиб қолипти. Лекин унга тайинлаб қўйинг, машина ишлатадиган бўлса тозароқ терсин, орқасидан чаласини тозалаб юрмайлик тагин.

Эшмат. Тошмат ака, бизни жуда ерга ураверманг, машинага ўнг кўз билан қарайдиган бўлиб қолдик.

Тошмат. Ундоқ бўлса машинангни тузукроқ ремонт қилдир, теримга тушганда яна сўлоғи ўйнаб қолмасин.

Олимбува. Тошмат, сен дарров каромат қилма, унинг ҳам ўйлагани бор, теримда панд еб қолмайлик деб, бир жуфт винт қидириб юрибди.

Тошмат. Ҳа, энди ўзига келипти, илгари 9-нчи винти ҳам йўқ эди. Эҳтиёткорлик яхши-да, иш вақтида оқсаб қолмай деган-да.

#### ЧОРВАЧИЛИК

Абдуллажон ака. Омон бўлгур Раҳматқул, мана икки-уч кундан кейин яйловга кўчамиз, омборчига фактор ёзиб беринг, чорвачиларга дурустроқ батинка берсин.

Раҳматқул ака. Омон бўлинг, Абдуллажон ака, бултургидақа бўладими деб қўрқяпман, факторда пулини олдингизу, колхозчиларнинг батинкасини еб кетдингиз.

Абдуллажон ака. Унақа тухмат қилманг, ҳамма колхозчилар керзи этик кийишади, сиз бўлсангиз оёғининг ошиғига етмайдиган майда батинкалар бердингиз, чўпонлар уни йўлдаёқ йиртиб бўлишган.

Раҳматқул ака. Ҳамма чорвани тоққа ҳайдадим,

дедингиз, ўзингиз бўлса салқин жой топсангиз ётиб оласиз, яна сўз бермайсиз, тоғдан ошдим деб.

Абдуллажон ака. Тоққа чиққангиз ишонмай-сизми, мана жун планини икки юз процент бажариб омборларни жунга тўлдириб юбордим-ку!

Раҳматқул ака. Омон бўлгур, алдайсиз, ҳақиқатми ё ёлғонми билмадим, совлиққа ажратилган қўйларни ҳам, қўчқорларни ҳам сотиб бўйсизу! Бунақада жун плани икки юз бўладими, бу қанақа жунфурушлик!

Абдуллажон ака. Сиз бухгалтер одамсиз, билишингиз керак, 24-форма қўйники. Сиз бўлсангиз бошқа ҳайвонларникини ҳам аралаштириб олаётирсиз!

Раҳматқул ака. Сиз ҳам чорвадорсиз, ишнинг кўзини билиб қилинг, фақат қўй, жун билан иш битмайди, охирида планни бажармаган «бизов» деб ўтирманг яна.

Абдуллажон ака. Туёқ планини аллақачон бажардим, ўзингиз идорада туриб «қўй-қўй» дейсиз яна.

Раҳматқул ака. Омон бўлинг, омон бўлинг, Мулла Абдуллажон ака, сигирни соғдиринг, қўйни соғдиринг, ҳа, эҳтиёт бўлинг, бу зог эмиб қўймасин.

Раҳматқул ака. Планини бажармаганингизга қўймаймиз, саломат бўлинг, албатта бажарасиз, биз бағдан «совлиқ» (соғлиқ) тилаб турсак.

Абдуллажон ака. Шунақа дейсизу, планини устига яна қаймоқдай қилиб ўттиз килограмм қурт ҳам қўшиб қўйибсиз.

Раҳматқул ака. У кунги ревизияда кам-кўстлар топилди, қўл келганда сиз ҳам соғиб ичишга уста экансиз. Ўзингиз иш бошида турмай, у ёғ-бу ёғда юрсангиз, бу ёғда бировлар сутингизни кавшашиб<sup>1</sup> қўйишипти, ахир.

Абдуллажон ака. Планини бажармадинг, деб айб-лашга сиз ҳам устасиз, бултур айтмовдимми, қўл бўлмаяпти, сепаратор олиб беринглар деб. Шунақа бўлаверса гап-ларингизда ҳам жир қолмайди.

Раҳматқул ака. Гап ёғлашга қолганда айронингиз эчимайди, ферма ишига мудир ҳам аралашади-да, увиб ўтирасизми оқлиқ солинган қаттиққа ўхшаб.

Абдуллажон ака. Раҳматқул ака, инсоф билан гапиринг! Ўзингиз ҳам, раис ҳам чорвадан хабар олмай қўйдинглар. Бир томонда силос, бир томонда қишга ҳозир-гарлик, ахир зардоб қилиб юбордиларинг-ку!

<sup>1</sup> Сутнинг ёғини олиб қўйишипти демоқчи.

Раҳматқул ака. Омон бўлгур Абдуллажон ака, силос тайёрлашга яхшироқ қаранг, сигирлар сизга ўрганиб қолган, сизга қараб «мо» деса, «гўшингни ейман» деб пўпика қилиб юрманг яна.

Абдуллажон ака. Омон бўлгур Раҳматқул ука, маккажўхорилар силосбоп бўлиб қолди, иш қисток — трактор беринг, одам беринг, бўлмаса кечга қолиб кетиб, ўзингизга<sup>1</sup> йиғиштириб юрмайлик.

Раҳматқул ака. Чорвадагиларни ишга солинг, иш билмас экан, деб, кейин яна терингизни шилиб<sup>2</sup> олмайлик.

Абдуллажон ака. Ёрдам бермадингиз деб, жойи келганда мен ҳам терингизга туз тиқаман.

Раҳматқул ака. Танқид ана шунақа бўлади. Келинг энди меҳнат кунларингиз ҳақини олинг.

Абдуллажон ака. Барака топинг, бизнинг ҳақини ҳам ёзганмидингиз, мен тўёқ шиқиллатиб юрувдингизми депман.

## II

Раҳматқул. Ферма мудирини бўлиб, ҳадеб раис билан борди-келди қилишгунча, сут-жун топшириш плани устидан назорат қилсангизчи!

Абдуллажон ака. Омон бўлгур, борди-келди қилишсам мен қилишяпман! Сизнинг қишлоқ-пишлоғингиз кетяптими?

Раҳматқул. Нега сигирларнинг сути тортилиб қолди деса, уйингиздаги бўрдоқилар билан бўлиб, ферма ҳайвонларининг ризқини қисди-писди қиляпсиз шекилли?

Абдуллажон ака. Кам бўлмагур, қисди-писдини ҳисобга олмасиз, даромадан келди-кетдисини унутиб қўясиз. Ишонмасангиз сут бергандан сўранг.

Раҳматқул. Эс-песи борми бу одамнинг ўзи, айни тоққа чиқадиган вақтда даромадни кўпайтириш ўрнига, раис билан олди-кетди қилишади-я!

Абдуллажон. Раисимиз аввал ферма мудирини бўлиб, иссиқ-совуқни бошидан кўп кечирган, бу ишнинг аччиқ-чучугини кўп татиган. Шунинг учун силаб-сийпаб,

маслаҳатини оляпман-да ёки биров билан кирди-чиқди қилишсак ҳам сиздан сўрайликми, кам бўлмагур?

## ПИЛЛА

Усмон қори. Турсунбува, қурт боққан экансиз, кириб қарасак, кафанга тайёр<sup>1</sup> бўлиб қолипти!

Турсунбува. Баргга мўл-кўлчиликданми, жуда шовиллатиб ташлашяпти.

Ғойиб ака. Усмон қори, сиз ҳам пиллангизни мактаб турувдингиз думбара деб, пушти чиқиб қопти-ку!

Усмон қори. Билмадим, пушти чиқиб қопти, бели боғлиқмиди<sup>2</sup> дейман.

Иброҳимжон. Пилланинг сифатига қарамапсиз, пунктдан қайтариб юборишди, қорапўчоқ аралашипти деб.

Усмон қори. Бурчакдаги сариг аралашиб кетибди-да!

Турсунбува. Ана шунақа қилиб калавасини чиқариб қўйгансиз-да!

Рустам ака. Униси ҳам майли-я, пунктга борганда кам келмасин деб, саватнинг ичига тош ҳам ташлаб қўйиптилар.

Усмон қори. Кимки шунақа қилса қоросон<sup>3</sup> бўлсин-а!

Ғойиб ака. Пиллангиз ўтмади, пунктда кесиб кўришса, капалаги учиб кетди.

Иброҳимжон. Бўлмаса, Усмон қори бувамнинг капалаклари учирма қилган экан-да.

Усмон қори. Элак қани, ҳозир уруғ тўкадиган бўлиб қолди.

Рустам ака. Капалак чиқаргани яхши бўлди, бултурги пиллалари ипиркон<sup>4</sup> бўлиб қолган эди.

Иброҳимжон. Рустам ака, Қорибуваннинг атрофида парвона бўлиб юрибсиз, ё капалак тутиб юрибсизми?

Усмон қори. Пилла капалагини билмас эканми дейман, ҳадеб игначи тутиб беряпти.

<sup>1</sup> Раҳматқул ака Яшаровнинг лақаби «туя», ўшанга қочириқ қилинмоқда.

<sup>2</sup> Абдуллажон ака Яшаровнинг лақаби «ит», ўшанга шама.

<sup>1</sup> Ипак ўрашга тайёр.

<sup>2</sup> Нотўғри ипак ўраган қурт.

<sup>3</sup> Пилланинг паст сорти.

<sup>4</sup> Ипак ишга ўхшаб қолади.

Ғойиб ака. Билмайман бу қанақасидан чиқиб қолди, сўзана десам, бузоқбошини тутиб келяпти.

Рустам ака. Ипакчиликда сўзана<sup>1</sup> ҳам чиқади-да!

Зайнобиддин. Турсунбува, мана пиллани олиб келдим, меники уруғликка ўтадим, ё райшёлкка кетадими?

Турсунбува. Ҳали эрта, натижасини кейин айтмиз, бугун кечаси билан пиллангиз лабораторияда си-наб кўрилади.

Рустам ака. Мана, пиллани ҳам топширдик. Ғойиб ака, аниқроғини айтинг: қайси сельподан мол оламиз?

Зайнобиддин. Қайси сельподан деб суриштириб юрасизми, буларнинг ўзи Қўқондан бир тўп бўлиб келишган.

Усмонқори. Янги тўқилиб чиққан нускалар шуми?

Иброҳимжон. Эски нусха десам, қўчқоршохи<sup>2</sup> шу экан.

Зайнобиддин. Хосиятхонга<sup>3</sup> тегманг, мукофотга ана шу домлажон нухани<sup>4</sup> қўлтиқлаб кетаверинг!

Рустам ака. Усмон қори, Иброҳимжонга саккиз тепкилик беринг деяписиз, ўзлари қичиқ нусха<sup>5</sup> деяптилар-ку!

Иброҳимжон. Умид билан атайлаб меҳнат қилиб қурт боққанмиз, бизга бағрикарам<sup>6</sup> керак!

Ғойиб ака. Таёқдай бўлиб турганига ичида тахта-си бормикан дебман.

Рустам ака. Еқмаса уйга бориб бир кудунглатиб оласиз!

Зайнобиддин. Қўйинг, бу кишини уринтирмайлик, ўзингиз тангалаб бера қолинг.

Рустам ака. Мен ҳам ҳайронман, икки юзламаси<sup>7</sup> ҳам чиқипти.

## ҚУШЛАР

### I

Иброҳимжон. Қодиржон ака, мана энди шошилмасдан гаплашаверамиз-да, дарров хаккалаб кетмасдан.

Қодиржон ака. Менинг ҳам майнавозчиликка го-бим йўқ.

Турсунбува. Нега Олимжон аканинг патларини юлиб оляписиз? У мусичадан ҳам увол-ку!

Қодиржон ака. Ғурраки чиқиб қолди!

Олимжон ака. Қодиржон ака бўлар-бўлмасга шунақа читтак отаверадилару, ўзлари бой ўғлига ўхшаб қизил иштон кийиб юрадилар.

Қодиржон ака. Олимжон акам ҳам мақтанчоқроқ. Бошимда тожим бор дейдилару, қўлларидан тўтичалик иш келмайди.

Турсунбува. Қодиржон ака, гапингиз лак-лак бўлса айтиб олинг: сариг сўфи ёнингизда!

Қодиржон ака. Олимжон акани кўриб хурсанд бўлиб кетдим: кал хат олиб келди деб.

Олимжон ака. Тавба, бу — ғоз учмайди девдим, бу — зог ҳам учаркану!

Иброҳимжон. Мамарозиқ ака, мана бу қузғун ҳақида бир гап айтсам қарғамасизми?

Мамарозиқ ака. Қодиржон, гапга кирмайдиган турумтойларингга кўршапалак дегин, ўлимсанглик қилишаверадими!

Турсунбува. Иброҳимжон, ҳо Иброҳимжон, Олимжон ака билан ҳадеб дон олишаверасизми, сиччалакдай жонингиз бор, олмабоши билан бир урса нима қилисиз?

Иброҳимжон. Олимжон ака мен билан дон олишмас эди-ю, читтак отишиб чўқишиб қолдик-да.

Олимжон ака. Қодиржон ака ҳаққушлар, осмонда парвоз қилиб юрсалар, ана бағриқора деманг яна.

Қодиржон ака. Осмондан учиб келиб Олимжон аканинг дўппиларини ташлайми — илвосин деб.

Олимжон ака. Қодиржон ака осмонда қанотларини ёзиб турсалар айтаман-да — кўрпанисор деб.

Турсунбува. Қодиржон ака баланддаги уйларидан ўзларини офтобга солиб ўтирсалар, пастда қўрқиб кетсам-а, қарчигай олиб кетмасин деб.

Иброҳимжон. Уста Акбарбува<sup>1</sup> икки килограмм турпини олдиларига қўйвоптилар — тўрғай ман деб.

Уста Акбар. Турп тўграган улару, менга дўқ урасиз, кўр шапалоғим деб.

Мамарозиқ ака. Иброҳимжон, сиз ҳали ёшсиз.

<sup>1</sup> Уста Акбар Усмонов — Қўқон район Найманча қишлоқ аскиячиларининг устози. 1885 йилда туғилган, касби — аравасоз.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7 Атласларнинг номлари.

Уста Акбар бувадан ўрганинг, бу кишининг олдиде хай-  
**фирлик** қилманг.

Иброҳимжон. Ҳа, сизларга ўхшаган устозларни  
ҳурматлаймиз, тўти-ё қилиб кўзимизга суркаймиз.

## II

Иброҳимжон. Махсум ака, жуда соғинишиб қол-  
ганмиз, икки оғиз гаплашамиз деб атайлаб **узоғ** дан кел-  
ганмиз.

Махсум ака. Биз ҳам соғинишиб қолганмиз. Гап-  
лашаверамиз. Аммо, мана бу Раҳматқул акам **олатўганоқ**  
бўлмасмикан?!

Раҳматқул ака. Омон бўлгур Махсум ака, мен сиз  
айтган ишга тўсиқ бўладиган одамлардан эмасман. Агар,  
мабодо, ўшанақа қиладиган бўлсам, тортинмай айта-  
веринг **ола қарганг** деб.

Иброҳимжон. Махсум ака **қумридай** ювош одам,  
икки оғиз гапга **хаккалаб** кетмайдилар.

Раҳматқул ака. Омон бўлгур Иброҳимжон, жу-  
да тўғри гапирасиз, Махсум ака ҳақ, унақа қинғир-қий-  
шиқ эмас **қийғирдай** йигит.

Мамажон ака. Иброҳимжон ҳам ювош одам, икки  
гапнинг бирида саваламайди.

Раҳматқул ака. Қарга, қарга дейсиз, нима, мана,  
шу олақаргани **қарғайми**.

Махсум ака. Раҳматқул ака, кечалари сайраши-  
нгиздан мана бу Иброҳимжонга қараганда **бой қуш** экан-  
сиз.

Иброҳимжон. Махсум ака, бу қушингизнинг кеч-  
часи сайрашини билганимда, атайлаб тутиб келиб қўли-  
нгизга берардим, **туя қушим** шу деб.

Раҳматқул ака. Бунча икковларинг сен-менга бо-  
риб қолдингларинг, ўртага **ғули-ғули** тушдимми?

Махсум ака. Орамизга **ғули-ғули** тушмайди, биз  
аҳилмиз. Фақат Иброҳимжонга ҳайрон бўлиб ўтирибман:  
**туси товуққа** ўхшайди деб.

Иброҳимжон. Тусим товуққа ўхшамайди, мана бу  
**товуқ қақилламагунча**.

Раҳматқул ака. Паррандачиликни, айниқса то-  
вуқчиликни етти хазина дейишади. Ҳа, Мамажон ака, ма-  
на бу **даканига** ишингиз тушмаганми дейман.

Мамажон ака! Дакани деб оборсам, **минорча** чи-  
қиб қолди.

Раҳматқул ака. Бахтингиз экан, адашмабсиз, нақ  
бўлмаса **хашаки** чиқиб қоларди.

Махсум ака. Унда **даканглатардим!**

Мамажон ака. Махсум ака, даканглатаман дей-  
сизу, аини тухум босганида йўқ бўлиб қоласиз! Мана  
яқинда Раҳматқул ака раис билан бирга анча **жўжаларни**  
еб қўйди.

Махсум ака. Раҳматқул ака раис билан дон олиш-  
май қўйди десам, раис бу кишини **жўжаларим** дер экан-  
да!

## III

Ғойиб ака. Обил ака<sup>2</sup>, ҳали ҳам **жўжалингиз**ча  
турипсизми дейман, дон олишгингиз келмайди.

Обил ака. Тобидаман, келаверинг **қўноқлашамиз**.

Ғойиб ака. Биров қанотларингизнинг тагига сув  
пуркаб қўйганми дейман, даврага тушолмай **миргайиб ту-**  
**рибсиз**.

Обил ака. Кечаги тегишимга гаранг бўлиб қолув-  
дингизми дейман, даврада **алангсираб** юрибсиз.

Ғойиб ака. Узига келармикан деб, қулоғимга азон  
айтавериб, мана **кар** ҳам қилиб қўйдингиз.

Обил ака. Ҳадеб пашшалашавериб бизнинг **оқто-**  
**моқни** ҳам ишдан чиқариб қўйдингиз. Энди сизнинг эски  
туллагингизга ярамикан?!

Ғойиб ака. **Қочоққа** тобим йўқ, олиб келаверинг  
**маллани**.

Обил ака. Маллага ишингиз тушмасин, **қитиқ** па-  
тингизни ўлдириб қўяди.

Ғойиб ака. Уришсангиз ҳалол уришинг-да, узоқдан  
зарб билан келганимда **елкангиздан ошириб** юборавера-  
сизми?

Обил ака. Сиздақа **қочоқларни** тўрқовоққа солиб,  
осиб қўйгим бор.

<sup>1</sup> Мамажон ака Мадаминов 1908 йилда туғилган. Моҳир аскиячи.  
Андижон область Ильич районидаги Қорасув қишлоғидан. Абдулла-  
хай Махсум Қозоқовнинг устози.

<sup>2</sup> Обил Норматов 1910 йилда туғилган. Фарғона область Ленин-  
град районида. Колхозчи. Лақаби «кал».

Ғойиб ака. Қочганингиздан кейин сизнинг сайра-  
шингизга борман: «мен-ваваг» деб.

Обил ака. Осилганингизча тураверасизми ё сайрай-  
сизми, ё пешанангизга чироқ ёқиб борайликми.

Ғойиб ака. Узингиз сайрайверасизми, ё **тўрқовоқни**  
у ёқ-бу ёққа қимирлатиб турайликми.

Обил ака. Шамолда қолдингизми дейман, «**виқ-виқ**»,  
«**виқ-виқ**» деб сайрайсиз.

Ғойиб ака. Совуқ уриб кетдимиз дейман, «устим  
**яп-яланг, яп-яланг**» дейсиз.

Обил ака. Сайрашдан адашиб қолиб, баҳона қила-  
сиз: «**огзим тир-тиқ, тир-тиқ**» деб.

Ғойиб ака. Обил ака, мана бедана пайрови ҳам  
«**сип-силлиқ**» чиқди. Агар шу касб сизга маъқул тушган  
бўлса, киши билан **товламачилигингизни** қилаверинг.

Обил ака. Ҳа, бу ишнинг охири йўқ!<sup>1</sup>

## ҚОВУН

Турсунбува. Махсум ака, мана ғўзага ишловни  
ҳам тамомладик. Энди бир қовун сайили ҳам қилайлик.

Махсум ака. Хўп, бўпти. Қани бошланг.

Турсунбува. У кунни қапага келганингизда ҳаф-  
сала билан **шакарпалак** сўйиб берсам, бет-бетини един-  
гизу, тагини емадингиз: «**шўр солинган**» деб.

Махсум ака. Жўрттага емадим. Бирор нарса дейин  
десам, сиз бу ишни: «**тош босади**» деб қилгансиз.

Турсунбува. Бригадир акамдан ёлчимадик, бу  
йил **пирсилдоқ**<sup>2</sup> чиқиб қолдилар.

Сотволди ака. Пирсилдоқ бўлсаларам, **ошқовоқ-**  
**ни** пул қилиб юриптилару!

Иброҳимжон. Колхозда сабзавот **ачиб** ётибди! Ша-  
ҳарга жўнатгани бригадир раиснинг **амирини**<sup>3</sup> кутиб ўти-  
рипти.

Турсунбува. Айб раисдами, бригадирда? Ай-  
тинг-чи, қайси бирлари **қовун туширишган?**

Иброҳимжон. Узини мақтаб бозорга солган **кал-**  
**ҳасандан**<sup>4</sup> сўранг!

Турсунбува. Колхозда қовунлар фарқ пишгану,  
нега бу ерда **гурскетди**?<sup>5</sup>

Сотволди. Шунинг ҳам билмайсизми, Турсунбува, бу  
ердагилар **ғўзагулини**<sup>1</sup> пойлаб ўтиришипти.

Иброҳимжон. Полизчилик бригадирдан хафа-  
миз, дардлари бўлса айтсинлар, **палакда ёриладиларми?**<sup>1</sup>

Турсунбува. Бизи аъзолар ҳалол ишлашяптилар,  
баъзи дангасаларгина «**оқ-қовун**»<sup>2</sup> дейишяпти холос, бўл-  
маса ҳаммасининг **ичи қизил**.<sup>3</sup>

Сотволди ака. Турсунбува, ҳо Турсунбува, бўл-  
маса раисга айтиб қўйинг, ўшанақа **саригпўчоқ**<sup>4</sup>ларни  
шумғия билан бирга юлиб ташласин!

Иброҳимжон. Ҳа, баъзи **бешак**<sup>5</sup>ларини ҳам.

Сотволди ака. Раис, мана бу ичи тушганини  
ҳам тезроқ сотиб юборинг, ётаверадими **кўкча**.<sup>6</sup>

Ғойиб ака. Бу Махсум қовунни танлаб ейди. Ҳар  
қанақа қовунни еявермайди, бу **кал ҳасан**<sup>7</sup> ейди.

Махсум ака. Насриддин ака! Ижроқўмбува қовун  
пойлашни билмас экан, пайкалга ҳеч ким киргани йўғу,  
акт тузиб юрипти: **босиболди**<sup>8</sup> деб.

Ғойиб ака. Ижроқўмбувам яхши деҳқон эмас экан-  
лар. Ҳамма қовунлар пишиб бўлди-ю, бу кишиники **кўк-**  
**ча**<sup>9</sup> турипти.

Махсум ака. Ҳалиги босиболдининг ёнида Ғойиб  
ака ҳам турган экан, Ижроқўмбувамга айтдим: «**жўра**  
**қанди**»<sup>10</sup> чиқиб қолди, деб.

Насриддин ака.<sup>11</sup> Ижроқўмбунинг қовунни пиш-  
ганига анча вақт бўлди-ю, ҳали ҳам **узилмапти**.

Ғойиб ака. Узилмасин, **умрбоқий**<sup>12</sup> бўлсин.

Махсум ака. Узилмагани дуруст, **пирсилдоқ**<sup>13</sup> бўл-  
са-да бозор-ўчарга яраб туради-ку!

Насриддин ака. Ижроқўмбува яхши деҳқон эмас  
эканлар, палаклари икки сувдан қолувди, мана гуллари  
ҳам тўкилиб кетди.

Ғойиб ака. Ҳа, чопиқ ҳам қилмаган эканлар, тутган-  
лари ҳам **буррак**<sup>14</sup> бўлиб қолди.

Махсум ака. Шунинг учун бозорда савдонинг ма-  
заси йўқ экан-да: **кесак қисган** деб олишмаяпти.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 — Қовунларнинг номи.

<sup>11</sup> Насриддин Мирзааҳмедов, Моҳир аскиячи. Фарғона область  
Ленинград районидан, колхозчи. 1909 йилда туғилган. Лақаби «чўқча»

<sup>12, 13</sup> — Қовунларнинг номи.

<sup>14</sup> Буррак — бу ўринда етилмаган, палак орасида қолиб пиш-  
ган қовун маъносида.

<sup>1</sup> Ғойиб аканинг «Хўкнз» лақабига қочириқ.

2, 3, 4, 5 Қовунларнинг номи.

Насридин ака. Бу йил қовун бўлмапти-да! Айб  
Ижроқўмбувада. Мана қуруқ капангга кириб ўтирибмиз.

### УЗУМ

Сотволди ака. Турдиали ака, узумзорингиз жуда  
шинам экан, атайлаб сайрга келдик-да.

Турдиали ака. Заб келибсизлар-да, бақовли Афанди,  
хоҳланг узум енг, хоҳланг шапалоқ.

Иброҳимжон. Богда «киши-миши» йўқми, яна юма-  
лоқ қилиб ташламай!

Сотволди ака. Чилги чумай урай деб қопти-ю, ҳали  
ҳам калтакларини боғлатиб олмабсиз.

Иброҳимжон. Тагида офтоб кўринмайди десам,  
ҳалиям хомтоқ қилдирмаган экансиз-да!

Сотволди ака. Токларингиз пала-партиш десам,  
кузда ходалатмаган экансиз-да!

Иброҳимжон. Узумга нега шира тушибди десам,  
баҳорда ярмигача оқлатмаган экансиз-да!

Сотволди ака. Энди узумни сақлайман десангиз,  
битта қоровул қўйинг.

Турдиали ака. Битта телпакни тескари ағдариб, сиз-  
га кийгизиб қўяйми?

Иброҳимжон. Узумни чумчуқ емасин десангиз, ўзи-  
нгиз узумзор ўртасида қўғирчоқ бўлиб туринг.

Сотволди ака. Узумни чумчуқ еб кетармикин,  
Турдиали ака боғнинг ўртасида учириб турсалар.

Иброҳимжон. Агар чумчуқлар емасин десангиз,  
ўртага битта пақирни осиб қўйинг.

Турдиали ака. Безовта қилиб қўярмиканман бе-  
маҳал дангиллата бериб.

Сотволди ака. Яхшиси шақилдоқ-да!

Ғанижон. Жўрахон ака, ўзингизни парвариш қилиб  
юрибсиз-да, бўлмаса илгарироқ кесилиб кетардингиз.

Жўрахон. Билсангиз хомтоқ қилинг-да, бу йил мева  
қиладиган новдаларни ҳам кесиб ташлабсиз!

Ғанижон. Биладиган одамга ток кестиринг-да, эски  
узум деб кунда қилиб қўйибди-ку!

Жўрахон. Биладиган одамга хомтоқ қилдиринг-да,  
мана, баргларини биттаям қолдирмаган экан, бор-йўғи-  
нгизни ҳам офтоб уриб кетипти.

Ғанижон. Нега бу йил мева қилмадингиз десам, ба-

ҳорда кўполроқ одам очипти шеклилли, бор шўраингизни  
тўкиб юборган кўринади.

Жўрахон. Бўлмаса энди кўнглингизни хотиржам қи-  
линг, бу йил кузда сизни ўзим кўмиб, баҳорда ўзим очамап.

Ғанижон. Аммо мен сизни унақа қилмайман, бун-  
дай қарасам, ўлгидек аймоқни бўлиб қопсиз!

Мама розиқ ака. Унақа бўлса, дарров парҳиш қи-  
линг, баҳорга чиққанда ётқизган жойидан кесиб ташлай-  
сиз.

Жўрахон. Ғанижон ука, анави ёнингиздаги яхши  
узум эди-ю, Қўқонда ари талаб, шу аҳволга тушиб қоп-  
ти-да!

Мама розиқ ака. Ғанижон, анави ҳам яхши узум  
эди-ю, калтак тагида қолган экан-да?

Ғанижон. Калтак тагида қолгани учунми, «шу ур-  
ган» деб ўтирипти.

Жўрахон. Энди осиб қўймасам бўлмади, кўзи чарос-  
дай бир очилсин!

Мама розиқ ака. Кўзи шунақа бўлиб очилган бўл-  
са, эссизгина, эрталаб узилган экан-да!

Жўрахон. Бекор узилди-да, бу — осиладиган хили-  
дан эди.

### МЕВА

Мама розиқ ака. Ғойиб ака, у кунни Риштонга бо-  
риб қандай ўрик еб келдингиз?

Ғойиб ака. Қандай ўрик ейман ахир, сиз боғнинг  
ўртасида туриб: олма-олма, дейсизу!

Мама розиқ ака. Сўраб енг-да, ёқмаса анжир қилиб  
қўйман!

Ғойиб ака. Ҳа, айтганингиз тўғри, бу боққа кириб  
қачон беҳим топувдим!

Мама розиқ ака. Энди мева-чевалар мўл-кўл бў-  
либ қолди, еяверинг, илгарилари анор хонга бериларди.

Ғойиб ака. Бизга анорни кўрсатиб, ол мурид де-  
манг.

Мама розиқ ака. Боққа зап келиб қолибсиз, нима  
хоҳласангиз ўшандан олаверинг, бағи деҳқончилик — ол,  
Ҳиротдан келгани йўқ!

Ғойиб ака. Меҳмон Ҳиротдан келган деб, жонига  
қўймай қистайверсангиз-а: ол ич-а, ол ич-а, деб.

Мамарозиқ ака. Боққа келганингиздан кейин кай-фиятингиз чоғ бўлиб кетсин-да, **қуруқ ёнғоқни** нима қила-сиз!

Ғойиб ака. Одам деган меҳмоннинг олдида ҳадеб гапираверадими, **оғзи очиқ** пистага ўхшаб!

Мамарозиқ ака. Иззат қилиб, меҳмон ер **ёнғоқ** дедим-да.

Ғойиб ака. Боғбон ака, гапингиз **жида** чўлга ўх-шайди, қани **ишқом** жойга ўтайлик.

Мамарозиқ ака. **Иш** кам деб юмалоқ бўлиб ётиб олсангиз-а?!

Ғойиб ака. Узумзорга кирайлик дебам бўлмайди, дили **каптардай** ўйнайди!

### БОҒБОНЧИЛИК

Жўрахон ака. Ижроқўмбува, назаримда мана шун-ча кўчатларни сиз тарқатган бўлсангиз керак, сиз боғбонга **ўхшайсиз-а?**

Турсунбува. Мен боғбон эканман. Мана бугун августнинг иккинчи куни, ҳамма меваларим шигил пишган, энди шулардан сизга намуна кўрсатмоқчиман. Сизлар гав-ҳаршунос — мева танлайдигансизлар. Кўрасизлар, маъқул бўлса оласизлар, бўлмаса **ўзимга** қайтариб берасизлар.

Жўрахон ака. Меваларингиз яхши пишган экану, ҳали Мамарозиқ акани кўрганлар айтади-да **отёги** шафто-ли еган экану, данаги шу ерда қолипти деб.

Турсунбува. Мамарозиқнинг пишишига яна ўн беш кун бор. Ҳозир мана бу Махсум ака билан гаплашгим бор. Махсум акани боққа олиб кириб, қайсинисидан олиб берай: ундан олиб берайми, бундан олиб берайми, **қандайдан** олиб берай, деб сўрасам ҳеч қайсисига унамайдилар, **ўзум** тузук дейдилар.

Жўрахон ака. **Ўзим** тузук демоқчи-да, Махсум.

Махсум ака. Ижроқўмбува!

Турсунбува. Лаббай.

Махсум ака. Сизнинг гапингизга тушуна олмай қолдим. Жўрахон ака сизни боғбон дедилар, биз сизнинг боғларингизда чиққан ниҳолча бўлдик. **Қайси** ердан униб чиққанимни буларга айтиб беринг.

Турсунбува. Махсум!

Махсум ака. Лаббай.

Турсунбува. Сиз тўғри айтяпсиз, сиз кўчатсиз. Сизни мен асраб, яхши кўрганимдан ҳали бозоргайм кў-чирганим йўқ, эҳтиётдан елкангизга тикан боғлаб қўйган-ман!

Махсум ака. Ижроқўмбува! Аммо, боғбончилиги-нгизга мен ҳам ишқибоз бўлдим.

Турсунбува. Ишқибоз бўласиз-да, ука.

Махсум ака. Мени асраб, елкамга тикан боғлаб, мана мевага ҳам киритдингиз. **Ол-ича** бўлсам нега жомда бо-зорга чиқардингиз, ўзингиз **эзиб** ўтирсангиз бўлмасдими?

Ғойиб ака. Турсунбува, Махсум оличамас, ҳалиги айтган узумлар, ҳали пишгани йўқ, жуда серсув қилиб қўй-ган экансиз, **калтак суриб**<sup>2</sup> ётипти.

Махсум ака. Турсунбува, бу ишда Ғойиб аканинг айби йўқ, ҳали мен мева бўлиб, қанақа мевалигим номаъ-лум. Сиз боғбон бўлиб, ҳали менга от ҳам қўйганингиз йўқ. Ғойиб ака бўлса новдадаги барглари сиририб еб юрипти<sup>3</sup>.

Турсунбува. Махсум ака!

Махсум ака. Лаббай, ота.

Турсунбува. Ҳу сизни кўкартирган вақтларимни ҳам, меҳнатларимни ҳам ҳисобга олиб қўйинг.

Махсум ака. Оламан.

Турсунбува. Офтобнинг қизиғида Махсум ака бир ёғидан кўклаб, бир ёғидан қуриб қолмасин деб, ярим бе-лингизгача латта боғлаб қўйганман.

Жўрахон ака. Ҳа, шунақа, Ижроқўмбува! Ҳалиги, қурт тушмасин, ҳашорат тушмасин деб, бу ниҳолларингиз-ни **бошдан** сақлаб келасиз-да.

Турсунбува. Шунинг учун сермева-да! Қаранг! Шарбат оқиб ётипти-я!

Жўрахон ака. Махсумни шунақа серҳосил қилиб юборибсиз, энди икковларингизнинг жағларингиз тагига **тиргак** қўйиб қўяман.

Мамарозиқ ака. Ижроқўмбува, сиз катта боғбон-сиз, боғингизда ҳар хил мевалар бор.

Турсунбува. Бор, ука, ишқибозман.

<sup>1</sup> Абдуллахай Қозоқовнинг «кал» лақабига ишора қилинмоқда.

<sup>2</sup> Токда мева қилмайдиган новдалари кўпайиб кетмоқда деган маъно.

<sup>3</sup> Ғойиб ака Тошматовнинг лақаби «ҳўкиз», шунга учирма қи-линмоқда.

Мамарозиқ ака. Сиз меваларга шундай баҳо бериб тулинг-да. Жўраҳон ака ҳали мени отёғи шафтоли еган, данаги бу ерда қолипти дедилар.

Турсунбува. Ҳа, шунақа дедилар.

Мамарозиқ ака. Лекин, отёғи шафтолининг данаги ажрамайди, билмаганларига хафа бўлдим. Ундан кўра, **луччаклик**<sup>1</sup> вақтимни махтасинлар.

Жўраҳон ака. Ижроқўм ота, Мамарозиқ ака айтдики, Жўраҳон ака луччаклигимни билгани йўқ деб. Бу — шафтоли-да. Ахир, қанақа қилиб луччаклигини билай, бундай бориб кўрай десам, бетининг ҳамма ёғини тук босиб кетипти-ю!

Мамарозиқ ака. Жўраҳон ака!

Жўраҳон ака. Ҳа, лаббай, ота.

Мамарозиқ ака. Ҳақиқатда бетимни тук босиб ёғипти, сиз сал вақтлроқ келдингиз. Энди, пишиб унчамунча юмшаганимда келинг. Жўраҳон ака, янаги келганингизда сизни ҳам пишириб яхши шафтолилар қаторига қўшаман — тумшугингизнинг тагига жиндак урсам **анжир** шафтоли бўласиз-қўясиз.

Жўраҳон ака. Лекин, боғбон ҳам шафтоли, мевачеваларнинг пишган-пишмаганини қараб турса бўларкан.

Турсунбува. Тўғри айтасиз, қараб турсам бўларкан.

Жўраҳон ака. Бефарво бўпсиз-да! Яхши пишган экан, мана Мамарозиқ аканинг бетини тамомий парранда чўқиб кетипти.

Маҳмуджон<sup>2</sup>. Меҳмонлар келишидан икки кун илгари узиб қўйган экансиз. эзилиб қолипти. Ижроқўмбува, мана бунинг ҳам шираси чиқиб қолипти.

Жўраҳон ака. Шафтолилар ҳар хил бўларкан, Маҳсумнинг мақтовини келтиряпсиз. Боғ тўла мева. Ҳадеб шафтолидан гапиравермай, Маҳмуджонга имо қилиб «ол хўр!» демасизми?

Маҳмуджон. Ижроқўмбува! Сизнинг бир камчилигингиз бор.

Турсунбува. Нима камчилигим бор?

Маҳмуджон. Боғ колхозники. Ҳосилини ким келса

<sup>1</sup> Мамарозиқ ака чўтирлик қочирингига жавоб тариқасида қип-қизил, чиройли луччак шафтолини қарши қўймоқда.

<sup>2</sup> Маҳмуджон Абдуллаев Юсуфжон қизиқнинг шоғирди. Қизиқчилик билан бирга унда-мунда аския ҳам айтишади. Тошкент область Янгийўл райониде яшайди. Лақаби «ит».

улашаверасизми! Кейин умумий мажлисда сизни **қоқиб** чиқишади.

Турсунбува. Уртоқлар, боғ колхозники, ўзим боғбон, менга меҳнат куни беришади. Боққа келган меҳмонларга ҳайронман — зиёфат, шўрва, қовурма, паловларни еб, шунча овқатнинг устига булар яна қандай ўрик ер эканлар-а!?

Орифхон. Жўраҳон ака!

Жўраҳон ака. Ҳа, лаббай.

Орифхон. Бу, ҳар хил меваларнинг номидан гаплашиб қолдиларинг. Менинг ҳам ҳавасим келди. Ижроқўмбуванинг боғига шафтоли-мафтоли ей деб бориб, ким бор десам, дарахтларни кўрсатиб, **бу одам** бор, дедилар.

Жўраҳон ака. Бодом бор, ҳа, тўғри айтиптилар.

## КИМЕХОН

Маҳсум ака. Кимёхон, яна ҳам барака топаверинг-а! Қаёққа қарасам Кимё, уйга кирсам Кимё, далага борсам Кимё, магазинга борсам Кимё! Олтин олма кимё ол, денг! Кимёхон, сиз шунга нима дейсиз?

Кимёхон. Кимёнинг хазинасида нима бўлса олаверасизда: олмос ҳам, бриллиант ҳам, гавҳар ҳам кимёдан бўлган. Биров сўраса Кимё айтди денг.

Маҳсум ака. Қизга хат ёзсанг ҳам — Кимё! Кимёда гап кўп экан. Шиша синигидан кўйлак тиктириб берсам киясизми, Кимёхон?

Кимёхон. Ўзим ясаган нарсани ўзим кийсам ёмонми. Менга бошқача фасон кўрсатмасангиз бўлди! Мен ҳам сизга темир-терсақдан шим тиктириб бераман — кимёдан деб киясиз.

Маҳсум ака. Хайрият, кимё бизга жуда ўғит бўлиб қолди. Кимёхоннинг қўлига тушсак биз ҳам **кўкарадиғанга** ўхшаймиз.

Кимёхон. Кимёга ишингиз тушмапти, қараб тулинг **бошингиз осмонга** ҳам етади. Озиқ-овқатларни Кимёхон кўпайтириб қўйди, деб мақтанаверинг.

Маҳсум ака. Қойилман, сизда гап кам экану, ўғит кўп экан.

Кимёхон. Ўғит кўплигидан янги туғилган болаларга ҳам Пластмассахон, Селитранисо, Нейлонжон деган номлар



қўйилляпти. Махсум ака, сиз ҳам фамилиянгни ўзгартиб Фосфорхўжаев қўйиб олмайсизми?

Махсум ака. Биров Кимёхоннинг фамилиялари нима деб сўраса, Капронова десам бўладими.

Кимёхон. Махсум ака, сиз кимёгарга ўхшамайсиз, ҳалигача энгил-елли ишлар қилиб юрибсиз. Мана биздан намуна олинг: бундан кейин машиналарнинг гилдирагини ҳам кимё ясади.

Махсум ака. Яна-чи? Ясашга уста экансиз!

Кимёхон. Минг хил дардингизга даво бўлган Кимёнинг қўлидан яна бошқа иш ҳам келади. Осмонга қувур тутиб қоп-қоп туз олиб берсам нима дейсиз?

Махсум ака. Ол-а! Кимё жуда ўткир чиқиб қолди-ку! Ҳали келинчакларимизни безатган ҳам сизми?

Кимёхон. Кайфингизни чоғ қилган ҳам мен бўлман.

Махсум ака. Кимёхон хели шўх чиқиб қолди-ку! Ҳали ашуласи ҳам чиқади денг! Магнитофон лентаси узилиб қолганда сизнинг олдингизга чопиб келсам бўларкан-а, эсизгина.

Кимёхон. Келаверсангиз бўларди — бир йўла суратингизни ҳам тортиб кўярдим.

Махсум ака. Айтмадимми, Кимёда гап кўп деб. Аммо жичча суюқлаштириб юбордингиз-да!

Кимёхон. Йўқ, Махсум ака, гапнинг қуюғи бу ёгда, қулоқ солинг! Навоий кимё комбинатига борсангиз, Бухоро газидан сунъий жун ҳам ишлаб беришади.

Махсум ака. Кечирасиз, мен сизни дастурхонга гул солиб юривдилар десам, бошқа ҳунарингиз ҳам кўп экан.

Кимёхон. Ҳунаримни кўрмоқчи бўлсангиз Самарқанддаги Суперфосфат заводига боринг: ерни кўрпадек кўпчиладиган янги ўғит ҳам чиқаряпман.

Махсум ака. Саломат бўлинг! Тўқлигимизга ҳам, шўхлигимизга ҳам яраб турсинлар-а! Лекин, сиздан эмас, баъзи бир кимёгарларимиздан озгина хафа жойим бор. Айтсам нима дейсиз?

Кимёхон. Айтаверинг, дарров реакция пайдо қиламиз-да.

Махсум ака. Тагчарм ўрнида ишлатиладиган резиналар яхши ёпишмай, туфлиларнинг жағи икки-уч кундаёқ эчкиёмарнинг оғзидек очилиб қоляпти. Бунга нима даво қиласиз?

Кимёхон. Пойафзал фабрикалари директорларининг саводини ўзим чиқараман. Бугун лабораторияда лекциям бор. Бундан кейин кўзбўямачилик қилишмайди!

Махсум ака. Баъзи газмолларга берилган бўёқлар сал вақт ўтмай ўчиб кетади, баъзиси — нурсиз. Харидорлар «ранги қурсин» деб олишмайди. Нима десак бўлади? Бу гап сизга тегмайdimи?

Кимёхон. Катта Кимё бўлиб қолдим, энди сўзим ўтади. Кимёхоннинг ўзи бориб, ўша баъзи ношудларнинг юзини қора қиларкан денг.

Махсум ака. Сабзавот-полизчилик ишларига ҳам аралашиб юрибсиз, бу — яхши. Лекин қовун, тарвузлар қучоққа сиғмайдиган бўлиб кетяпти. Бунга ҳам шира бўла олмайсизми?

Кимёхон. Фойдани кўзлаб, ўғит устига ўғит солиб, қовун-тарвузларни бемаза қилиб юбораётган оғайниларингизга айтиб қўйинг: кимё ноёб нарса, буни ҳам шираси бор, деб кимёга ёпишиб олишмасин. Ҳаққимиз айтгандай! «Шакарнинг ози ширин».

## ТРАКТОР

Қодиржон ака. Турсунбува! Сизни Тошкентдаги трактор заводига ишга кириптилар деб эшитдим, ростми?

Турсунбува. Ёлғони борми, Қодиржон. Бир юмалаб мастер ҳам бўлиб қолдик.

Қодиржон ака. Шунақами? Лекин мен ишингизга қойил эмасман. Нега десангиз, трактор частларини ўрнатишни ҳали ҳам яхши билмайсиз. Қаранг, гайкалари бўшаб, гилдираклари восморка бўлиб, ўзингизга ўхшаб ақабақа ташлаб юрипти.

Турсунбува. Афтидан сиз заводда иш сифатини текшириб юрадиган одамга ўхшайсиз. Келинг, текширингизни мен ҳам бир кўрай — бу ишда қанчалик руль ўйнайсиз экан.

Қодиржон ака. Мотор бир хилда айланмай, пат-пат қилиб ўчиб қоляпти. Қўл ургангизда билмаган экансизда — тасмаси бўш боғланган экан!

Қодиржон ака. Мен сизга ҳайронман, Турсунбува, худди уста кўрмаган шогирддай йўргалайсиз. Олдин моторни ёғланг, кейин бўёғини қилинг-да!

Турсунбува. Текшириб шу камчилигимни топдингизми? Ҳа, майли, энди у ёғини-бу ёғини кўрсатаётганим-да эҳтиёт бўлинг — қўлингиз пар ракка<sup>1</sup> тегиб кетмасин!

Қодиржон ака. Ўзингиз қоқинмайдиган иш қилинг дейман-да! Менинг вазифам — текшириб сизга ёрдам бериш. Қаранг-а, тракторингизнинг икки кўзи ҳам ёнмаяпти! Буни қайси кўзи ўюлгур тузатган экан деб юришмасин яна.

Турсунбува. Текширсангиз дурустроқ текширинг-да! Мен астойдил ишлаяпман, менинг ишимга фақат сиз тормаолик қиялпсиз, холос.

Қодиржон ака. Астойдил ишлаяпман дейсизу, лекин кам-кўстларингиз ҳали кўп. Ўзим текшириб кўраман — кал бура тур!<sup>2</sup>

Турсунбува. Менинг ишимни нуқул қоронғида текширасиз-а! Яхшироқ кўринг деб, ё свичка қўйиб берайми?!

Қодиржон ака. Текширадиган одамга думоғ қилишингиз нимаси! Қилган ишингизни кўриб турибман: поршинини яхши ўрнатмаган сизу бизга тутун қайтаради!

Турсунбува. Цех бошлиғи бизга запчастларни вақтида етказиб бермайди. Сиз бизнинг ишимизни текширган-дан кейин айтиб қўйинг, зорайки контактимиз яхши бўлиб кетса!

Қодиржон ака. Запчастларни ўзингиз эҳтиёт сақлаб, керагини ишлатинг, қачон қарасам шарик ўйнаганингиз ўйнаган!

Турсунбува. Қодиржон, мунча менинг «икир-чир»ларимгача суриштириб қолдингиз. Менинг сиздан умидим катта эди. Эски қадрдонимсиз, менга пайванд бўласизми деб ўйлаган эдим.

Қодиржон ака. Минг қилса ҳам иккимиз қадрдон. Фалакнинг гардиши билан сиз трактор мастери бўлиб қолибсиз, мен текширадиган. Сизнинг педалингизни босиб кўриш менга эпмас.

Турсунбува. Аммо, текширадиган одамнинг трактордан хабари бўлса яхши бўларкан. Ўзлари кабинага чиқиб олиб, керосин бак кўринмайди дейдилар.

Қодиржон ака. Билиб қўйинг, ақл туздим, бунақа камчиликлар билан тракторни қабул қилмайман. Нега десангиз, турган жойда суви оқадиган бўлиб қолипти.

Турсунбува. Гапни иккита қилмасангиз-чи, Қодиржон! Сиз шу жойда туринг, мен у ёғ-бу ёғингиздан яхшилаб ёғлай, зорайки иш юришиб кетса!

Қодиржон ака. Бунақа ёғи оқадиган ишлар бизга кетмайди!

Турсунбува. Қодиржон! Мана кўриб турибсиз, тракторнинг шунчадан-шунча жойини тузатдим. Яхшиям сиз келиб қолдингиз, камчилиги бўлса айтинг, ё соябон ҳам керакми?

Қодиржон ака. Мен ўз ишимни ўзим билиб қиламан — тиргакка тобим йўқ!

Турсунбува. Қодиржон акани ўзимизнинг эски «Порзон»имиз десам, жуда «Универсал» чиқиб қолди-ку!

Қодиржон ака. Турсунбува, мен айтган мастерлардан эмас деб айтмовдимми. Ана кўринг, «ХТЗ»га боғ тракторининг тишини ўрнатиб қўйипти!

#### ИМОРАТ

Олимжон ака.<sup>1</sup> Уй-жойли бўлганга не етсин. Мана бу Қодиржон ака, Уста Иброҳимлар ўтиришибди, вақт ганимат, қани олдин бир шағал тўкишайлик.

Қодиржон ака. Шағал тўкиш ҳам чиппакка чиқадиганга ўхшайди, саркор, қўшнимиз билан орамизда ер жанжали чиқиб қолди; жанжал бир ёқли бўлгунча сиз тошингизни териб тураверинг.

Олимжон ака. Қўшнингиз билан жанжалингиз ҳали-бери битармикин. У киши муғамбир одам, кўрмайсизми, янги участка учун яна ер оламан деб, йўлга тушадиган тангадай жойга ҳалигача қапа тикиб ўтирибди.

Қодиржон ака. Саркор, қўшним эгов қилса қилаверсин — бир куни тарвузи қўлтигидан тушар, мен иморатни бошлайвераман, бирорта дурадгор уста топиб берсангизчи.

Олимжон ака. Уста Иброҳим рўпарангизда девордай бўлиб турибдилар-ку, гаплаша қолинг, сизга ҳам ҳунарларини кўрсатсинлар! Иброҳимжоннинг бунақа ишларга суяклари йўқ!

Иброҳимжон.<sup>2</sup> Ҳунарим кўпу, Олимжон ака,

<sup>1</sup> Олимжон ака Ҳайдаров — бачқирлик моҳир аскиячи. Лақаби «кал». (1890—1963.)

<sup>2</sup> Иброҳимжон Жўраев — Қўқон район Найманча қишлоқлик ўткир аскиячи, 1927 йилда туғилган.

<sup>1</sup> Қодиржон аканинг «лайлак» лақабига қочириқ.

<sup>2</sup> Карбюратор.

аммо бу киши ҳали қурилиш материалларини тайёрла-  
маптилар, уста, энди устун келади, дейдилар.

Олимжон ака. Уста, устун келгунча бекор турмай,  
бирор нарсани арра қилиб турсангиз-чи!

Иброҳимжон. Қойилман, саркор, жойи келганда сиз  
ҳам гапни қуйиб ташлайсиз — гувалакдай қилиб!

Олимжон ака. Сиз ҳам фолбинга ўйшаб, қаёқдаги  
гапларни топасиз, иш вақтида бекор турмай деб пол очай  
дейсиз-а!

Иброҳимжон. Сиз ҳам бинокорларнинг ишини тек-  
шираман деб, қаёқдаги гаплар билан ром кўрганингиз-кўр-  
ган!

Олимжон ака. Шунақа гаплар билан бекорга вақт  
ўтказасиз! Бундай эгилиб ишланг-да, тахтадай туравера-  
сизми?

Иброҳимжон. Саркор ака, бизга қолганда гапла-  
рингиз шунақа пештоқи-я! Қўйинг, яна бир тамбалаб қўй-  
моқчисиз-а!

Олимжон ака. Сизга ҳайронман, уста, катта қури-  
лишларда «хўжа кўрсин»га ишлаб, бировларнинг шахсий  
участкаларида чакана қилиб юрганингиз юрган, ё занжир-  
банд бўлиб қолдингизми?

Қодиржон ака. Ҳа, устанинг ишлари чакана эмас,  
чакана ишлаб тахтанинг кўпини эшикка чиқариб юборадил-  
лар.

Иброҳимжон. Оббо сиз-ей, эшикка чиқариб юбор-  
ди дейсиз-а. Менга унақа тухмат қилманг, биқинингиздан  
дарча очиб қўяман.

Қодиржон ака. Йўғ-э, уста, унақа деганим йўқ,  
тахтани тежаб, у ёқ-бу ёғингизга қараб ишлатсангиз қилган  
ишингиз равон бўлади дедим.

Иброҳимжон. Ҳа шунақа денг. Бўлмаса мана ром-  
лар ҳам битди, ишимни кўраман десангиз: бир кўз ойнак  
олинг.

Қодиржон ака. Қанақа устасиз, ҳали шuvoғи бит-  
гани йўғу, бир кўзойнак олиб иморатни кўздан кечиринг  
дейсиз. Иморат битаверсин — икки кўз ойнак олиб томоша  
қиламан.

Иброҳимжон. Бўлмаса, дурадгорлик ишим тамом  
бўлди, энди деворга қарашай: лойингиз чиқдими?

Қодиржон ака. Сизга ҳам лойдан керак экан-да,  
айтдим-а, шuvoққача қарашмадингиз деб.

Олимжон ака. Қўйинг, Қодиржон ака, бундан ке-

йин устамузни<sup>1</sup> иморат ишига аралаштирманг, иморатнинг  
пасти баландини билмас эканлар! Қаранг, шундай бўлса  
ҳам яна сир бермайди-я?!

Қодиржон ака. Келинг, бўғилманг, бунақанги якка  
усталар ўз айбларини андавалаб, чакана қилиб юришади.  
Катта қурилишларда ҳам гишт отишиб юришади.

Иброҳимжон. Қодиржон ака, гапни жуда михлаб  
ташладингиз-ку! Майли, катта қурилишларга бориб ишлай-  
ман. Аммо, баланд иморатлар битганда бориб, олдимдан  
«лифт», «лифт» қилиб ўтиб туринг.

Олимжон ака. Энди сандалга оёқ тиқиб ўтириш  
йўқ, янги уйлар пар билан иситилади, қандай яхши-я, пар  
бўлса?

Қодиржон ака. Айтганингиз тўғри, кўп ёлчиб қол-  
дик. Лекин баъзи уйлар битмасданоқ кам-кўсти билан фой-  
даланишга топшириляпти. Бир қарасанг эшигининг ёндори  
ўйнаган, бир қарасанг девори туллаб кетади, чала-да!

Олимжон ака. Чалалиги учун уста Иброҳимжонга  
арз қилган эдик, лекин у киши ўзи қурган деворга суяниб  
ўзини оқлаганича кетаверди, оқибатда сирни кўчгани қолди.

Қодиржон ака. Қойилман, саркор, гапларингиз  
бинойи!

## МАДАНИЯТ, ХУНАР ВА ТУРМУШ ТЕМАЛАРИДА

АШУЛАЛАР

### I

Жўрахон ака. Ижроқўм ота, сиз ҳам ашулани  
биласизми?

Турсунбува. Ҳа, биламан. Мен айтдан-байтдан  
айтаман. Аммо чала ташлаб кетсам айбга қўшмайсиз.

Жўрахон ака. Байтига чалароқсиз-да! Агар аския,  
ашулалар, ўйинлар бўлиб турса зерикмасдан тонг отгунча  
айтасиз-а?

Турсунбува. Ҳо Ғойиб ака! Ёшингиздаги мана шу

<sup>1</sup> Устамуз — ёмон уста маъносига.

шланкани белингизга боғлаб қўяйми: эмасму? (эмасизми?) деб.

Ғойиб ака. Ижроқўмбува!

Турсунбува. Лаббай!

Ғойиб ака. Икки қўлим билан гул тутсам, индамадингиз.

Орифхон. Уста, мен гул тутайми малол эмасми деб.

Турсунбува. Битта қоғоз ёзиб сизга олиб бориб берайми, ё сиз боринг, ё мен борай деб.

Махсум ака. Ашулани чиройли айтар экансизлар. Кечадан бери айтган ашулаларинг орасида яна биттаси қолди. Ғанижон, Аминбува, Ғойиб акалар қўлларига арғамчи ушлаб бир ерга ўтириб олиб ашула қилишяпти: сайёра экан мендек деб.

Жўрахон ака. Ҳамма ашулалардан бўляпти-ю, лекин патнис ашула бўлмаяпти. Мана Жўрабоши<sup>1</sup> ҳозир катта ашула айтиб берадилар: икки оламда пано бўлган бошим деб.

Обил ака. Уста! Менинг ҳақиқий устамсиз. «Икки оламда пано бўлган бошим» деб ашула айтсам, сизга ёқмади. Кейин Ижроқўмбува сизни эски бир уйга олиб кириб қўювди, ўшанда ашула қилдингиз: кириб бўстонни кездим деб.

Махсум ака. Сиз ашулачилар орасида мақтанчоғи экансиз. Кўзингизга ким кўринса жононим дейсиз.

Ғойиб ака. Махсум ака, менинг машина миниб юрганми кўриб орқамдан ашула айтиб юрибсиз: Москвадан орден олган Шерали деб.

Махсум ака. Ёлғондан битта бузуқ тракторнинг тепасига ўтириб олиб, Турсуной бўлай дейман дейди бу Ғойиб ака!

Маҳмуджон. Махсум ака, Ғойиб тоғамга таъна қиласиз Турсуной бўлай дейман дейди деб. Пахта далаларида биттангиз ҳам кўринмайсизу, ашула қиласиз: пахта эдик етти қиз деб.

Турсунбува. Менда яна битта ашула бор. Махсумхонни шу бугун танидим, дарров газетага ёзиб юбордим: юз центнерчи Ҳавохон деб.

Махсум ака. Хурсанд бўлдим. Газетага берилганимдан кейин ишим яна яхши бўлиб кетди. Аммо, мана бу

<sup>1</sup> Обил ака Норматовнинг лақаби «кал» бўлиб, уни «юзбоши», «жўрабоши» деб ҳам юритишади.

Обил ака, Ғойиб ака, Сотволди акалар дангасаликни қўймаптилар. Устларидаги чопонларини олиб ташлаб: юр, такасалтанг! дедим.

Орифхон. Такасалтанглар, деганингиз яхши бўлди. Буларга қор қилди шекилли, бир-бирларига ҳасрат қилиб қолишди: сен ғариб, мен ғариб деб.

Обил ака. Жўнаб қолишмоқчи эди, мен тўхтатдим: кетма, кетма кўр ўғли! деб.

Махсум ака. Кейин Ғойиб акани битта дарахт тагига олиб бориб боғлаб қўйдим: намасан деб.

Ғойиб ака. Ана шунақа довдираб юрганимдан кейин, анча ўзимга келдим. Энди менга эргашиб юриб ашула қилаверинглар: бўз ердаги бўз йигит деб.

Махсум ака. Бўз ердаги бўз йигит деб жўрттага айтдим-да, меҳнатга бўйин берармикан деб! Аммо бўлмади. Ғойиб акани Юзбошига юборсам, жилва билан унга: ёнингга бормайман дейди.

Мамарозиқ ака. Ашуладан биз ҳам битта айтайликми, энди менга навбат деб.

Махсум ака. Уша «менга навбат» деганингиз ҳам яхши ашула! Аммо, аввал меҳнат қилиб, кейин ашула айтсангиз биров қулоқ солади, ўзингизча айтаверсангиз, пастдан таклиф тушади: ҳо, қилпиллама, деб.

## II

Иброҳимжон. Жўра ака,<sup>1</sup> раҳмат, билмаган эканмиз, ашулачи экансиз, муборак бўлсин!

Жўра ака. Еқиб қолган бўлса айтаверамиз-да тонг отгунча.

Иброҳимжон. То саҳар айтсангиз ҳам бўлаверади-ю, жиндек кечикиб қолдик. Боядан бери сизни суриштирсак: Саёдхон боғдадир, боғда дейишди.

Жўрахон. Мени ахтариб юрганларингни эшитиб, мен ҳам боққа кириб истадим, аммо топмадим.

Иброҳимжон. Музробхон<sup>2</sup> келиб Жўрахон ака боғда

<sup>1</sup> Жўра ака ва Эргаш ака Юсуповлар Андижон область Шаҳрихон (Москва) районида яшайдилар, хонанда-созанда бўлиб, баъзан аския ҳам айтишади. Дўстлари Жўра фасон ва Эргаш қора деб тегишишади. Булар Катта Фаргона канали қурилишида актив хизмат қилишган ва тақдирланганлар. Ҳозир пенсионерлар.

<sup>2</sup> Музробхон Аҳмедов Шаҳрихонда актив жамоатчи, пенсионер.

учиб қоптиларми, меҳмон келишди десам ҳам индамади дедилар.

Жўраҳон. Айб менда эмас, Иброҳимжон, Музробхон менга ёлғиз кўринди!

Иброҳимжон. Бевовта қилмагандирлар-да, Эшвой бўлиб қолгандирлар деб.

Жўраҳон. Кечирасиз меҳмон ака, гоҳо шунақа ҳам бўлади. Афтидан фиғонингиз чиққанга ўхшайди.

Иброҳимжон. Сўлим йигит экансизу, баъзан шунақа муножот ҳам қилиб қоларкансиз-да!

Жўраҳон. Энди тавба, илгари бир мубтало бўлган эканмиз-да!

Иброҳимжон. Хафа бўлмайсиз, насихат қилиб қўямиз. Қарасам: боламга ўхшайди овозинг сени.

Жўраҳон. Яхшиям келдилар. Инсофга кириб қолармиз: бўйнингдаги маржонларингни кўриб.

Иброҳимжон. Гапингиздан бўз йигитга ўхшайсиз.

Жўраҳон. Энди ошно бўлиб қолдик, бундан кейин суратингизни қора кўзимга суркаб юраман.

Иброҳимжон. Биз ҳам хурсанд бўламиз: одатларини ташлаган якка бу Фарғонада деб.

### III

Расул қори. Домла аканинг қўлларидан маҳкам ушлаб олайликми: ёрим кетаман дейди деб.

Расулжон. Йўлимни тўсиб олсангиз-а: кетгизгани қўймайман деб.

Қодиржон ака. Расулжон аканинг оёқлари тагига тўртта гишт қўйиб, Расул қорини кўрсатайми: ёрни ойнакдан қаранг, ноз уйқуда ётганмикан деб.

Олимжон ака. Турсунбува икки қўлларини кўкракларига уриб ётган бўлсалар-а: тасаддуққинанг кетай деб.

Турсунбува. Олимжон ака дўппиларини қўлларига олиб нолиш қилсалар-а: бошимда соябоним йўқ деб.

Икромиддин. Мамадали қорининг<sup>1</sup> думига калтак билан бир солайми: қайдан бўлурсан деб.

<sup>1</sup> Мамадали қори Тошматов бачқирлик (Фарғона область, Ленинград р-н) устоз аскиячи. Деҳқон юзбоши Шерназаровнинг шогирди. Эрка қори Каримов билан катта ашулалар ҳам айтишган, лақаби «ит».

Мамадали қори. Икромиддиннинг<sup>1</sup> қулоғини кўтариб сўрайми эчкимсан, намасан деб.

Расул қори. Қодиржон акамнинг олдиларига бориб Турсунбувамдан хабар берсам-а: Нодира аҳволдан огоҳ бўлинг деб.

Турсунбува. Қорига<sup>2</sup> ёпишиб олсам-а, кетма кўр ўғли деб.

Расул қори. Олимжон ака ўзлари келмай дўппиларини бериб юборсалар айтаман-да: гули келди-ю, ўзи келмади деб.

Олимжон ака. Расул қорини узоқдан чақириб ётсам-а: ҳой такасалтанг, ҳой такасалтанг деб.

Расул қори. Менам узоқдан жавоб берсам-а: ҳа, сартарош, ҳа, сартарош деб.

Турсунбува. Қодиржон ака осмонда парвоз қилиб юрсалар, ашула айтиб қолсам-а: ул маҳлиқо бир келсун деб.

Қодиржон ака. Турсунбувам қўшнининг товуқларига дон сепиб юрсалар-а: жўжаларим, жўжаларим деб.

Расулжон. Расул қори билан хайрлашиб қолсам-а: кўргунча хайр энди деб.

### IV

Иброҳимжон. Усмон қори ака, соғинишиб қолдик. Марғилонга атайлаб кўргони келдик-да! Ҳа, айтгандай: салом сизга Хоразмдан.

Усмон қори. Биз ҳам соғинганмиз, хайрият бир ишва билан кептилар. Қани, марҳамат, Саёдхон боғдадир.

Турсунбува. Усмон қори, мана Ғойиб ака ҳам Марғилонга баланд тоғдан ошиб келдим деяпти.

Усмон қори. Қани дам олсинлар: соя салқин, сув ажойиб.

Зайнобиддин. Ғойиб акам бекор қолмасинлар деб қўлларига ликоб бердим: ялла бўлсин деб. Биров: вой такасалтанг демасин яна.

Ғойиб ака. Зайнобиддин ака ажойиб меҳмондўст

<sup>1</sup> Икромиддин Каримов Бачқир қишлоғидан бўлиб, танбурчи ва аскиячидир. Лақаби «эчки», 1905 йилда туғилган. Пенсиякер.

<sup>2</sup> Машҳур ашулачи ва аскиячи Расул қори Мамадалиев. Эрка қори Каримовнинг шогирди. Лақаби — «қори». Ленинград р-н Ленин номи колхоздан. 1922 йилда туғилган.

одам экан: олинг-олинг дейиш ўрнига томоша қил дейдилар.  
**Ташнаман** дея қолдим.

**Зайнобиддин.** Ғойиб акани шунча иззат-икром қилсак ҳам раҳмат ўрнига: **отма мени тошлар билан дейдилар.** Кейин: **бор, боравер, бормайман** дедим.

**Ғойиб ака.** Зайнобиддин акам яхшилар. Бизга шунақа **фироқ** қилиб турадилар: **грифторингни сўрмайсан** деб.

**Усмон қори.** Ҳамма айб қариликда, бўлмаса **Турсунбуванинг ўзларидан жонон қани** деб сўрайманми?

**Турсунбува.** Ҳа, айбни ўзингизга қўяверманг. Биз ҳам **ҳажрингда дарду ғам билан ҳасратда доғман** деб, **гулзоримда** юрибмиз.

**Зайнобиддин.** Турсунбувамга ёр нималар дейсиз десам, **менга дунё керакмас**, дейдилар.

**Турсунбува.** Зайнобиддинга **дилбарижоним қани** десам, **йўқотганман** дейдилар.

## V

**Насриддин ака.** Ижроқўмбува! Ғойиб акага ўхшаган шогирдларингизга тайинлаб қўйинг, кўча-кўйда ўзини тутиб юрсин. Яна баъзи одамлар: **анавининг ўтириб туришини кўр** деб, маломат қилиб юришмасин!

**Ғойиб ака.** Ижроқўмбува! Гапингиз тўғри. Аммо, **Насриддин ака** ҳеч гапга кирмайди. Кичкина стаканчани қўлига олиб юради: **кўчалара сув сепмишам** деб.

**Турсунбува.** Махсум ака! Хўп келишган йигитсиз-да! **Дўппингизни ерга қўйиб, атрофида ўйинга тушиб турсангизу, мен ашула айтиб турсам: ололмайди кал, кал** деб.

**Махсум ака.** Ижроқўмбувам мен келгунча уйда зерикиб қоладилар шекилли, узоқдан кўринишим билан **дамлаб қўйдим паловни** деб, чақириб қоладилар.

**Насриддин ака.** Ғойиб аканинг одатлари қизиқ экан. Бригадирни кўрсалар қочиб қоладилар: **ўзимни тўхтатолмайман** деб.

**Ғойиб ака.** **Насриддин ака** ёмон одатга ўрганиб қолипти. Опамлар даладан қайтаётганда ҳар сафар кутиб олади: **жонга дармон, ассалом**, деб.

**Насриддин ака.** Ғойиб ака ҳам бир хил ашула айтадиган бўлиб қолипти. Опамлар сал кечикиб қолса, ўзича хиргойи қилади: **на бўлди ёрим келмади** деб.

**Ғойиб ака.** Сиз ҳам опамлар билан дала ишларига чиқинг-да: **энди менга навбат, энди менга навбат** деб.

**Насриддин ака.** Ғойиб ака! Сиз ҳам опамга ёрдам беринг-да. Куппа кундузи даланинг ўртасида туриб **ёнингга бормайман** деб ашула қиласиз!

**Ғойиб ака.** **Насриддин ака** жўрттага далада ивирсиб қолади: **бизнинг ёрни кўрган борми** деб.

**Насриддин ака.** Далада иш қилмасдан, Ғойиб акага ўхшаб кўчама-кўча санқиб юрган дангасаларни кўрсам ашулам **кўзгаб кетади: ўтар саллона, саллона** деб.

**Турсунбува.** Мана, Ғойиб ака билан **Насриддин** акалар бир-бирларини анча танқид қилишди. Агар камлик қилса мен ҳам ашула қиламан: **яна нима-нималар дейсиз?**— деб.

**Махсум ака.** Яна нималар дейишарди. Қулоқларига гап киргандан кейин: **устозингдан айрилма** дейишади-да!

## VI

**Иброҳимжон.** **Насрулло**<sup>1</sup> акамга ҳайронман, отларини **Насрулло** қўйиб олиб, бизга **проғу фироқ** қиладилар. Сўзларининг устидан чиқмайдиган одатлари ҳам бор экан. Аччиғим келиб: **вафога ваъда қилиб, ваъдага вафо қилсангиз-чи, дедим!**

**Насрулло.** Мулла **Иброҳимжонни** дурустроқ ашулачи деб, бир куни тўйимизга айтувдим, табиатимни анча хира қилдилар. **Мўғулчаи дугоҳ** десам, **мўғулчаи сеғоҳ** чиқиб қолдилар. Кейин мен ҳам сирларини очиб ташладим: **турфа эрди, турфа ишлар доғ пайдо қилдилар**, деб.

**Иброҳимжон.** **Насрулло ака** «Баёт» қилиб туриб менга насиҳат қиладилар: **хабарсиз мастлар бедодини хушёр ўландан сўр** деб.

**Насрулло.** Ана энди **гирысига** оляптилар. Кеча бўлса битта тўйда юз грамм отиб олиб **Галдирлаб** юрүвдилар.

**Иброҳимжон.** **Насрулло ака** гоҳо дуторларини мақтаб қоладилар: **сарпарда** деб. Лекин қайси пардага қўллари борса, ўша парда бузилиб қолади. Бунинг устига оҳанг ҳам чиқарадилар: **ҳар замон садқанг бўлай, бир лаҳза қурбонинг бўлай**, деб.

<sup>1</sup> Шоир **Насрулло Охундий.** Аския ишқибози.

Насрулло. Гулбузорим деб ажриққа ёнбошлаб хиргойи қилган мана шу Иброҳимжон бўладилар. У куни қўлларига битта тол новдасини ушлаб олиб нола қиляптилар: **зулф савдоси алиф қаддимни дол этмиш мени, деб.**

Иброҳимжон. Насрулло акам гоҳс-гоҳо ана шунақа тўлқинланиб кетадилар. У куни қўлларига битта бутилкани олиб муножот қиляптилар: **кўнглим олгач ул пари, мажнун шайдо қилдилар, деб.**

Насрулло. Иброҳимжон кўча боғида дўппини яримта қилиб «**Фаргонача шаҳноз**»ни айтиб юриб, рўпараларидан чиқиб қолган бир қўзичоқни қучоқлаб хиргойи қилдилар: **шамъи ҳуснингга, нигоро, ўртаниб парвонаман, деб.**

Иброҳимжон. Насрулло акамни илғор одам десам ишонмайсизлар. Тол новдасини миниб олиб, унга ялиндилар: **бошимга ишқинг тушиб, савдо бўлурму мунча ҳам, деб. Э, сувора бўлиб кетинг-а!**

Насрулло. Иброҳимжоннинг ҳам феъли гоҳо айниб туради. У куни беш-олтита бўш бутилкаларни ипга боғлаб белига осиб олипти: **қаландар биз бўламиз деб. Оёқларари ерда турмайди-ю, яна хониш қиладилар: бора-бора кетди қадрим, интиҳобим ким десун, деб.**

Иброҳимжон. Қаландарлардан тўрт-бештамиз. Насрулло акам бешинчи бўладилар. У куни ариқда юмалаб ётиб арз-ҳол айтаптилар: **ақлу ҳуш учди бошимдан, э пари девонаман, деб.**

Насрулло. Ултурғусими десам, йўқ, унақа эмас экан Иброҳимжон. Анча ўзига келипти. Уша бўш бутилкаларни ерга уриб чилпарча қиляптилар: **ошуқ бўлурда билмадим, мен нотаваон хастаким, деб.**

Иброҳимжон. Насрулло акам ҳам шаштларидан анча қайтганлар, энди кўзларига **Муборак** бир, икки, уч бўлиб кўринавермайди. Узларига ҳам... шарму ҳаё муборак.

Насрулло. Оромижон гапларни айтасиз-да, мулла Иброҳимжон. Мана шунинг учун сизга айтаман-да, юзингнинг кўрсатиб аввал ўзингга бандалар қилдинг, деб.

Иброҳимжон. Қилган айбларингизни ҳануз бўйинингизга олмайсиз-а! Мендан кечиб кетасизми яна? Бўламаса, алам қилганидан жар соламан: **халқ билур ошиқлигимни, ёр билмайдур ҳануз, деб.**

Насрулло. Биров бориб сиздан нима гап деб сўраса: **кўрарга бениҳоят зору муштоқ ўлганим айтинг, хўбми!** Хабар олсам айтиб юбораман: **бир келиб кетсун, деб.**

Иброҳимжон. Эй чеҳраси тобоним, қулоқ солинг! **Токайгача сайри боғ** қилиб юрасиз. Қўйинг бу феълингизни! Одам ҳавас қилсин агар: **лола-ю гуллар очилса ўрнида янтоғлар.**

Насрулло. Нигорим тановарни яхши айтарканлар. У куни сартарошхонада хиргойи қилиб ўтириптилар: **Қора сочим ўсиб қошимга тушди, деб.**

Иброҳимжон. Дилхирож бўлсин десангиз менга келиб: **ол хабар денг. Кейин мен, нозли ёр уйқусидан турганмикки, деб бораман!**

Насрулло. Икки марта овора бўлиб юрманг, бир йўла: **туш-муш сўранг кўрганмукин.**

Иброҳимжон. Бу одамга ишониб ҳам бўлмай қолди. **Мустаҳзод** десам **Фаргонача жонон** чиқиб қолдилар. Ялинтиришларини айтмайсизми! Кейин юрагимдагини айтиб қўя қолдим: **ул кун, жонон, юзни тобон айладинг, абр ичинда ойни пинҳон айладинг деб.**

Насрулло. Иброҳимжоннинг дарди кўпга ўхшайди. **Ул паривашининг ёр васли бўлмаса, кимга нигоҳ айлай, деб, мендан сўраб юрибдилар. Мен қулоқларига секин жавоб бердим: Юзингдан парда ол, бошинг ҳақи, деб.**

Иброҳимжон. Насрулло ака, мундоғ қарасам ҳали ашула кўп, айтиб тамом қилолмаймиз. Яхшиси меҳнат аҳлига навбат берайлик: **қилинг ғайрат, бу водий сувга сароб пахтазор ўлсун, деб.**

## VII

Маҳмуджон. Дадажон, отарчилигингиз ҳеч қолмади-да! Харидор топилмаса **остонангга почор ўлдим-да, келдим** деб ёпишиб ҳам оласиз. **Ё гадолардан биримисиз?**

Дадажон.<sup>1</sup> Сизнинг ҳам ўйинчилигингиз ҳеч қолмади-да! **Ноз** этма деса бўлди — йўргалаб кетаверасиз. Ҳар нарса эви билан-да, кам-кам бўлсин.

Маҳмуджон. Сиздақа бекорчи Эшвойлардан ўргулдим. Яна отингизни **Абдураҳмонбеги** қўйвопсиз-а!

Дадажон. Сизга биров ассалом деса бўлди, тўйга бориб **тонг отгунча** ялла қиласиз.

<sup>1</sup> Дадажон Қосимов — ёш аскиячи. Тошкент область Янгийул районидан. Санъаткор. 1935 йилда туғилган.

Маҳмуджон. Келинг энди, Дадажон, қачонгача да-  
ремади ушшоқ қилиб юрасиз. Тегишли ташкилотлар бизга  
ҳам наззора қилар.

Дадажон. Кошки эди. Бизга ҳам ғамхўрлик қила-  
диганлар бормикин?

Маҳмуджон. Дилраболар йўқ дейсизми?

Дадажон. Саболардан бирими? Ухшашга-ку ўхшай-  
ди-ку-я, яна, билмадим.

Маҳмуджон. Бу оқшом филармонияга келинг, гап-  
лашдим, яхши, яхши дейишди.

Дадажон. Ана энди биз ҳам обод ўлкадаги меҳнат  
аҳлининг роҳатини кўрар эканмиз-да.

Маҳмуджон. Энди бундан кейин ойдин кўчаларда  
қичқир хўрозимни айтишни бас қиларсиз.

Дадажон. Сиз ҳам бундан кейин шарманда бўлдим  
найлайин деб юрмасиз.

## АСАРЛАР

### I

Аскиячи. «Муштум» тоға, ўзбек совет адабиёти  
асарларидан ўқиб, баҳраманд бўлиб турибсизми?

Муштум. «Олтин водийдан шабадалар» эсиб турса  
баҳраманд бўламиз-да, албатта.

Аскиячи. Ҳозирги фаслнинг шабадаси жуда зўр-да?

Муштум. Ҳа, «Бўрондан кучли».

Аскиячи. Лекин шундай бўронда «Синчалак» ҳам  
парвоз қилибди-да.

Муштум. Ҳа, чакана эмас «Синчалак!»

Аскиячи. «Муштум» тоға дейман, баъзиларга бирор  
нарсанинг шабадаси кор қилдимикан-а, «Сўқмоқлар»дан  
юриб қолишди.

Муштум. Одам «Катта йўл» дан четлаб қолса, ил-  
ҳом «Оқсой шалолалари» дай мавж урмайди-да ахир.

Аскиячи. Тоға, ҳафсалангизга қойилман, шабадада  
силкиниб турсин деб «Кўшчинор» лар экиб қўйиб-  
сиз-а?

Муштум. Кўшчинор экишдан мақсад «Ёдгор»лик  
қолдириш-да.

Аскиячи. Тўғри-ю, лекин «Кўкан батрак»лигича қо-  
либ, у ҳам ёдгорликка айланиб кетса-я.

Муштум. Бўлмаса «Уста Ғиёс»га айтинг, «Сен етим  
эмассан», деб қўйсин.

Аскиячи. Тоға, сиз кўпни кўргансиз, айтинг-чи, ки-  
ши бир ишни «Ихлос» қилиши керакми?

Муштум. Ахир, одамда ихлос деган нарса бўлмаса  
«Чин муҳаббат»ини «Ҳилола»га изҳор қила оладими!  
«Олов кор» қилганидан-да!

Аскиячи. Тўғри, ихлосим борлигидан мен ҳам сиз  
билан «Фаргона тонг отгунча» ҳангома қилишмоқчиман.

Муштум. Ҳа, тонг отгунча бизга «Уқитувчи»лик қил-  
дингиз, лекин «Самарқанд осмонидаги юлдузлар»нинг ёру-  
гида кўзингиз анча қамашиб қолди-да!

Аскиячи. Кўзим-ку қамашгани йўқ, аммо юлдузлар-  
нинг орасида «Регистон устидаги байроқ» кўринмаганига  
ҳайрон бўлиб турибман.

Муштум. Жиян, жуда дудуқланиб қолдингиз ё бирор  
нарса асар қилдими?

Аскиячи. Агар асар қилган бўлса, мени нимага  
«Ҳукм» қилардингиз?

Муштум. Ҳали ҳеч қанақа ҳукм чиқарганим йўқ.  
«Россия» ўрмонларида «Ҳаётим қиссаси»ни ўқиб юриб-  
ман.

Аскиячи. «Ҳаёт гулшани»да юрибман денг. Шу  
гулшанда олижаноб асарларнинг «Тугилиш»и мумкин.  
Айтгандай, яқинда бир гап чиқди, нима, «Раис уйланар-  
миш»ми?

Муштум. Бемаъни раис экан, уни «Тор-мор» қилиб  
юборишди.

Аскиячи. Айтганингиздай бўлмас эди-ю, раис ўзи  
хомлик қилди, «Икки коммунист»дан маслаҳат сўраса бўл-  
масмиди?

Муштум. Тўғри айтасиз, асарлар ижодий ҳамкорлик  
билан ёзилса, «Кумрининг муроди» ҳосил бўлаверади.

Аскиячи. Кейинги вақтларда кўплаб саҳна асарла-  
ри ёзилапти, драматургларимизнинг талантилари худди  
«Олтин кўл»га ўхшайди-я! Баъзилари илҳом «Олтин  
кўл»га ўхшайди деб, «Кечирилмас гуноҳлар» ҳам қилиб  
қўйишади.

Муштум. Тўғри, баъзи драматургларимиз ўз асарла-  
рини «Ватан ишқи» билан ёзмайдилар Асарни «Майсара-  
нинг иши»га ўхшатиб қотириб ташлайдиганларга балли.

Аскиячи. Айтгандай Қумриларнинг орасида «Гул-  
сара»ни ҳам учратдингизми?



Муштум. Уни ҳам, «Нурхон»ни ҳам кўрдим, «Паранжи сирлари»ни айтиб беришди.

Аскиячи. Хотин-қизлар озодлигига қарши бўлган «Тухматчилар жазоси»ни топиб кетди. Агар қолган-қутгани бўлса сизга айтаман — «Оғриқ тишлар»ини суғуриб оласиз.

Муштум. Бизга айтадиган «Юрак сирлари»нгиз яна борми?

Аскиячи. «Сурмахон» билиб қоладими деб айтгани тортиниброқ турибман. Тога, сиз сир айтган кишининг тилини суғуриб олаверасизми?

Муштум. Йўғ-е, менинг «Тога-жианлар»им кўп, унар-унмасга «Хужум» қиладиган одатим йўқ.

## II

Едгор ака. Яхшимисиз, «Муқаддас» хон?  
Муқаддасхон. Келинг, Едгор ака, «Мен қишлоқда яшайман», деб кўринмай кетдингиз?

Едгор ака. «Нур қидириб» юрибмиз-да.

Муқаддасхон. «Опа-сингиллар»ингиз тинчми?

Едгор ака. Ҳа, икковлари ҳам меҳнатда «Машғал».

Муқаддасхон. «Она»нинг насиҳатларидан чиқмай «Ота изидан» боргандан кейин машғал бўлишади-да.

Едгор ака. Айтгандай, «Жамила» «Қалб амри билан» Мирзачўлга кетибди деб эшитдим, ростми?

Муқаддасхон. Ҳа, биласиз-ку, «Ирода»ли қиз-да.

Едгор ака. Зап «Шонли авлод»имиз бор-да. Ҳар йигит-қизга «Кўнгил гули»ни «Гулдаста» қилиб тутгинг келади.

Муқаддасхон. Сиз ҳам «Яхши ният» билан яйловда кўй-қўзичоқларни кўпайтириб юрганга ўхшайсиз.

Едгор ака. Ҳа, «Яйловда» ҳаёт кўшиқларини янги-ратиб юрибмиз.

Муқаддасхон. Яйлов «Ойдин кечалар» да айниқса гаштли бўлар?

Едгор ака. Нимасини айтасиз. «Олтин водийдан шабадалар» эсиб туради. Баъзан музыка мактабидан «Кувноқ болалар» келиб, концерт бериб ҳам кетишади.

Муқаддасхон. Уша мактабда «Уқитувчи»лик қи-

лаётган «Карим девона»ни излаб кетган «Ибодиллонинг қайтиб келиши» қийин бўлди. Сиз кўрмадингизми?

Едгор ака. У ерда «Юратимга яқин кишилар» кўп. Айниқса дўстим Эргаш олов, қизиқ йигит. «Оҳанрабо ахтариб» келди-ю, мен билан танишди-қолди. У билан кўпинча «Фарғона чашмалари» ёнида ёнбошлашиб «Гулхан» ёқамиз.

Муқаддасхон. Юринг бизниқига. Мен «Ўтган кунлар» дан гапириб бераман, сиз «Эсдаликлар» дан айтасиз.

Едгор ака. Майли, уларингизга «Кашмир қўшиқлари»ни айтиб борамиз.

## III

Расулжон. Мирзахон ака, мана, Иброҳимжон «Уйланиш» учун атайлаб Наманганга келдилар; орада туриб бир «Майсаранинг иши»ни кўрсатмайсизми?

Мирзахон. Ҳа, шунақа денг, айтдим-а «Маҳаллада дув-дув гап» — «Раис уйланармиш» деган.

Расулжон. Дув-дув гап тарқалишига сабаб бор, Иброҳимжон ҳам «Алпомиш»дай йигит-да!

Мирзахон. Дуруст, Иброҳимжон ёлғиз келманти, ёнларида «Қайнана»си ҳам бор кўринади.

Расулжон. Қайнатаси ҳам бор, мана «Офтобхон»нинг ёнларида ўтириптилар.

Мирзахон. Ушанинг учун талтайиб ўтирган эканлар-да, «Опа-сингиллар»идан бўламан деб.

Солижон. Ҳали шунақами, яхши айтиб қўйдингиз, нақ бўлмаса «Қалтис ҳазил» қилмоқчи эдим.

Иброҳимжон. Солижон, гапингизга қараганда, Наманганда ҳам «Йўлчи юлдуз»лар кўпга ўхшайди, ёни-нгизда «Икки коммунист» ҳам ўтирипти.

Солижон. Айтдим, куёв безовталаниб гапиряпти, деб, ё «Оғриқ тишлар»и борми?

Расулжон. Унақа деманг, унақа бўлса биз ҳам Иброҳимжон билан бирга юрармидик, у киши «Номус ва муҳаббат»ли одам.

Солижон. Шунақа дейсизу, «Гамлет»лар ўзимизда ҳам йўқ дейсизми!

Мирзахон. Соли ака, тўғри айтасиз, лекин рашк ёмон экан-да, ўзимиздагиларнинг бошига «Отелло»нинг куни тушиб юрипти!

Расулжон. Иброҳимжон ҳали у даражага борган эмаслар. Мирзахон, келинг энди тезроқ ишни битиринг, Иброҳимжон сизлардан гина қияпти: «Беш сўмлик келин»ча қадрим йўқми деб.

Мирзахон. Аллақачон тўй бошланиб кетарди-ю, «Халима»хонларнинг юраги дов бермай турипти: Иброҳимжон «Макр ва муҳаббат» кўрсатармиканлар деб.

Солижон. Мирзахон, келинг энди, қиз томонни кўндира қолинг, яна Иброҳимжон қўлига теша олиб отини «Фарҳод» қўйиб юрмасин.

Расулжон. Барака топинг, Солижон, ана шунақасиз-да. «Тоҳир ва Зуҳра»ларнинг ҳожатини чиқариб юрасиз!

Мирзахон. Солижон шунақа меҳнатларини аямайдиган йигит, у куни «Икки бойга бир қарол» ҳам топиб бердилар.

Иброҳимжон. Ҳа, «Бой ила хизматчи»лик!

Мирзахон. Ана, куёвнинг дарди кўпга ўхшайди, ишни тезроқ битказмасак, ҳали «Ревизор»лик ҳам қилади бу.

Солижон. Мирзахон, дарҳақиқат Иброҳимжон беварианжом кўринади, куёв қани деб сўрасам, кўчама-кўча юрган эмиш: «Аршин мол олон» деб.

Иброҳимжон. Сизлар мени гап билан тўйдириб юрсаларинг, ҳар кўчага кираман-да ахир: «Ганг дарёсининг қизи»ни ахтариб.

#### IV

Уктамжон. Ассалому алайкум, Насриддин ака, бормисиз, «Икки якшанба»да зўрға учрашдик-а, қаерда эдингиз? «Волга-Волга» деб юриб ё Волга бўйларига саёҳатга кетганмидингиз?

Насриддин. «Насриддин Бухорода» деб ҳеч ким сизга айтмадими?

Уктамжон. «Опа-сингил Раҳмонова»лардан сўраган эдим, «Насриддин Хўжандда» деб жавоб беришди.

Насриддин. Тўғри, у ерга борганда «Фаргонадан беш киши» эдик. Кейин «Орол балиқчилари» ҳам бизга қўшилди. Улар билан «Йўл юрсак ҳам мўл юриб», «Помир болалари»нинг олдига бордик...

Уктамжон. «Йўл»да «Солдат Иван Бровкин»ни ҳам кўргандирсиз, бўлмаса?

Насриддин. Йўқ, фақат ажойиб «Бир қизни учратдим», холос.

Уктамжон. Ким экан у гўзал? «Фотима» ёки «Зумрад» эмасми?

Насриддин. У ёғи сир, дўстим. Ростини айтсам мен унга пайт пойлаб «Мафтунингман» дедиму, жунайвердим.

Уктамжон. Йўғ-е. Бу дейман, қариганда суюлиб «Севги ва кўз ёши» ҳам қилдим денг!

Насриддин. Йўқ, фақат қўлингиз тегса «Стадионда учрашамиз» деб таклиф қилдим, холос.

Уктамжон. Қариганда ҳам «Ниначи»дек тинмас экансиз-да. Ҳой, ҳушёр бўлинг, яна орқасида «Қувноқ йигитлар» бўлмасин.

Насриддин. «Кўча тасодифларга тўла», бўлиши мумкин. Агар улар шўхлик қилса «Содиқ дўстлар»им бор, ёрдам берар.

Уктамжон. Агар мана шундай «Дайди» юриб, кўринган қизларга кўз олайтира берсангиз, содиқ дўстларингиз ҳам таъзинингизни еганингиздан кейин «Бу воқеа милицияда бўлган эди» деб қўя қолади.

Насриддин. «Инсон тақдирини» бир хил бўлмас экан-да, дўстим. Шунақа «Сўқмоқ йўллари»да юриб охири «Катта ҳаёт»га тушиб олсак, ажаб эмас.

#### V

Домла 1. Бугун адабиётдан лекциями дейман, аудиторияга: «Ассалом, Фафур Гулом!» деб кириб боряпсиз.

Домла 2. Ҳа, бугун ажойиб лекция, шоиримиздан қолган «Елдор»лик тўғрисида.

Домла 1. Лекциянгиз анча кўтаринки руҳ билан ўтса керак, шоир пешанангизни силаб турса: «Сен етим эмассан» деб.

Домла 3. Сиз шунақа дейсизу, бу киши улғайиб, шердай бўлиб кетдилар. Орадан ўттиз йил ўтсаям «Кўкан батрак»лигича турармиди!

Домла 4. Ҳа-я, ҳозир «Тўй» десангиз-чи! Лекция вақтида айтиб қўйинг, шоиримизнинг «Турксиб йўлларида» «Сув ва нур» қидириб «Вақт» сўраб юрган пайтларини ўтиб кетди, ҳозир «Ақл ва қалам» билан олтмишини уриб қўйдилар.

Домла 5. Лекция вақтида хаёлингиз қочиб, «Май манзараси»ни тасвирлаб туриб: «Бир нима йўқотгандай кезаман чаман ичра» деб юрманг яна.

Домла 3. Лекция ўқиётганда ўзингизни ҳушёрроқ тутинг. Яна кўзингиз «Тагдўзи»лик «Ёқут»га тушиб, «Севсам севибман-да» деб «Гулдаста» тақдим этиб, айтсангиз-а: «Мунчалар мусаффордир тонготарда чиройинг!»<sup>1</sup> деб.

Домла 1. Ҳали бу кишининг «Баҳор оҳанглари» шунақаи? Яқинда юрувдилар: «Илк кўклам файзини созга солмоққа, танбур косасида шароб керакдур», деб.

Домла 2. «Туз ҳақи» мени унақа деманглар. Мен «Зўр карвон йўлида егим бўтадек» зўрга юрибман.

Домла 4. Ҳа, «Ватан фарзандлари» «Янги замон сари» бораверса, «Шофёр»ларимиз ҳам «Бир саломнинг кучи»ни кўрсатишади!

Домла 5. Бунақа «Машъалларимиз»ни «Ленин авлоди қутлайди». Чунки «Қоғоз» билан «Нинанинг учиди қудуқ қазиган» азаматсиз-да!

Домла 2. Лекция мазмуни чиксин десангиз «Дўстлик тонги»да бемалол «Мен — яхудий» деяверинг, чунки яқинда «Қардош қозоқ элига» бориб: «Саодат карвонининг бахт юкини жамғариб» келгансиз.

Домла 1. Лекция мазмуни қуюқлашиб боряпти, вақт етмайди, ҳали «Китоб йиртар»лар фельетонига тил теккизганим йўқ.

Домла 3. Публицист бўлиб кетинг-а! «Жон Андижоним» деса, «Самарқанд сайқали рўи замин аст» деб, мунча ҳозиржавоблик қилмасангиз!

Домла 4. Шоиримиз номидан «Фурқат»га салом айтиб қўясиз, «Инсоният программаси»да драма ёзиш фикри ҳам бор, деб қўйинг.

Домла 2. Бўлмади, мени талаб ташладиларинг, энди халқ оғзаки ижоди жанрларига ўтаман. Юсуфжон қизик «Ҳангома»ларидан кейин «Аския»га ҳам қўлим тегиб қолар.

Аскиячи. «Муштум» тоға, халқимизнинг оғзаки ижоди жуда бой ва сермазмун. Бугунги аскияни халқ ижоди бўйича «Мақоллар пайрови» да қилсак!

Муштум. Жуда соз! Аския — сўз санъати, сўзнинг кўрки — мақол-да, жиян.

Аскиячи. Мақол орқали айрим кишиларнинг башарасини ойна каби кўрсатиб берамиз. Шунинг учун «Кимнинг башараси қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама-син».

Муштум. Мақолларда кишиларнинг исмлари кўрсатилмаса ҳам, шахси умумлашган бўлади. Ҳар ким ўзи учун тегишли хулоса чиқариб олаверади: «Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит!»

Аскиячи. Тоға, доим идорада ўтиравермай, тез-тез пахта далаларига ҳам чиқиб турсангиз: «Бетга айтганинг заҳри йўқ!»

Муштум. Тўғри, «Дўст ачитиб гапирди, душман қулдириб». Лекин менинг ярим умрим пахта далаларида ўтади. Махсус юришлар қиламан, гўза парваришини кечиктираётганларга: «Бугунги ишни эртага қўйма!» деб дашномлар бераман.

Аскиячи. Бундай беғамларга қаттиқ зарба беринг. Фурсатни ғанимат билиб, «Темирни қизигида бос!» денг.

Муштум. Оғизда машина-машина деб, амалда кетмондан кўнгил узолмаётганлар ҳам бор. Ана шунақанги «Тили бошқа-ю, дили бошқа» ларга «Гап билгунча — иш бил!» дейман.

Аскиячи. Узунқулоқ гапларга қараганда айрим колхоз, совхоз раҳбарлари гўза парваришини ўз ҳолига ташлаб, «Яхши от кейин чопади», «Жўжа кузда саналади» деб, ўзларини овутиб юрган эмишлар.

Муштум. Агар шундай раҳбарларни учратсам, оч бикинига уч-тўрт мушт тушириб, «Кўрпанга қараб оёқ узат!» дейишим турган гап.

Аскиячи. Шу тоифадаги кишилар раҳбарлик қилаётган колхоз, совхозларнинг далаларини диққат билан кузатсангиз, баъзи майдонлардаги гўзалар биздан «Ранг кўр, ҳол сўр!» деб турибди.

Муштум. Албатта, бу аҳволни кўргач, тутоқиб кетаман: «Айтсам тилим куюди, айтмасам — дилим».

<sup>1</sup> Филология фанлари доктори Ф. Абдуллаевнинг айтиб беришича, 1965 йил июнь ойида бўлса керак, Наманган педагогика институтининг бир тўда ўқитувчилари дўстлик гурунглиридан бирини халқ шоири Гафур Ғулом асарлари ҳақида пайров қилишганлар. Ҳикоя асосида текст тузилди.

Аскиячи. Табиийки, бундай пахтакор кузга бориб аттанг деб юради: **«Кейинги пушаймон — ўзига душман».**

Муштум. Шундай бўлмаслиги учун уларни **«Эсинг борида этагингни ёп!»** деб огоҳлантириб қўймоқчиман.

Аскиячи. Баъзи ўртоқлар чойхона, магазин, ҳатто кўча-кўйларда ҳам ичкиликбозлик қиладилар. Гапирсангиз **«Ошинг ҳалол бўлса кўчада ич!»** эмиш.

Муштум. Бундай кишилар **«Бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузури»** мақолини ароқ билан қўшиб ичиб юборишган.

Аскиячи. Тоға, шундай кишиларни учратганмисиз? Улар кўчада ичиб келиб, ўчини оила аъзоларидан олишади: **«Кўчада — хандон, уйда — зиндон»** бўлиб.

Муштум. **«Емоннинг бир қилиғи ортиқ»** дегандек, буларнинг баъзилари ҳатто кечаси ҳам уйларига келмай, кўчаларда санқиб юрадилар. **«Саёқ юрсанг, таёқ ерсан!»**

Аскиячи. Тоға, шундай шахслар ҳам борки, ўз жиғилдонларининг гапига кириб, мансабларини суиистеъмом қиладилар — **«Беш панжани оғзига тиқиб».**

Муштум. Бундайларга айтадиган гапим: **«Кўза кунда-кунда синмайди, бир кунда синади».**

Аскиячи. Тоға, порахўрлар ва пора берувчиларга шафқатсиз бўлинг. Токайгача уларнинг фикри-зикри **«Сендан угина, мендан бугина»** бўлади.

Муштум. Биласизми, жиян, порахўрликнинг ўзига хос қилиғи бор экан: **«Қуруқ гап қулоққа ёқмас»** эмиш.

Аскиячи. Шунинг учун улар: **«Қарс икки қўлда чикади»** дер экан-да!

Муштум. **«Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув керак»** деб, узоқдан даромад қилишларини айтмайсизми?

Аскиячи. Агар суҳбатдош гапга тушунавермаса, очиқ-ойдин қилиб: **«Мушук ҳам бекорга офтобга чиқмайди»** деб қўйишади.

Муштум. Масала ҳал бўлгач... **«Туя кўрдингми — йўқ»** дейишларига нима дейсиз?

Аскиячи. Тоға, олий ўқув юртларини битирган ёшлардан баъзилари тайинланган жойга ишга боришмайди. **«Узоқнинг бугдойндан яқиннинг сомони яхши»** эмиш!

Муштум. Улар ҳатто мутахассисликларидан ҳам воз кечиб, бошқа иш топиб олишади, **«Така бўлса ҳам сутн бўлсин»**, деб.

Аскиячи. Эссиз уларга давлатнинг сарф этган маблағи! **«Уқиш бошқа, уқиш бошқа»** экан.

Муштум. Гўё улар дипломли бўлиб **«Ишлари битгану, эшаги лойдан ўтган!»**

Аскиячи. Тоға, айрим ота-оналар ўз фарзандларини арзанда қилиб тарбиялайдилар, **«Бола бўлса шўх бўлсин, шўх бўлмаса йўқ бўлсин!»** деб.

Муштум. Улар катта бўлгач, ҳасратлари оламга сирмай **«Ўзимдан чиққан балога — қайга борай давога?»** деб афсусланиб юришади.

Аскиячи. Тоға, баъзи санъат усталари ўзларининг концерт репертуарларини бир неча йиллаб янгилашмайди, **«Эски ҳаммом, эски тос!»**

Муштум. Бу ҳол ўша санъаткорларимизнинг ўз санъатларига ихлос қўймаганликларидан бўлса керак. Ахир **«Дилда бўлса, тилга келади-да!»**

Аскиячи. Айрим композиторларимиз ҳам янги-янги куйлар яратиш ўрнига мавжуд халқ куйларини қайта ишлаганлари-ишлаган: **«Алихўжа — Хўжаали»** қилиб.

Муштум. Ахир, жиян, эшитмаганмисиз? **«Бор-борича, йўқ ҳолича»** деб, **«Қозонда бўлса, чўмичга чиқади-да!»**

Аскиячи. Тоға, кўз тегмасин, республикамизнинг спорт шўҳрати учун курашаётган **«Пахтакор»** футбол командаси ўзини сал ўнгариб олди. **«Тиришган тоғдан ошар»** деб бекорга айтилмаган экан.

Муштум. **«Кўр ҳассасини бир марта йўқотади»-да!** Ахир футбол ишқибозлари уларни **«Йиқилган курашга тўймас»** деб дашном беравериб безор қилиб юборишди-ку!

## ТИЛ

Исҳоқжон.<sup>1</sup> Мулла Ғанижон, яхшиям халқимизнинг аскияси бор экан, мана сизнинг ҳам тилингиз чиқиб қолди.

Ғанижон. Исҳоқжон, мен аския қилаётганимда луқма солманг, аччиғим чиқиб сизга қўшма гап деб юборсам хафа бўлманг.

Исҳоқжон. Жўрттага луқма солдим-да, қарасам гапнинг эгасини айтасизу, кесмига ҳайрон бўлиб турибсиз.

<sup>1</sup> Исҳоқжон Уктамов — аския шинавандаси, журналист. Фарғона область Яйпан (Ўзбекистон райони) қишлоғидан, 1912 йилда туғилган.

Ғанижон. Адаштырмай туринг, яна номингизни олмоштириб, сизга **Эргаш**, бўлақлари бу, деб ўтирмайин.

Исҳоқжон. Номимни алмаштирсангиз алмаштираверинг. Сизга ўхшаган бирорта **аниқловчи** топиб оларман.

Ғанижон. Кейин мендан хурсанд бўлиб, ҳаммага айтиб юрарсиз-а, номим **аниқланмиш** деб.

Исҳоқжон. Жуда **содда гап** қиласиз-да!

Ғанижон. Бўлмаса, сиз **ёйиқ гапга** кўнасизми?

Исҳоқжон. Келинг, бировнинг **кўчирма гапига** можаро қилиб ўтирмайлик, яна сизнинг **фёлингиз** бузилиб қолмасин.

Ғанижон. Қизиқсиз-а, менинг фёлим ҳар нарсага бузилаверадими? Нима, менинг фёлим **ўтган замон** фёлимиди!

Исҳоқжон. Нега бўлмаса мендан ҳадеб сўзимнинг **ўзагини** сўрайверасиз! **Ҳозирги замон** фёлингиз шунақами?

Ғанижон. Нега менга **хитоб гап** қиласиз! Сизга мен ётиги билан **баён гап** қиляпман-ку!

Исҳоқжон. Ғанижон ака, зап гапларингиз бор-да, бир **келишиклики**.

Ғанижон. Ҳа, келишмаган гапларни эшитсам **қўш тирноғим** орасига олиб қўйгим келади.

Исҳоқжон. Ғанижон ака, ошиқманг, ҳали сўзни ҳи-жолаб гапирадиган **қавс** ойи эмас!

Ғанижон. Исҳоқжон, эҳтиёт бўлинг, бекордан бекорга мени кўрсатиб: бунинг **урғуси** бор деб юрманг.

Исҳоқжон. Ҳа, сиз ҳам эҳтиёт бўлиб юринг, хавон резги вақти келса, сизни бир **нуқта** лаб қўйишим бор.

Ғанижон. Исҳоқжон ака, бир ҳазиллашдик-да. Ҳақиқатда закий одамсиз, битта сўзни беш-олти маънода ишлатасиз. Шунинг учун ҳам мен сизни **Омоним** деб юрман-да.

Исҳоқжон. Яшанг, **Фахрли** бўлиб **Камолга** етинг-а!

## СОЗЛАР

Дадажон. Ғанижон ака, келинг энди бир кулишайлик! Мана доирани ҳам қизитиб келдим — **така-така тум** қилиб юбораверайми?

Ғанижон. Дурустсиз, Дадажон ука, доирада бўш келмайсиз, шу туришингизда **бомбиллаб** юраверсангиз, кейин **даф** бўлиб кетмайсиз ҳам.

Дадажон. Кўп йиллик хизматингиз зое кетмади, ака, мана ҳукуматимиз сизни ҳам қадрлаб унвон берди, нақ бўлмаса **ғижжак** бўлиб кетардингиз.

Ғанижон. Сиз ҳам яхши-яхши куйларни ўрганиб даврамизга кириг. Тўйма-тўй юраверсангиз: **у кал найчи** бўпти дейишади.

Дадажон. Яхши ҳунар — яхши экан-да, ака. Сиз ҳам скрипкачилигингиздан қолманг, билмаганлар: **у сур найчи** бўлипти дейишади.

Ғанижон. Мен сизни, ука, дурустроқ созанда бўлинг дейман-да, тоқайгача **қошиқ** ўйнаб юрасиз.

Дадажон. Маслаҳатларингизга раҳмат, Ғанижон ака. Минг қилса **устомузсиз!** Ҳаммаси ҳам аста-секин-да. Бир вақтлар сиз ҳам **шақилдоқ** чалиб юрардингизми?

Ғанижон. Отангизга раҳмат, Дадажон, ана шунақа **чертиб** турсам одам бўласиз-да. Гапимга **танбир!**

Дадажон. Ғанижон ака, ажойиб табиатли созанда-сиз-да, анча-мунча гап сизга тўғри келмайди. «Бор, **дуртор-сеторингга** тобим йўқ» деган гапни аччиғингиз чиққанда айтардингиз?!

Ғанижон. Ҳа, ука, **чангим** чиққан жойлари ҳам бўлган. Энди наво қилаверинг: **у най манча** эмас, деб.

Дадажон. Устозим бўлсангиз ҳам бир гапим бор. Кечирасиз, кўпчилик ичида сансираб бўлса ҳам айтаман: созларга **қўш най!**

Ғанижон. Иййи, бундан ҳам гап чиқяпти-ку, ўсиб-сиз, ука, ўсибсиз! Мен сизни ҳали ҳам ҳаммом томида саҳарлаб **дуғ** чаляпти девдим.

Дадажон. Камол топинг, Ғанижон ака, уста ҳам ўсади-да! Мен бировни кўриб сиз билан адаштирибман: мана бу **пионинна** чаляпти, деб.

Ғанижон. Шогирд деган уста олдида одоб сақлайди. Шундай **рубоб** ишлар қилингики, эл баҳра олсин — тоқайгача **қайроқ** ўйнаб юрасиз, ахир.

Дадажон. Уста, айтганингиз тўғри, мени нақ бўл-маса эгиб **гармон** қилиб юбордингиз.

Йўлдошев<sup>1</sup>. Комилжон ака, яқинда магазинингизга кирувдим, ҳамма озиқ-овқатлар бору, мен ахтарган нарса йўқ экан, жаҳлим чиқиб: тузингиз йўқ экан, деб чиқиб кетавердим.

Раҳимов<sup>2</sup>. Ҳасанхон ака, мен ҳам сизнинг магазинингизга бир костюм олай деб кирувдим, ҳафсалам пир бўлиб чиқди: менбоп чиройлилари йўқ, фақат ўзингизнинг нусхангиз бор экан, холос. Сотувчиларингизнинг фасонини кўриб қайтавердим.

Йўлдошев. Мулла Комилжон, магазинингиздаги сотувчиларга тайинлаб қўйинг, харидорларнинг табиати нозик, қингирликни тош-тарози кўтармайди — оғир келсангиз келинги, енгил келманг!

Раҳимов. Мен сизга айтган «Қўшнинг кўр бўлса, кўзингни қис» деганлардан эмасман. Магазинингиз ёнидаги «Индпошив» усталарига уқтириб қўйинг: пальтонинг этагини жўрттага калта келтириб, эгасига «чўзинг» деб ўтирмасин.

Йўлдошев. Маҳсулотларнинг уруғини кўпайтирсангиз бўлмайдами, ахир! Токайгача харидорлардан: «Магазин мудири сотувчилари билан уруғ-аймоғлашиб ўтирипти» деган гаплар эшитасиз.

Раҳимов. Ҳасанхон ака, андишани ҳам билмас экансиз, танқис молларни прилавка тагида сақлайсиз, ошна-оғайнингиз йўқми дейман.

Йўлдошев. Улгуржи савдо ҳам қилиб турамиз, сиздақа чакана қилиб юрамизми?

Раҳимов. Сиз ҳам чакана савдо қилмайсиз! Ишқилиб бошингизга растрат савдоси тушмасин.

## II

Ҳасанхон. Барака топинг, ўртоқ мудир, овқатларингиз хилма-хил. Танти экансиз, мана серёғ манти ҳам қипсиз.

<sup>1</sup> Ҳасанхон Йўлдошев — қўқонлик аския мухлиси, савдо ходими, 1929 йилда туғилган.

<sup>2</sup> Комилжон Раҳимов — қўқонлик моҳир аскиячи, 1964 йилда вафот этган.

Комилжон. Қўлингиз дард кўрмасин, кабоб — ҳамма боп бўпти.

Ҳасанхон. Ошхонада ичкилик ичишни тақиқлаганингиз яхши бўпти, бемаза нарсадан маст тавба қилгани дуруст-да!

Комилжон. Овқатларига энди маза кирипти, илгарилари шўр ва совуқ бўларди.

Ҳасанхон. Мудир ака дейман, ошпазларингизнинг ҳаммаси пазанда бўлса керак, уларнинг орасида чучварани хом санайдиганлари йўқдир-а?

Комилжон. Афтидан, ҳаммалари хўрандаларга манзур кўринадилар, агар биронтаси хамирнинг тошидан урса-чи ундан юз ўғир-а!

Ҳасанхон. Шунақа ранго-ранг овқатлар кўп бўлсин. Ҳозир ишларингиз яхши, кейин шовла қилиб қўйманглар!

Комилжон. Нима овқат сўрасангиз ҳаммасини келтириб беришади, шунча овқатларнинг ичида палов кам келди<sup>1</sup> деб ўтирманг.

Ҳасанхон. Мудир акамиз бош ошпаз билан навбатчи ошпаз ўртасидаги можаролардан хабарсиз бўсалар керак дейман, «Қозонда бўлса чўмичга чиқади» деб ўтирибдилар.

Комилжон. Официанткага тикилиб қолдингиз, ё ортган пулингизни қайтармадимиз?

Ҳасанхон. Жаҳлимни чиқарманг, тикилиб нима қиламан, ҳисоб-китоб чатоқ чиқиб, орамиз бузилиб турипти-ю!

Комилжон. Мудир ўртоғингиздан ҳам хафа бўлдим, тозалikka эътибор бериш ўрнига ошхонада ҳамма билан пашшалашиб ўтиради.

Ҳасанхон. Тошкент ошхона ва ресторанларидаги ана шунақа нуқсонларни кўргач, жаҳлим чиқди, шикоят учун атайлаб «Тошкент»дан «Зарафшон»га келсам, «Дафтар берк, мудиримиз «Фарғона» томон кетганлар», дейишди.

Комилжон. Айланиб келарман деб «Фарғона»га жўнадим. Қаранг, у жойдан ҳам таъбим хира бўлиб қайтди: бирорта «Шарқ» овқатлари йўқ денг.

Ҳасанхон. Уртоқ Раҳимов, айб ўзингизда! Ҳамма ресторан ва кафелар аҳолига бир хилда яхши хизмат

<sup>1</sup> Паловни тортиб сотилади, тошидан кам келди маъносига.

қилармиди. Ұз-ўзига хизмат кўрсатиш намуналарини «Москва»га бориб томоша қилинг-да!

Комилжон. Гапингиз тўғри. Аммо, трестлардаги раҳбар ўртоқлар аҳолига хизмат кўрсатиш тажрибасини ўрганамиз деб, фақат «Москва»га қатнайдилар, холос! Қани энди уларнинг қадамлари завод-фабрикалардаги, ўқув юртлари ва аҳоли гавжум жойлардаги ошхоналарга ҳам етса!

Ҳасанжон. Ҳа, тушундим, трестдаги ўртоқларнинг ваъдалари сувга уриб кетди десам — «Анҳор» томондан юришган экан-да! Қани энди, ваъдадан сувни олиб ташлаб, «Анҳор»ни ҳам шинам жой қилиб қўйишса!

Комилжон. Кошки даврадагилар кулкисидан музлар эриб, «Баҳор» келиб қолса-ю, ҳамма жойлар «Гулистон» бўлиб кетса! Ана ундан кейин кўринг: Савдо министрлиги аппаратидаги ўртоқлар шикоятларни текшириш ўрнига раҳматномалар ёзишдан бўшамас эдилар.

#### ДУРАДГОРЛИК

Ҳасанжон. Тоҳиржон, чопиб келганингиздан теша тегмаган гаплар топганга ўхшайсиз. Сизнинг лутфчи эканлигингизни қишлоқдагилар ҳам биладими, дейман, келиб ўтиришибди, ўтган сафар ром бўлганмиз деб.

Тоҳиржон. Тўғридиру, сизнинг ҳам рандаланган гапларингиз иштиёқда келишгандир.

Ҳасанжон. Буларнинг келишидан хурсандман. Аммо тунов куни сиздан енгилиб кетган давангирдан хавотирдаман, оёғингизга болта урадими деб.

Тоҳиржон. Колхоз дурадгорлари бригадаларга чиқмай, нуқул раисникида пол очишади-я.

Ҳасанжон. Узингиз шунақасиз, эшикдан кирмай, тешикдан танқид қиласиз. Пармали гаплар сизда ҳам кўпми дейман-а?

Тоҳиржон. Ҳа, майли, бу ёғига хафа бўлманг. Танқид қилсам дўстингизман-да. Комиссия келиб элак-элак қилса ҳам нима қилардингиз. Ишингиз остин-устун бўлади-кетади.

Ҳасанжон. Комиссия камчиликларни кўрсатгани яхши, ишга фойдаси тегади. Сиз бўлсангиз комиссия келганда ўзингизни понага оласиз.

Тоҳиржон. Турайлик энди, иш вақти ҳам бўлиб қопти. Анча кулишдик, янги учрашган ошиқ-маъшуқлардай.

#### ИУЛ

Жўраҳон ака. Фанижон ука, пойтахтимиз Тошкент қулинг ўргулсин шаҳару, баъзи кўчаларидан юриб қолсам табиатим бир оз хира бўлади-да. У куни Каттабоғ, Эшонгузар маҳаллаларига кириб борадиган «Ўзгариш» кўчасидан юриб қолсам борми, тиззамгача лойга ботдим. Сизга ўхшаб лой олиб, бизга йўл қилганлардан хафаман, холос!

Фанижон. Жўраҳон ака. Мен сиз айтган ишнинг лойини чиқарадиганлардан эмасман. Бу гинангизни шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлиғига қилинг! Сиз айтган лой яқинда ётқизилган асфальт тагидан чиққан лой. Улар шунақа йўл қилиб, сизни боши берк кўчага бошлаяпти-да!

Жўраҳон ака. Фанижон, саломат бўлинг ука, сизга бир насихатим бор: тўғри йўлдан юраман десангиз, баъзиларга ўхшаб мени бу йўлларга бошламанг! Барибир, бир кун эмас бир кун қоқинишингиз бор, ахир.

Фанижон. Тўғри айтасиз, аммо Каттабоғ, Эшонгузар маҳалла комитетларининг раисларидан гинам зўр: ариқчалар йўқлигидан водопровод сувлари асфальтларни ювиб кетмоқда, ҳовлилардан йўлларга жилага бўлиб оқаётган ифлос сувлар, тўда-тўда ахлатлар кўча ҳусини бузмоқда. Айтинг-чи, Жўраҳон ака, ҳар куни шу йўлдан юрадиганлар қоқинадими, ё сиз?

Жўраҳон ака. Камчилик, нуқсонларни кўрсатиб, танқид қилган киши қоқинмайди. Шаҳарнинг баъзи кўчалари борки, у жойлардан юргандаги қоқинишларни кўрсангиз: шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бугун бир кўчага асфальт ётқизса, шаҳар водоканал бошқармаси эртасига келиб уни бузиб, қувур ўтказиб кетади. Шаҳар телефон станцияси эса асфальтни кўчириб, столбалар ўрнатиб қўяди. Фанижон, келинг ука, икки оғиз аския қилиб қўйлик, зораки бундан кейин шунақа номаъқул йўлдан юрмасалар.

Фанижон. Бўлмаса, шаҳар ёритиш бошқармасига бориб: бизга ёқмайсизлар, фақат шаҳар бошқармаларига борадиган йўлларга чироқлар ёқиб қўйинглар, деб айтаман.

Жўраҳон ака. Уларга ёқса керак!

Ғанижон. Баъзи янги уйларда иш судраляпти. Қаранг-а, анави уйда бир уста ром кўрмоқда.

Жўраҳон ака. Пол очишдан чўчиб, сизни кўриб оқ тахта бўлиб қолди.

Ғанижон. Хели иш кўрган устага ўхшайсиз-а, бино битгану, сир бермайсиз!

Жўраҳон ака. Қурилиш трестидаги инженермисиз дейман, шу чала-чулпа битган уйнинг деворига суяниб ўзингизни оқлаганингиз-оқлаган!

Ғанижон. Э, Жўраҳон ака, қурилиш трестидаги раҳбарларга суяниб гапирманг, сирингизнинг кўчгани қолади!

Жўраҳон ака. Ғанижон, сизни ҳеч йўлга солиб бўлмайди-да. Шу вақтгача Оқтепага бориш йўлини билмайсиз-а!

Ғанижон. Жўраҳон ака, менга ўзингиз йўл кўрсатинг. Автобусга чиқиш амри маҳол! Яна, Оқтепага борадиган бўлсанг йўлинг очиқ деганингиз ошиқча!

Жўраҳон ака. Ана трамвай! «Такси»да боришингиз шартми?! Шаҳар транспортининг иши изга солинган дейсизми? Унчалик бўлмаса керак, нега десангиз «Такси-мотор» машиналари йўлга тушар-тушмас трамвай изидан чиқиб кетади! Жўраҳон ака, изма-из борсангиз, зораки изга тушиб қолса!

Жўраҳон ака. Ғанижон ука, бас энди, йўлма-йўл юравериб чарчадик, келинг дам олайлик. Яна бир учрашганимизда шулар айтадиган ашула йўлдан юрамиз.

Ғанижон. Жўраҳон ака, минг қилса ҳам устасиз-да, йўлингизнинг бирам кўплиги-ей!

Жўраҳон ака. Саломат бўлинг, Ғанижон ука! Шогирдимсиз-да, доим айтаманки, яхши йўлдан юринг, деб.

## ШАХМАТ

Охунжон. Эркинбой ака, ҳамма сизга назар соляпти, ҳадеб шоҳона юришлар қилаверасизми, бирор марта пиёда юриб қўйсангиз-чи!

Озод ака. Мулла Охунжон, Эркинбойга унақа дегангиз, у кишининг феъли ёмон, пиёдани кўрди, бўлди, сипоҳгарчилик қилиб нариги чеккага суриб қўядилар.

Охунжон. Ҳали Эркинбой ана шунақа шоҳмилар,

бўлмаса мен билан ўйнасинлар — руҳларини ўзим қочираман!

Эркинбой. Шахмат ўйнаган одам от ўйнашни ҳам билади-да! Охунжон отимни оламан деб, руҳимни кўтариб юрибди.

Озод ака. Охунжон сипогарчилик қилгандир. Лекин сиздақаси бўлмайди. Эркинбой ака ўзларини бўлар-бўламаса филдай қилиб кўрсатадилару, йўлларини бирор пиёдакаш тўсиб қолса, гинг деярмай ўтирадилар.

Охунжон. Унинг устига Эркинбой акамнинг мақта-нишларини айтмайсизми: отим очмас, деб.

Шавкатжон. У кунини Эркинбой ака: «Шоҳимнинг ҳам кўзи очмас» дедилар, гапларига ишонмадим — то ўзим бориб пиёда билан фарзинни уриб, кўзини очиб қўймагунча!

Эркинбой ака. Шахмат деганни бир киши билан бир киши ўйнайди, ҳаммаларинг Охунжонга ўргатавериб, мени мот қилмоқчимисизлар? Боринглар: «кишт-кишт»га тобим йўқ!

Озод ака. Охунжон сизга жўрттага «кишт» деяпти, эҳтиёт бўлинг, сизни бурчакдаги катакка тикмоқчи!

## ФУТБОЛ

Ҳусанжон. Комилжон ака, минг қилса ҳам иккимиз тепишиб катта бўлганмиз, сизнинг футболчилигингизга қойил эмасман, ҳозиргача ақалли оширишни ҳам билмайсиз.

Комилжон. Бирга тепишиб катта бўлганмиз дейсизу, лекин фақат менга эмас, команда ўйинчиларига ҳам чан бериб юрасиз. Яна бизга алдашга устаман дейсиз.

Ҳусанжон. Тўп ўйнайдиган асл футболчи бўлсангиз — ўйинчилигингизни кўрсатинг-да! Алдаб олиб юрсам, аччиғингиз келиб, дарров калла солиб юборасиз?

Комилжон. Уйин қондасини ҳали ҳам билмайсиз шекилли, оёқ қолиб қўл ишлатасиз. Ё фирромликни қўл текканда ишлатасизми?

Ҳусанжон. Ҳа, пойлаб туриб бурчакдан уришга устасиз-а!

Комилжон. Эҳтиёт бўлинг, чаққонлик қиламан деб ҳисобини ўзингиз очиб қўйманг.

Ҳусанжон. Комилжон, ким айтади сизни уста фут-



болчи деб! Ҳозиргача «А» классга ўтолмасиз. Ё биров чалиб қўйганми?

Комилжон. Ҳа, тренер билан келишиб, ўзингиз «А» деб юрибсиз. Биз ҳам ўтиб олардик, лекин у кунги ўйинда бизни анча қоқинтириб қўйдингиз.

Хусанжон. Команда аъзолари билан қовушиб ўйнашни билмайсиз. Қувди-қувди вақтида судралиб қоласиз. Ушанинг учун сизни ўйин вақтида аутга чиқариб юборишди-да!

Комилжон. У кунги ўйинда ўн бир метрликни ура олмадингизу, штрафни нуқул бизга тўлатасиз!

Хусанжон. Хаҳ Комилжон-ей, ўйин вақтида сизни албатта туртиб туриш керак-да! У кунги ўйинда бир туртсам тўпни штангадан ошириб юбордингиз.

Комилжон. Тўпни ётиб олишни билмасангиз дарвозабон бўлиб нима қиласиз?

Хусанжон. Мен ҳам сиздақа дарвозабондан куйдам. Дарвоза олдида сизни ҳимоя қилиб турсам, ўзингиз тўрнинг ичида юрибсиз. Ё аралашига олиб уришганмиди?

Комилжон. Мен ҳам уста дарвозабонман. Менга тўп ушлаш ҳеч гап эмас — олдимизда биринчи ҳимоячим бўлиб сиз турибсиз-ку!

Хусанжон. Тўп ушлашингизнинг ҳеч мазаси йўқ. Сизга иккинчи ҳимоячилик қилмайман.

Комилжон. Бизга ҳимоячилик қилолмасангиз ҳужумга ҳам тобингиз йўқ экан-да! Шунақа қилаверсангиз сизни бундан кейин ўнг қанотимга ҳам олмайман, чап қанотимга ҳам олмайман.

Хусанжон. Гапингизга қараганда «Пахтакор»да ўйнайсиз шекилли, тез-тез алмашилиб туришингиздан — учинчи ҳимоячимисиз дейман!

Комилжон. Майкангизнинг орқасига «5» ёзиб қўйиштипти. Ўйнашингиздан беш кетадиган ярим ҳужумчига ўхшайсиз.

Хусанжон. Номер кўрсатишингиздан марказий ҳужумчига ўхшайсиз!

Комилжон. «Пахтакор» командасига сиздақа уста ўйинчилар керак. Хусанжон, бир илож қилиб командага кириб олмасангиз бўлмайди. Бўлинг, дам «А», дам «Б» деб юрасизми!

Хусанжон. Тренерингизга айтиб қўйинг, қишни-қиш, ёзни-ёз демай ўргатсин, бўлмаса дурангга ҳам ярамай қоласиз!

Комилжон. Тренерингизга айтиб қўйинг, сизни яхшироқ ўргатсин. Команда машқларида кўринмай, ҳадеб бежо юраверсангиз, кузга бориб командангиз билан наст-ки катакка тушиб қоласиз.

Хусанжон. Тренерингизга айтиб қўйинг, сизни ҳам яхши ўргатсин. Команда аъзолари билан аҳил бўлиб ўйнамасангиз охирида «А» деб қоласиз.

Комилжон. Хусанжон, футбол деган нарса саломатликни талаб қилади. Яна, вақти-бемаҳал, иссигингиз 76 градусга чиққанда майдонга тушиб юрманг, ишқибозлар буталка отиб қолишади!

Хусанжон. Сиз ҳам ўзингизга эҳтиёт бўлинг, ҳадеб чалама-чакки ўйин қилаверманг, ишқибозлар аҳволингизга ҳуштак чалиб юришмасин.

Комилжон. Энди бўлмади! Мен сиз билан «Уртоқлик учрашуви» вақтида уришиб қоладиганга ўхшайман. Бизга битта Одил судья керак — ўшанга ҳуштак чалдинг!

Хусанжон. Битта судья сизми? Ҳуштак чалинаверилганидан судьяликдан чиқиб кетдингиз.

## ШОИРЛАР

Расул домла. Мамарозиқ ака, мана Нодира шеърини ҳам эшитдингиз, Завқингиз келдими шунга?

Мамарозиқ ака. Ҳа, домла, бунақа шеърларни эшитиб маза қилмоқ учун шунақа суҳбатларимиз Муқим бўлиб турса экан.

Олимжон ака. Байти таъсирли, хўб нодираи Даврон эканми?

Расул домла. Олимжон акам ҳам чакана шоир эмаслар, баъзан шунақа Навоийлик қиладиларки!

Мамадали қори. Олимжон ака, мақтовингизга қараганда унча-мунча шоир эмас экансиз, шунча одамлар шеър айтинг дейишяпти, Фироқ қилмай айта қолсангиз-чи!

Олимжон ака. Жўрттага айтмай ўтирибман-да, шунини ҳам Журъатини бир кўрай деб.

Расул домла. Олимжон ака, шоирлар номидан гап-лашаверганингиз маъқул. Кулишар эканмиз деб, Тошкентдан Мунис одамлар келишган.

Мамадали қори. Кулгилар-ку анчадан бери бўл-  
япти-я, лекин ҳалигача ўртада бир **Чарх** кўринмайди.

Олимжон ака. Дастурхон мўл-кўл, лекин мен бир  
нарсанинг поёнига ета олмаётиман. Мамарозиқ гапни  
тоблаб-тоблаб гапиряпти, айтинглар-чи, бу кишида **Хислат**  
борми ўзи?

Қодиржон ака. Хислати бор учунми дейман, суҳ-  
батимиз **Фазлий** бўлаётир.

Расул домла. Найманчага сизлардақа шоирларни  
кўргани келганмиз. Олимжон ака шоирларнинг **Анийсига**  
ўхшайдими?

Қодиржон ака. Ҳа, бу киши шунақа **Атойи** одам-  
лар?

Мамадали қори. Бу кишини унақа десангиз ҳам  
бўлаверади, бунақа десангиз ҳам, **Оразий** келмайди.

Қодиржон ака. Олимжон акага ҳайронман, икки  
сатр шеърни ёдлаб олиб, отларини **Амирий** қўйиб олибди-  
лар.

Олимжон ака. Мен ҳам Қодиржонга ҳайронман,  
бир йўл газалини мондалаб айтолмайди-ю, отини **Машраб**  
қўйиб олипти.

Мамарозиқ ака. Мана Турсунбува ҳам эшикдан  
кириб келдилар: **Маҳзуналари** бўламан, деб.

Турсунбува. Қарасам суҳбат авжида, киравердим-  
да, ҳижронда ўтираманми **Фарибингман** деб.

Мамарозиқ ака. Қодиржон аканинг **Ками** йўқ,  
жуда **Низомий**да гапирадилар.

Қодиржон ака. Низомдан чиқмаймиз-да, ора-  
мизда сиздақа бир **Шўхи** бўлса.

Олимжон ака. Биров икки оғиз гап гапирса бўлди,  
Қодиржон дарров **Махмур** бўлиб кетадилар.

Қодиржон ака. Ҳавонинг иссиғидан Олимжон ака  
дўппиларини қўлларига олган эканлару, мен ўзлари **Мис-  
кин** бўлиб қолдилармикин, дебман.

Мамарозиқ ака. Қодиржон ака талинкани олиб  
ашула қилиб юборсалар-а **Ҳофизман** деб.

Қодиржон ака. Мулла Олимжон дўппини кўтариб  
бизга кўрсатсалар, **Низемикан** дебман.

Расул домла. Мамарозиқ ака кайф қилиб қолипти-  
лар, ё **Жом** билан ичганмилар?

Олимжон ака. Мамарозиқ ака, бағи жойида бўлиб  
қолган экан-да, ўзларида **Ҳикмат** пайдо қилиб қолиптилар!

Мамарозиқ ака. Ҳа, тақсир, гапингиз **Лутф**.

Жўрахон ака. Ижроқўм ота!

Турсунбува. Лаббай, Жўрахон ака.

Жўрахон ака. Болаларингиз жуда дангаса, ялқов  
бўлиб кетибди. Мана бу Махсумни бирорта ҳунарга бера-  
сизми, ё шундай юраверадими?

Турсунбува. Энди ўзининг муҳаббатига қарайди-  
да! Мен неча кундан бери бирорта ҳунарга берай десам,  
«Қўйинг ота, мен сизнинг давлатингизда ўйнаб юрганим  
яхши», дейди.

Жўрахон ака. Ҳа, ўйнаб юрганим яхши дейди-да,  
ахир! Шогирдингизни эркалатиб ўқитмай, кўчама-кўча  
**сакиллаб** юрадиган қилиб қўйдингиз-да.

Ганижон. Аминбува, бунингизни ишга бериб, қўлини  
қадоқ қилиб, сал меҳнатга ўргатмасангиз, сизнинг эрка-  
тойингиз бўлиб ўйнашга ўрганиб қолади.

Гойиб ака. Ижроқўмбува, ана шунақа қилиб бола  
ўстирганингиз учун айб ўзингизда! Аққа-баққа юрадиган  
бўлиб қолипти. Далада ишлатсангиз бўлмайдими, **бўйни**  
**бўйинтўриқбоп-ку!**

Обила ака. Мана шунинг учун Ижроқўмбувадан гина  
қиламан-да! Бир қишлоқдамиз, бир колхоз ариғидан сув  
ичамиз. Биттагина ўғил. Эрка қилиб ўстирган. У куни дала-  
да оқучникни етаклаб бер десам, оқучник ҳам қолди, от ҳам  
қолди, ўғли йўқ. Айб ўзингизда, **думини** тугиб қўйма-  
гансиз!

Жўрахон ака. Болаларингизни яхши тарбия қилиш-  
ни билмагансиз!

Турсунбува. Кўнгилчанман. Ушаники.

Жўрахон ака. Кўнгилчансиз, буни эркалатиб қўй-  
гансиз. Мана, битта болангизни ёшлигида докторга олиб  
бормапсиз, теvasидан ҳамма ёғи чатоқ бўлиб ётибди.

Мамарозиқ ака. Ижроқўмбува, мана, ўғлингиз  
Махсум ҳам катта йигит бўлиб қолди. Қўлга олсангиз ҳали  
ҳам кеч эмас. Токайгача ишла деса ишламайди, ўқи деса  
ўқимайди, бу — **калтатойингиз!**

Махсум ака. Тўғри айтасизлар, айб онамда, мени  
эркалатиб қўйганлар. Боланинг яхши бўлиши онанинг тар-  
биясига қарар экан. Мен онамнинг тарбиясида эрка ўсган-  
ман. Дадам ҳам ҳеч ишлатмаган. Мана онам эликка кириб  
қолди, лекин на колхозда ишлайди, на бирор ташкилотда!  
Қўли чайқовчиликдан бўшамаса ман нима қилай.

Жўраҳон ака. Тўғри, онасида ҳам айб бор. Уғлини кинна солиб юриб боқяпти.

Турсунбува. Уғлим энди сўқимдай бўлиб қолди, кинна пули ҳам етмаяпти. Энди менга бунақа бош оғриғи керакмас.

Махсум ака. Ижроқўмбува, меҳнатсиз яшаб юриш уят экан. Иккаламизга ҳам эп эмас. Қани, эртага ишга!

### КУҚОН ҚИШЛОҚЛАРИ

Турсунбува. Мамарозиқ ака, Николай замонида яхшиям ўша қишлоққа ўтмаганингиз, нақ бўлмаса **Қирқ кетмон** қилиб юборишарди.

Мамарозиқ ака. У замонларнинг нимасини айтасиз, тўғри одамни ҳам **Якка** тут дейишарди.

Турсунбува. Ҳа, ўша вақтларда **Султон** қишлоқда эди-да!

Мамарозиқ ака. Камбағалларга қийин эди, манави **Болта овулда** ҳеч турмас эди.

Турсунбува. Энди дориломон, колхозчилар яйраб қолди: қарз **Тўлаш** йўқ.

Мамарозиқ ака. Ҳа, ер кўп энди, экин-тикин сероб. Сиз айтган **Эски қўриқлар** йўқ бўлиб кетган.

Турсунбува. Колхозда сиз ҳам яйраб қолдингиз — **Товуш** чиқариб.

Мамарозиқ ака. Яйрашиб, бир дам олайлик деб сизни сўраб борсам, **Янги қишлоққа** кетишди дейишди.

Турсунбува. Иш кўп, сиздақа бир жойда ўтирамани **Капа** тикиб.

Мамарозиқ ака. Сиз ҳам ишдан кейин ҳордиқ чиқаринг-да, кўлингизга папиросни тутатиб берайми — **Узун чек** деб.

Турсунбува. Мен сизга ўхшаб тутун қайтармайман, йўқ демай мен билан юраверинг: **Томоша қишлоқда** бўлади.

Мамарозиқ ака. Томошақишлоққа бориб соз чалиб ўтирсангиз-а: **Найманча** наво қилади деб.

Турсунбува. Қулоғимга нағмалар эшитилди ё **Беш эчки** билан кета турувдингизми?

Мамарозиқ ака. Бирданига эчкилар маъраб юборишди-да, йўлдан **Каламуш** чиқиб қолди.

Турсунбува. Бирга қўшилиб кўча чангитган **Кўк дўппилик** сизмидингиз?

Мамарозиқ ака. Кўздан ғойиб бўлиб қолдингиз, подадан қўрқиб **Айритомга** чиқиб олган экансиз-да!

Турсунбува. У сиз айтган қўй-эчкилар ферманики. Сугоргани олиб кетаётибман, сиз томонга буриб қолайми — **Катта қайнар** экан деб.

Мамарозиқ ака. Каттақайнардан **Ойдинбулоққа** ҳам ўтасизми — **Қақирлаб**?

Турсунбува. Энди сиз айтган қақирлар йўқ бўлиб кетган, кўзингизни **Қум босди** шекилли. У жойларда **Пахта қайнар**!

Мамарозиқ ака. Ҳа, шунақа денг, билмаган эканман. У куни сўраб олай деб уйингизга бориб чақирсам: **Ойим қишлоққа** кетган дейишди.

Турсунбува. Бориб, сизни ўша қишлоқдан суриштирсам: **Соч тепада** дейишди.

Мамарозиқ ака. Мен ҳам бориб сизни суриштирсам: **Карим девона** йўқ дейишди.

Турсунбува. **Навбахорга** овора бўлиб бориб юрибман: айтиб ҳам қўймайсиз, **Ачавотда** экансиз.

Мамарозиқ ака. Ҳафсала билан бориб кўриб келдим, бу ердагилар колхозда ўтроқ бўлиб қолишипти. Узингиз **Пастқуруқдан** чиққанмисиз?

Турсунбува. Колхоз бўлганимизга ўттиз йил бўлди, сиз ҳали ҳам **Мўй** муборак деб юрибсиз.

Мамарозиқ ака. Қишлоқнинг номи ҳам ўзгариб обод бўлиб кетган денг. Қани бўлмаса **Фрунзе** билан **Ўзбекистон** орқали **Ленинградга** ўтиб келайлик.

### НАМАНГАН ГУЛЛАРИ

#### I

Солижон<sup>1</sup>. Мана, мулла Иброҳимжон ҳам Тошкентдан Наманган боғига очилиб келдилар, энди бу кишини олиб қоламиз — **гуллар сараси** деб.

Ҳалил ака<sup>2</sup>. Таги билан кўчириб келишганми дейман, отларини **картошка гул** қўйишипти.

<sup>1</sup> Солижон Отажонов — наманганлик журналист, аския мухлиси. 1910 йилда туғилган.

<sup>2</sup> Ҳалил ака Дўстматов — лутфчи, савдо ходими, 1913 йилда туғилган.

Иброҳимжон. Шу боққа ярашармиканман, мана бу тувак гуллар ёнида турсам.

Ҳалил ака. Иброҳимжон! Сиз биздан ҳам яхши гулсиз, ярим кечада ҳам гулнавозшомдай очилиб тураверасиз.

Иброҳимжон. Очилсам очилавераман-да мана бу гул қатма-қатлар ичида.

Солижон. Сизни олиб келганлар яхшигул деб мақташяпти, яна гулибеор чиқиб қолманг!

Иброҳимжон. Бизни унақа гул деманг, парвариш талабмиз, ёлчиб қоласиз: **гултожихўрозмиз**.

Мирзахон<sup>1</sup>. Гулбоғимизни эҳтиёт қиламиз-да, гулларнинг сараси яна хашаки чиқиб қолмасин деб.

Иброҳимжон. Зеҳн солиб қарасам, сиз ҳам ажойиб келиб жамбул дейми?

Расулжон. Шўхий домланинг боғда ловиллаб ўтиришини кўрганлар лолагул дейишади-да.

Иброҳимжон. Солижон аканинг пастаккина бўйини кўриб қолганлар ўсма гул дейишади-да.

Мирзахон. Иброҳимжон бундан бирор ой илгари келганларида гулчечак дер эдик.

Солижон. Ҳозир келганлари ёмонми, гулчимиз хурсанлар-кў, бўтакўзим келди деб.

Иброҳимжон. Расулжон домла, яхшиям келганимиз, дилимиз очилди, мана бу қизил гуллар ичида.

Мирзахон. Боғ хушбўй бўлиб кетди, мана бу атир гул сочиб ўтирипти!

Иброҳимжон. Шўхий домла, ҳалиги икки оғиз гапга хафа бўлдингизми, булар тикангул экан деб.

Шўхий. Йўғ-е, биз унақа демаймиз гулларнинг сада-сига!

Мирзахон. Иброҳимжон, мақтовингиз оламга тарқалди, ҳақиқатан ҳам гулихиром экансиз.

Иброҳимжон. Нима десаларинг дейсизлар-да, гулна гуллар ичида қолдим!

Солижон. Ҳалигидай яйраб-яшнаб очилаверинг: қирқ оғайнилар орасидасиз.

Иброҳимжон. Айтдим-а, Солижон ака ҳам оғайнилар орасида ихчам бўлиб ўтириптилар, даста гулга ўхшаб.

Мирзахон. Бўйингизга солиб қўяйми, чамбар гул деб.

Иброҳимжон. Қўлингизни чаман қилиб юборайми хинагул деб.

Солижон. Иброҳимжон, гапларингиздан баҳри очилиб Солижон сизга битта дўппи кийгизсинми: чекма гул деб.

Иброҳимжон. Кўз-кўз қилиб юрсам-а: Раъногул деб.

Солижон. Иброҳимжон биродар, ростини айтинг, бизни авраб қўйяпсиз, ё жингулмисиз?

Мирзахон. Иброҳимжон ака, эрталаб менга қарайсиз, кун ботишда Солижонга қарайсиз, ростини айтинг, нима сиз, ё гулнофтобпарастмисиз?

Иброҳимжон. Ол-а, бизга тоза ёпишди-ку мана бу бойчечаклар!

Солижон. Ёпишамиз-да, бинафшагул бўлганингиздан кейин.

## II

Жўрахон ака. Ижроқўмбува, боғ-роғлардан, мевачевалардан гаплашдик, келинг энди гул-булбуллардан ҳам гаплашайлик. Сиз қанақа гулсиз?

Турсунбува. Менми, мен намозшомгул.

Жўрахон ака. Намозшомгулмисиз, мен адашибман, бемаҳал очиладиган карнайгулмисиз дебман.

Мамарозиқ ака. Жўрахон ака, шунақа ҳурмат-иззатга сазовор кишисиз, кўрганлар сизни шунча гуллар ичида гултожихўроз дейди.

Жўрахон ака. Манави қўконлик бежирим Мамарозиқ акани кўрганлар гуллар ичида Хусни Юсуф дейди.

Турсунбува. Ёшим анчага бориб қолди, ҳеч сўлмайдиган гулман, Мамарозиқ ака боп асалари ейдиган янтоқгулман. Махсум, сиз қанақа гулсиз?

Махсум ака. Ҳаммага дори гулман, баҳорда гуллар тагида сув ичиб ётадиган момақаймоқгулман.

Обила ака. Мен ҳам ажойиб гулман, гули қатма-қатман.

Жўрахон ака. Обила акам ўзларини унақа гулман, бунақа гулман дейдилару, ёнларига бориб бўлмайди — сассиқкана гуллар.

<sup>1</sup> Мирзахон Исмаилов — Наманган театрининг артисти, ўткир аскиячи, 1914 йилда туғилган.

Обилака. Жўрахон ака устозимиз, ҳаммага маъқул одам, оғайниси ҳам кўп, қирқ оғайнисидан бири мен бўламан.

Махсум ака. Жўрахон ака унақа гулмаслар. Жудаям чиройли гуллар! Мактаб болалари эрта баҳорда томогича лой чаплаб юрадиган бойчечак гуллар.

Жўрахон ака. Мен ҳам сизларнинг қаторларингда гулим-гулим деб юрибман-ку!

Турсунбува. Махсум ака, гулим деб Жўрахон акани жудаям мақтадиларинг. Мен ҳам мақтайми? Бугдойлар ичида очиладиган Лолахоним шу-да!

### НОВВОЙЧИЛИК

Жўрахон ака. Мамарозиқ ака, аскияни бошлайверинг, ана хамир учидан патир ҳам келди.

Мамарозиқ ака. Шунақами, хўб бўлипти. Сиз ҳам аскияга қўшиласизми, ё тоғорадан ошиб, кўпчиб ўтирасизми?

Ғанижон. Жўрахон ака, кетишингизда мана шу Махсумни ҳу анаву Охунноввойга қолдириб кетасиз, тандирдан яшси кўчиб юради, минг қилсаям зуваласи тоза-да!

Шоолим<sup>1</sup>. Махсум аканинг айтганингиздай зуваласи тоза, нега десангиз — муштни кўп еган.

Махсум ака. Шоолим ака, тўғри айтасиз, хамир қанча мушт еса — шунча пишади. Аммо, бу сафар нон ёпишда жичча шошилибсизлар. Хамирни бўшроқ олиб, кўпиртирмай ёпганакансизлар, мана Мамарозиқ акага ўхшаб ноннинг бетини гул босиб кетипти.

Мамарозиқ ака. Гул ҳам босмас, жағингизга ёпганда оқиб ҳам тушмас эди-ю, ҳамма айб ўзларингда экан. Нега совуқ сувга хамир қилдиларинг, ахир, тандирда хамир турш бермайди-да!

Махсум ака. Мамарозиқ ака, бўлар иш бўлди, харидорлар кутиб қолишди, жиндак урпоққа юмалатиб олсак ачиганингиз билинмай кетади.

Турсунбува. Ҳой Мамарозиқ, ҳой Махсум, қўйинглар энди жанжални, ун тамом бўлди, энди гардини ҳам

чиқарасизларми. Сизларни ўзим ясаб, ўзим ёпиб қўя қолсам деб турибман, негаки, жуда тобиға келиб қолибсизлар.

Жўрахон ака. Ижроқўмбува, Душанбанинг новвойлари сизга ўхшаган жуда шинаванда экан-да, қаранг-а, Мамарозиқ аканинг бетига кунжут ҳам сепишипти.

Ғанижон. Жўрахон ака, қўлингиз билан ушлаб, кўзингиз билан кўриб гапиринг-да! У дона-доналар кунжут эмас, чакчининг ўрни!

Орифхон. Жўрахон ака, мен Ғанижонга қойил келмадим, нимага десангиз, Мамарозиқ акани кўрсатиб патир дейди-ю, ўзи гиж-да!

Ғанижон. Ижроқўмбува, ҳо Ижроқўмбува! Жўрахон ака икковларинг Орифхон билан мени ора очиқ қилиб қўйинглар, ё у ёғлик, ё бу ёғлик бўлсин.

Орифхон. Хамирга солиши икки юз грамм маргарин ёғу, яна пичоқ ургин ҳам дейди.

Шоолим. Мен буларнинг қанақа нонлигини тушунолмай қолдим. Бир-бири билан уришиб, бири — ширман дейди, бири — оби!

Ғанижон. Жўрахон акани қанақа нон десам, бўл ука дейди.

Жўрахон ака. Хайрият, Ғанижон ҳам гапирди, мен сувга тушган оби нондай увиб ўтирганмикан дедим.

Ғанижон. Жўрахон аканинг нонидан сира олманглар, ўзига ўхшаган суви қочган.

Шоолим. Устанинг суви қочган бўлса, магазинга олиб чиқиб ўтирманг, Ғанижон уни офтобга солса яна ҳам қотиб кетади!

Турсунбува. Оббо қурмағурлар-ей, Жўрахон акани Душанбада ҳам сувини қочирдиларинг-а!

### ЧОЙ

Ғанижон. Оталар чойхонаси шинам, чойи ширин. Маҳмуджон, чой олиб келишса яна қайтариб ўтирманг.

Маҳмуджон. Фамил устига кўк чой дамлаб келсангиз айтаман-да: олиб бор Ғанижонга, ўзи қайтарма деган деб.

Орифхон. Маҳмуджон, чойи дуруст деб ўзингиз шама қилган эдингизу, яна самоварчига дўқ урасиз: шама-сини тукиб ташланг, деб.

<sup>1</sup> Ака-ука ҳофизлар Шоқосим, Шоолим ва Шоакбар Шожалиловлар Тошкентда Фаргона аския усулини ривожлантиришга кўп ҳисса қўшдилар.

Жўраҳон ака. Қаёғданам Ғанижон самоварчи бўлиб қолипти-ю, мана бизга чойни аччиқ қилиб беряпти.

Ғанижон. Чойни эзиб ичишингизни биламан-да, у куни менга чой уқалаб бергансиз.

Жўраҳон ака. Ғанижон, ўшанақа қилмаса бўлмайди, чойингизнинг мазаси йўқ, ўтга қўйса дарров айнийди.

Маҳмуджон. Чой айнимасин десангиз, сувни яхшироқ қайнатинг, чойхўрлар доғда қолмасин ахир.

Жўраҳон ака. Яхши қайнатаман дейди, бунинг ҳеч доғини кўрмайин-а!

Шоқосим ака. Ғанижон, Жўраҳон акага қайнатаман дейсизу, ҳадеб тагини кавлайверасиз.

Маҳмуджон. Ғанижон, самоварни ҳадеб титқилайверманг, ўтхонаси ишдан чиқиб қолади.

Жўраҳон ака. Утхонаси жойида, ичи юришмаяпти, жўрагидан бир пуфланг, зораики юришиб кетса.

Шоқосим ака. Ғанижон, катта бакларнинг чойи ширин бўлмайди, ичи қотиб қоларкан.

Маҳмуджон. Мана Ғанижон ҳам ишдан чиқди. Энди чойни қозонда қайнатиб, ёглиқ ишлайверади.

## ОШҚОВОҚ

Қодиржон ака. Аминбува, ҳу анави ошпазни кўрдингизми, қовоқ ошга керак деяпти.

Аминбува. Мулла Қодиржон, аввал мева-чевалардан олсангиз-чи, дарров ош қовоқсиз бўлсин демасдан.

Қодиржон ака. Бўлмаса, ёз меваларидан сиз ҳам еб-еб олинг, қовоқошсиз кетасиз.

Аминбува. Ҳо Икромиддин, Икромиддин ука ҳой! Қодиржоннинг гапларини эшитяпсизми? Атайлаб шаҳардан чиқиб қовоқошсиз кетмайлик дейдилар, ошқовоқдан қовоқош қилиб қўя қолинг.

Қодиржон ака. Икромиддин, бу ёққа қаранг, бизга пиширишингиз битта ош, қовоқ ҳам соласиз-а!

Икромиддин. Қодиржон ака, сизлардақа азиз меҳмонларга атаб ҳар хил овқат қилганмиз: бу шўрва, ош қовоқда.

Аминбува. Мулла Икром, Қодиржон акадан ташвиш қилманг, бу кишига ош қовоқдан олинса бўлди.

Қодиржон ака. Аминбува, ажойиб хушфеъл одамсиз-да, индамай олаверасиз: ошга қовоқ солинмайди деб.

Аминбува. Сиз ҳам индамай тушираверсангиз-а, қовоқдан ош яхши деб.

Қодиржон ака. Сиз ҳам индамай тушираверсангиз-а, ошдан қовоқ яхши деб.

Аминбува. Сиз ҳам индамай тушираверсангиз-а, қовоқ ошми, ош қовоқми деб.

Қодиржон ака. Сиз ҳам индамай тушираверсангиз-а, ош қовоқдан бўлади деб.

Аминбува. Сиз ҳам индамай тушираверсангиз-а, қовоқдан ош бўлади деб.

Қодиржон ака. Нафси бузуқлик қилиб, Икромиддин пиширган ошни паққос еб ташласангиз-а, ортиб қолса ош қовоққа сиғмайди деб.

Аминбува. Тирикligимда еб олай деб, бир қозонни туширсангиз-а, ош қовоқдан кетади деб.

Икромиддин. Қўйинглар, қовун сайилигиз келгансизлар, бунақа совуқ гапирманглар. Қаёқдан ҳам тансиқ овқат қиламан дедим, бир оз у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиринглар, бошқа овқат қиламан: қовоқ — сиз!

## САФАР

Иброҳимжон. Тирсак қилганимда мудрамасдан кўзингизни очинг, Занги отангизни кўрасиз.

Ҳабибхон<sup>1</sup>. Эски Қовунчилигингизни ташланг, Янги йўлдан жўнайверинг.

Иброҳимжон. Йўл-йўлакай янги қурилишларга назар солиб боринг, оппоқ уйдагилар Чин-нозлик!

Ҳабибхон. Бепарво ўтиб кетаверманг, сўранг-чи: далаларни яшнатган Сирдарёмикин?

Иброҳимжон. Сиз ҳам тузукроқ қаранг-чи: эски дўстингиз Мирза чўлдамикан, ё Янгиердамикан?

Ҳабибхон. Бай-бай, шамоли қурсин дер эдингиз, энди зеҳн билан бундай қаранг-а, ҳу анави шаҳарга Ҳавосингиз келади!

<sup>1</sup> Ҳабибхон Аъзамов — аския шинавандаси. Қўқонлик, 1914 йилда туғилган, хизматчи.

Иброҳимжон. Ху анови азим шаҳарни кўрдингизми, Бек ободмас, Пўлат обод!

Ҳабибхон. Биродар, ҳали чарчаганингиз йўқдир, Жиззахда тўхтаб ўтайлик, Чанг олмақчи эдим.

Иброҳимжон. Ҳа, майли, туша қолайлик, бу шаҳарда сув кам, чанг кўп дейишади.

Ҳабибхон. Тошкентда Самар қандай шаҳар, деб сўраганингизда Самар қандай шаҳар деб айтмаганмидим. Ивирсиманг, Самар қанда-ю деб.

Иброҳимжон. Сиз ҳам уйқусираманг: Темур дарвозасини очмаётир деб. Ана: «Самарқанд сайқали рўйи замин аст».

Ҳабибхон. Улуғбек яшаган шаҳар шуми? Офариин! Айтдим-а, яқинлашган сари юлдуз санаяпсиз деб.

Иброҳимжон. Ҳа, айтгандай, Самарқанд пивосини мақташарди, чанқов босди қилмаймизми?

Ҳабибхон. Бажонидил! Пивоси — сироп.

Иброҳимжон. Нуқсон топасиз-а! Қани жўнадик! Каттақўрғон ёғ заводи гудок чаляпти.

Ҳабибхон. Айтганча, Каттақўрғон кўкалам-ворми?

Иброҳимжон. Айтишларича, кўкаламга зер экан.

Ҳабибхон. Бўлмаса юринг, Бухорога кетдик. Каттақўрғонга тушмаганимизга ўзингиз Зоминсиз!

Иброҳимжон. Қайтишда тушсак Қаршилиқ қилмай-сизми?

Ҳабибхон. Ҳадеб Қарши, Қарши деяверасиз! Комсомол кўли қурилса, водопровод кенгайтирилса — кўчага сув сепгандай бўларди. Ушанда қаршилиқ қилмас эдим.

Иброҳимжон. Ҳабибхон ака, бу томонларга қилган сафаримиз чакки бўлмади-а?

Ҳабибхон. Орзиқиб кутган Китобимизни ҳам топдик. Келинг бўлмаса, бир ҳордиқ чиқарайлик: Шаҳрисабз экан-да!

Иброҳимжон. Бу шаҳарда Термизак олма топилармикан?

Ҳабибхон. Мева-чеванинг жойи — Конн бодом, қани энди Фарғонага!

Иброҳимжон. Ишлар — аэроплан! Ҳабибхон ака, ху анави шоҳи белбоғни кўряпсизми, Фарғона водийсига ярашиб тушган Катта Фарғона қанали эмасми? Жавоб бера қолсангиз Асақангиз кетадими?

Ҳабибхон. Ширин хаёлимни бўлмасангиз-чи, Пахтага кон Андижон деб турувдим.

Иброҳимжон. Хаёл суриб ўтиб кетаверибсиз-да Кўқон гулбоғига тушмай.

Ҳабибхон. Жўра, мунча тебранасиз, бу ёққа қарасангиз-чи: осмонни кўтариб турган азамат дарахтлар остидаги гўзал Фарғонани кўряпсизми?

Иброҳимжон. Чўнтакдаги чархпалакка ўхшамай бу ёққа назар солинг дейман: ҳув анави шоҳи сўзана — Марказий Фарғона-ку!

Ҳабибхон. Ҳадеб Попиллаверасизми? Поп-поп дегунча оқ булутга ўхшаган Ўзбекистон эчкиларини кўрсангиз-чи!

Иброҳимжон. Хийла шўх йигитсиз-да, қува-қува Қува анорига ҳам етдингиз, қойилман!

Ҳабибхон. Оғзингизнинг сувини ютиб туринг, ҳадемай боғ-роғлардан Наманган нашватиси ҳам кўриниб қолар!

Иброҳимжон. Ўзингизни йўқотиб қўйманг, ана Куйган ёр.

Ҳабибхон. Алжийверманг, ўзингизни Уққўрғондан кўриб қоласиз.

Иброҳимжон. Гапирмасам гапирмадим, нима қилсангиз қилаверинг, атрофингиз Чор тоқ.

Ҳабибхон. Сафардаги кишимиз, қўйинг ҳадеб тутатишаверманг! Етай деб қолдик, мана бензин тамом бўлиб қолди шекилли, аэропланимиз ҳам шох ташляпти ё Олтиариқ нефть заводини кўриб қолдимикан?!

Иброҳимжон. Маҳкам бўлинг, ўзингизни тутинг. Фарғона аэропортига шўнғиб кетяпмиз.

Ҳабибхон. Хайрият, оёғимиз ер кўрди! Келинг, Иброҳимжон, саломатликка Марғилон луччагидан отишайлик.

ЧИТ.ЧИТ

Одилжон<sup>1</sup>. Носиржон, прилавка тагидан нега тезроқ чиқа қолмайсиз, ё фаранги деб қўлма-қўл бўлиб кетишдан чўчийсизми?

Носиржон<sup>2</sup>. Одилжон, харидорлар сиздан хафа,

<sup>1</sup> Одилжон Қодиров — Қодиржон Халиловнинг ўғли.

<sup>2</sup> Носиржон Тожибоев — ёш аскиячи. Кўқонлик.

дўконингизга тоза мол олиб келмайсиз, нуқул **ип-лас** молга тўлдириб юборибсиз.

**О д и л ж о н.** Носиржон, харидорлар сиздан ҳам хафа, дурустроқ муомала қилмас экансиз! Мана бу қанақа **мол** деб сўрашса, индамай **бездек** бўлиб тураверар экансиз.

**Н о с и р ж о н.** Одилжон, сал инсофсизроқ чиқиб қолдингиз, пул-мулнинг ҳисоби чатоқроқ, ревизия келади деса, рангингиз дарров **дока** бўлиб кетяпти-я!

**О д и л ж о н.** Носиржон, савдо ходими ҳалол бўлиши керак, саккиз ўлчаб бир кесинг-да! Газмолни ҳадеб чўза-версангиз, кейин ўзингизни **суруп** қўйишади.

**Н о с и р ж о н.** Одилжон, ўлчашда саногидан адашманг, билган сизни у дейди, билмаган **алаклаб** қолипти дейди.

**О д и л ж о н.** Носиржон, ҳалол ишлаганингиз дуруст, ҳамманинг ҳаваси келади — **беқасам** ишлайди деб.

**Н о с и р ж о н.** Одилжон, сиз аълочи сотувчилардансиз, сизни ёмонлашса, **ким хоб** дейди, ахир.

**О д и л ж о н.** Носиржон, сиз адашиб хўжалик моллари магазинига кириб қолибсиз, чўткани **мая** деб юрибсиз-а!

**Н о с и р ж о н.** Одилжон, сиз билан ҳазиллашиб ҳам бўлмайди, маяни **доройингизга** айтиб берасиз-да!

**О д и л ж о н.** Носиржон, магазиннинг бир бўлимида ҳадеб **чит-чит**ламасдан, шоҳи-атлас бўлимига ҳам ўтинг. Сизга биров **ола қарга** дермиди.



## аския турлари



## АЕЛЛАР АСКИЯЛАРИ

### ХОЛИС

Лутфиҳоним<sup>1</sup>. Чўнтакхон, жоним қоқиндиқ, келинг бир **Холис** шағал тўкишайлик.

Чўнтакхон. Аяжон, дарди йўқнинг дарди бордан хабари йўқ деганларидай, ўзим нима ғамда-ю, устига-устак шағал тўкишайлик дейсиз. Кўрмайсизми, **Холис** жонимга тегувди — **Хайри чамбарак** бўлиб кетди.

Лутфиҳоним. Уртада **Холис** туриб сиз уни **Ҳади** қилувдингизми?! Бу — **Ўғил эркакнинг**<sup>2</sup> иши!

Чўнтакхон. **Холис** туриб айтсам-чи, аяжон, **Ҳади** дегани яхши, унинг ҳам **Лутфи** бор.

Лутфиҳоним. Вой, эркаламай қолинг, сиз ҳам **Чўнтакбоп** бўлипсиз.

Чўнтакхон. **Холис** гапга ишонинг!

Лутфиҳоним. **Холис** одамга тўйлар **Муборак!**

Чўнтакхон. Бу ҳам бир **Хосият**-да!

Лутфиҳоним. Гапларингиз бирам **Нозик**.

Чўнтакхон. Нимасини айтасиз, **Роҳат!**

Лутфиҳоним. **Қамарой**, кўринмайсиз десам, **Юлдуз** санаб юрибман дейсиз-а!

Чўнтакхон. **Ҳа, Зухрони** ҳам қўшиб санамиз.

<sup>1</sup> Лутфиҳоним Саримсоқова — СССР халқ артисткаси.

<sup>2</sup> 1910—1930 йилларда Қўқонда Ўғилхон деган аёл раҳбарлигида (лақаби эркак) ҳофиз ўйинчилар тўдаси бўлиб, тўй-базмларда хизмат қилишарди. Чўнтакхон шу тўданинг ўйинчиси бўлиб, гўзал рақслари, ашулалари, лутфлари билан ҳаммани қойил қиларди. 1930 йилларда Қўқон театрида ишлади. Ҳозир пенсияда. Бошқа номлар — Ўғилхон опанинг ҳамкасблари.

Лутфихоним. Етти оғайнилар орасида Чўлоной кўринмадимми?

Чўнтакхон. Олтинқозиқларни кўриб, билмадим ё Хулкарингиз учди, ё Кутингиз.

Лутфихоним. Сизни ўзим кўкларга кўтараман — Ойнисам деб.

Чўнтакхон. Сизга энди дугоналарим номини сираям айтмайман — дарров ўзингизга Муқаддас қилиб оласиз!

Лутфихоним. Айтинг деб сизни қистаганим йўқ, истаган вақтимда ўзи Муҳайё бўлиб тураверади.

Чўнтакхон. Табиатингиз жудаям Нозик-да, анча-мунча одам сизга ёқавермайди — Майнага тоқатим йўқ дейсиз

Лутфихоним. Анча-мунча гапдан қолмайсиз, сизда ҳам бир Каромат бор.

Чўнтакхон. Гапим ҳали кўп, эшитасизми, Марҳамат!

Лутфихоним. Кимёдан гапирасизми?

Чўнтакхон. Бола-чақалар омон юришиптими, аяжон, Фазилатингизга борман-да!

Лутфихоним. Вой, айланай, эгачи, қушчаларингиз қалай? Қумри-чи?

Чўнтакхон. Умри узоқ бўлсин, тили чиқиб қолай дегандир супрақоқди Тўтингизнинг?

Лутфихоним. Энди кела қолинг, Чўнтакхон, жўжалар катта бўлсин — Муҳаббат билан боқайлик.

### ДУГОНАЛАР ҲАЗИЛИ

Қумрихон. Уртоқжон, хўп бахтли замонда яшайпмиз-да?

Умрихон. О, нимасини айтасиз, дугонажон. Парапжи сирларини гумдон қилиб, бахт калитини қўлимизга олганмиз-да!

Қумрихон. Сиз ҳам Нурхон опам сингари адолат ахтариб юрибсизми?

Умрихон. Қирқ қизларга ўхшаган мунча чаққонсиз? Оқ олтиндан тоғ ясаб далада байрам қиласизми дейман.

Ватан ишқи — ёр ишқи қилиб, байрам кунни тўйингизни ҳам ўтказамиз.

Умрихон. Тўй бўлмайди! Айтинг, ўша Орзигулига ўйлана берсин.

Қумрихон. Ия, гапирётган ўзингизми, тасаддуқ? Кечагина ишқинг билан маст-аластман деб, гўза ичида хиргойи қилаётган ким эди?

Умрихон. Мен уни қаердан билай, муҳаббати Чип муҳаббат дебман-да.

Қумрихон. Бўлмай қолинг, у сизни севмаса Тўй қилайлик дермиди.

Умрихон. Унинг Тили бошқа-ю, дили бошқа экан. Майли, мен ҳам шу қилганига Алломиш сифат йигитни топиб куйдирмасам!

Қумрихон. Э-ҳа, ўзимнинг ниятим бошқа денг. Авазбек акам билан анҳор бўйлаб юрганингизда фаҳмлагандай бўлувдим-а!

Умрихон. Ёдгоржон акамни хоҳлайман қўяман-да! У қизларга: Жон қизлар, мени Умрихон билан таништириб қўйинглар, деб юрганмиш.

Қумрихон. Ошиқ билан ўйнашманг, Оқсоч қиз бўлиб қолганингизда бирортанинг этагини ушлай олмайсиз.

Умрихон. Нега мунча тергаб қолдингиз! Мен сизга келину, сиз Қайнонамисиз?

Қумрихон. Зайнаб ва Омонлардек бўлинглар дейман-да, жонгинам.

Умрихон. Жиззакимдан айланай! Ҳазил, дугонажон, ҳазил. Бир юракка қандай қилиб икки муҳаббат сиғдира оламан, жонидан, Гавҳари шамчирогим бор, бошқаси тошнини тера берсин.

Қумрихон. Ростми? Қалтис ҳазилингиз бор бўлсин-да!

### АСКИЯНИНГ КУҲНА ШАКЛАРИ

ГУЛМИСИЗ, РАЙҲОНМИСИЗ, ЖАМБИЛМИСИЗ

I

Махсум ака. Ижроқўмбува!  
Турсун бува. Лаббай, Махсум ака  
Махсум ака. Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз?  
Турсун бува. Айтганингизман.  
Махсум ака. Колхозда бригадирмисиз, ё кўчама-кўча юрган дарбадармисиз?

Турсунбува. Махсум ака! Мени ишламай юрган дарбадар дейсиз-а! Сизнинг ўзингиз кимсиз? Бир жойда **тиниб-тинчимайсиз**, айтинг-чи, колхоздамисиз, совхоздамисиз?

Махсум ака. Насриддин ака, ҳо, Насриддин ака!

Насриддин ака. Ҳо, лаббай, акахон.

Махсум ака. Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Колхозда яхши-яхши хизматларда ҳам турасизми, ё **рансинг отини боқиш-ла** умрингиз ўтиб кетаверадими?

Насриддин ака. Гулмисиз, сумбулмисиз ё райҳонмисиз? Колхозда табелчисиз, комиссияларнинг келганини билмасдан ухлаб қолганмисиз?

Ғойиб ака. Ижроқўмбува! Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз?

Турсунбува. Уша айтганингиз.

Ғойиб ака. Кечадан бери битта от миниб ўтяпсиз, ё **ҳоснаотмисиз!**

Махсум ака. Ғойиб тоға, ҳо, тоға! Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Ҳосилот борганда ғўзаларга сув тортаётган миробмисиз, ё **тут тагида ётганданмисиз!**

Ғойиб ака. Ҳо, Махсум!

Махсум ака. Лаббай, Ғойиб тоға.

Ғойиб ака. Гулмисиз, райҳонмисиз, кашнучмисиз? Далада айланиб юриб тракторчининг нонини **тутдан олиб еб** кетганмисиз?

Махсум ака. Ижроқўмбува, гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Далага чиқиб ишлашни билганмисиз, ё кун исиб кетганда уйга кириб ўтириб олиб, бригадир эшикни тақиллатиб келганда **эркаклар йўқ** деганмисиз!

Насриддин ака. Махсум, қалайсиз, гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз. Илгарилари трактор минганингизда, трактор **ёғини сира тухумга алиштириб** еганмисиз?

Турсунбува. Махсум ака! Гулмисиз, райҳонмисиз, ялпизмисиз?

Махсум ака. Шўрвага соладигани.

Турсунбува. Унақа бўлса, пахта терганлар олдига **қоқ қуруқ** борасиз, ё **кассирмисиз!**

Махсум ака. Ижроқўмбува! Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Далага кассир борганда, ўзингиз ишлаганингиз учун ҳақ олганмисиз, ё **бировникига қўл қўйиб** еганмисиз!

Ғойиб ака. Махсум ака, нимасиз, гулмисиз, райҳон-

мисиз, сумбулмисиз? Уша кассир келганда **Насриддинни** ҳам менга **беравер** деганмисиз?

Махсум ака. Ғойиб тоға! Гулмисиз, райҳонмисиз, юлғунмисиз! Ҳамма меҳнатқашлар ойлигини олаётганда, уларнинг ёнига бориб ярим сўм бер, деб **ялиниб** турганмисиз?

Ғойиб ака. Махсум, соғмисиз ё пиёнистамисиз? Ё ҳар сафар ойлигингизни олганда уйга етгунча **йўлда тушириб** қўйганмисиз?

Насриддин ака. Махсум ака! Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Ё Ғойиб акага ўхшаб муғомбирлик қилиб, меҳнат дафтарчасига **уч кишини** ишлатганмисиз!

Махсум ака. Насриддин ака! Сиз-чи? Гулмисиз, райҳонмисиз, толгулмисиз? **Рўйхатга хўжалигингиздаги** ларни қўшиб қўйиб, ўзингиз **кўчама-кўча** юрганмисиз?

Насриддин ака. Махсум ака, ҳо Махсум ака!

Махсум ака. Лаббай, ака.

Насриддин ака. Гулмисиз, райҳонмисиз, гулиофтобпарастмисиз? Дала бақчасида ишлаганингизда, теримчиларнинг болаларига қарамасдан, **бригадирнинг ўглини** кўтариб юрганмисиз?

Ғойиб ака. Насриддин ака! Гулмисиз, райҳонмисиз, гултожихўрозмисиз? Оилангиздаги ишга яроқлиларни далага чиқариб юбориб, ўзингиз **кичкина болаларни овунтириб ўтирганмисиз?**

Махсум ака. Насриддин ака! Гулмисиз, райҳонмисиз, чирмовиқмисиз? Беш-олти кун боқчада ишлаганингизда **майда болаларнинг сухарисини еб қўйиб**, ҳаммага кулки бўлганмисиз?

Насриддин ака. Махсум ака, ҳо Махсум ака! Ажаб одамсиз-да! Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Далага чиқ деса инжиқлик қилиб, мажлис-пажлисга ҳам бормай, **шийпонглаб** юрганмисиз?

Турсунбува. Махсум! Гулмисиз, райҳонмисиз, сумбулмисиз? Омборчилик вақтингизда, шоликорларга бори шўрни бериб юбориб, умумий мажлис куни **калтак** еганмисиз?

Махсум ака. Ижроқўмбува! Гулмисиз, райҳонмисиз, толгулмисиз? Бригадаларга боғланган **вақиммисиз**, ё ишга чиқмайдиганларга **меҳмонмисиз?**

Ғойиб ака. Махсум ака, гулмисиз, райҳонмисиз, тиканак гулмисиз? Омборчилик қилиб юрганингизда, биров ун сўраса, **кечқурун келинг** деганмисиз?

Махсум ака Насриддин ака!

Насриддин ака. Ҳа, лаббай, Махсум.

Махсум ака. Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Колхозчиларга иссиқ овқат тайёрланадиган вақт яқинлашганда, бир қўлтиқ ўтинни кўтариб олиб, **раисларга ёқаман** деганмисиз!

Насриддин ака. Махсум, ҳо Махсум! Гулмисиз, сумбулмисиз, кашнучмисиз?

Махсум ака. Сиз нима десангиз, ўшаман.

Насриддин ака. Ўша ўтинни кўтариб юрганингизда мени кўриб қолиб, бу — **икки ишни бажаради**, деб менга **икки меҳнат** ёзганмисиз?

Ғойиб ака. Ҳо Ижроқўмбува! Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Насриддин ака овқат пишириб, раислар кеч қолганда овқатни **лаганга** солиб иситиб берганмисиз?

Махсум ака. Ғойиб тоға!

Ғойиб ака. Лаббай, Махсум ука!

Махсум ака. Гулмисиз, райҳонмисиз, нимасиз? Ўзингиз далага чиқиб ишламасдан, вақтида овқатингизни қилломай, илғорлар овқатланаётганда **шуларни** кига қараб турганмисиз?

Ғойиб ака. Махсум, ҳо, Махсум! Гулмисиз, кашнучмисиз, ялпизмисиз, умрингизда ферма мудирига товуқ шўрва қилиб берганмисиз?

Махсум ака. Насриддин ака! Гулмисиз, сумбулмисиз, райҳонмисиз? Мажбуриятга тухумни олиб кетаётиб, ярмини Ижроқўмбува билан бўлишиб еганмисиз?

Насриддин ака. Махсум ака! Гулмисиз, сумбулмисиз, қанақа гулсиз? Колхозчилар овқатидан ташқари, раислар келади деб, **товуқнинг патини** юлиб ўтирганмисиз?

Махсум ака. Ғойиб тоға! Гулмисиз, сумбулмисиз, ахир, қанақа гулсиз?

Ғойиб ака. Ихтиёр ўзингизда. Қанақа гулга ўхшатсангиз ўхшатаверинг.

Махсум ака. Бўлмаса, сиз раислар келаётганда, мен ҳам иш қиялман деб, хирмонда паншаха кўтариб юрганмисиз?

Турсунбува. Махсум!

Махсум ака. Лаббай, устоз.

Турсунбува. Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбулмисиз, ё сумбулмисиз? Мироблик вақтингизда бизнинг бригададаги сўлиб ётган ғўзаларни кўрганмисиз?

Махсум ака. Насриддин ака! Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Колхозда бешинчи бригадасиз, «зангори кема» ларни теримга тайёрлаганмисиз, ё ҳалиям РТС дан олиб чиқмаганмисиз!

Ғойиб ака. Махсум, о Махсум! Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? «Зангори кема»лар терадиган карталарни аъзоларга тердириб қўйиб, катталардан **дакки** еганмисиз?

Насриддин ака. Ғойиб ака! Гулмисиз, райҳонмисиз, сумбулмисиз? Бригадалар ичида яхшигина ишлаб келгансиз, «зангори кема»ларда тердираман деб, **катта бўлакларни** дефолиация қилдирганмисиз?

Ғойиб ака. Насриддин ака! Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Машина териб кетган карталарнинг **чаласини** терганмисиз?

Махсум ака. Ғойиб ака! Гулмисиз, райҳонмисиз, қанақа одамсиз? Насриддин ака сингари бригадир бўлиб, **чала** тердирганмисиз?

Ғойиб ака. Махсум! Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз, нимасиз, ахир? «Зангори кема» ҳайдаб турган йигитга: айланиб юрмай, **карта ўртасидан қайтавер** деганмисиз?

Махсум ака. Насриддин ака! Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Озгина пахтани хирмонга олиб чиқиб қўйиб, **терим машинасининг тагида** ётаверганмисиз?

Насриддин ака. Махсум ака! Гулмисиз, райҳонмисиз, ё жамбилмисиз? Ҳамма планини тўлдираверганида, тоқатингиз тоқ бўлиб, берадиганингизни **тарозибон қулогига** айтганмисиз?

Ғойиб ака. Ижроқўмбува! Гулмисиз, жамбилмисиз, ё райҳонмисиз? Бошқа ишни ташлаб қўйиб, пунктда **қоп тикиб** ўтирганмисиз?

Махсум ака. Насриддин ака! Сиз қанақасидан? Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилгинанинг ўзимисиз?

Насриддин ака. Энг ислигиданман.

Махсум ака. Колхозда ҳосилотсиз, бригадаларга боғлангансиз. Қайси бригаданинг бажарган-бажарганини билмасдан, **сводка дафтарингизни** йўқотганмисиз?

Турсунбува. Махсум ака!

Махсум ака. Лаббай, ака, гапирсинлар.

Турсунбува. Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Сентябрь ойининг планини тўлғизиб, октябрнинг **17-сида 100 процент** қилганимни билганмисиз?

Насриддин ака. Махсум ака, ҳо Махсум почта! Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Октябрда Ижроқўмбува планини 115 процентга олиб бориб, «Волга» машина мукофот олганда, сиз мажлисда терлаб ўтиролмайд қолганмисиз?

Махсум ака. Ғойиб ака! Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Ижроқўмбува билан икковингиз мусобақа боғлаб, ҳисоб-китоб қилолмай, доскага қараб ўтирганмисиз?

Турсунбува. Махсум, укажон!

Махсум ака. Лаббай, уста.

Турсунбува. Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Колхоз ҳам, район ҳам тўлиб, юз очилганда, янги машинага солиб тўйга олиб борганимни билганмисиз?

## II

Исмоилжон ака.<sup>1</sup> Акабухор, ҳо Акабухор, мунча ўзингизга пардоз беравердингиз! Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз, нимасиз? Ё сув кўл-кўллаб турган жўякда ўзингизни офтобга солиб ётган печакмисиз?

Акабухор.<sup>2</sup> Бопладилар-ку! Ҳа, майли. Печак бўлсам бўларман. Исмоилжон ака! Қани энди ўзингиз айгингчи, гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз, нимасиз? Ё кенг далаларимизнинг ҳуснини бузиб турган шўрермисиз?

Исмоилжон ака. Қойил-а, қойил! Менга қаранг, айёрликка олмай бўлганини айтинг-чи. Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз, нимасиз? Ё дўлдан кейин қаровсиз қолиб кетган ола-була ғўзамисиз?

Акабухор. Майли, бунисига ҳам чидайман. Умрингиз узоқ бўлсин, қани сиз ҳам битта тўғри сўзлаб қўйингчи. Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз, нимасиз? Ё сувсизликдан қовжираб, пишмасдан олдин очилиб кетган кўсакмисиз?

Исмоилжон ака. Мулла Бухор! Мана бу сафар кўлга тушдингиз, рост айтинг-чи, гулмисиз, райҳонмисиз,

<sup>1</sup> Исмоилжон Акбаров — Эрка қори Каримовнинг «ракиби», бачқирлик Деҳқон юзбошининг шогирди, лақаби «кал», 1962 йилда вафот этган.

<sup>2</sup> Бухорбек Зокиров — кўқонлик машҳур қизиқчи. Лақаби — Акабухор («Кал»). 1963 йилда вафот этган.

жамбилмисиз? Ё баъзи раисларга ўхшаб плани бажараман деб минг марта қасам ичиб, охирида шармисор бўлган Алдар Кўсамисиз?

## III

Махсум ака. Ғойиб ака, умрингизда ҳеч сартарошхонага кирганмисиз?

Ғойиб ака. Одам эмасмиман? Бу нима деяпти, гапиринг!

Махсум ака. Сартарош сочингизнинг ярмини олмасданоқ бўйнингиздаги эски лунги билан чўччанглаб<sup>1</sup> қочиб кетганмисиз?

Ғойиб ака. Махсум ака, умрингизда сиз ҳам ҳеч сартарошхонага кирганмисиз?

Махсум ака. Ҳа, соч олдирмай юриб бўладими, гапиринг!

Ғойиб ака. Сартарош сочингизни олаётганда, сиз ҳам лунгини нишолда юқи<sup>2</sup> қилиб қўйганмисиз?

Махсум ака. Ғойиб ака, сиз ҳам одам бўлиб, умрингизда сартарошхонага кириб, ўтмас устарада терийгизни шилдирганмисиз?

Ғойиб ака. Махсум ака, умрингизда ҳеч сартарошхонага кирганмисиз, соч олдирганмисиз?

Махсум ака. Сартарошдан улфатим жуда кўп, гапиринг!

Ғойиб ака. Бўлмаса, ўша сартарош сочингизни олаётганда, сиз дўппингизга жийда солиб еб ўтирганмисиз?

Махсум ака. Сартарош сочингизни олаётганда, ҳадеб қимирлаверсангиз, сартарош жим ўтиринг деганда, думингизни қисиб ўтирганмисиз?

Ғойиб ака. Махсум ака, хўб келишган йигитсиз-да! Умрингизда ҳеч сартарошхонага кирганмисиз?

Махсум ака. Фаросатимиз жичча бор, сартарошхонага, мана, биз кириб турамиз-да, гапиринг!

Ғойиб ака. Уша ҳазилкаш улфатингиз, сочингизни яхшилаб олиб бўлиб, чакангизга гул тақиб ҳам қўйганми?

Махсум ака. Ғойиб тоға, энди мен ҳам гапирсам бўладими? Умрингизда сартарошхонага кирганмисиз?

<sup>1</sup> «Хўкиз» лақабига қочириқ.

<sup>2</sup> «Кал» лақабига қочириқ.

Ғойиб ака. Етар жоймиз ўша ер бўлиб қолган, гапираверинг!

Махсум ака. Менинг сартарош ўртоқларим жуда шўх-да! Сочингизни олаётганида, сизни овунтириш учун, ҳалиги дўнгига пича ем солиб қўйганми?

Ғойиб ака. Саломат бўлинг, Махсум ака! Сиз ҳам, бир очилай деб, умрингизда сартарошхонага кирганмисиз?

Махсум ака. Сўрамасангиз ҳам бўлаверади, бошимиз очиқ, гапираверинг!

Ғойиб ака. Ҳунари мундоғроқ сартарошнинг қўлига тушиб қолиб, шўрлик бошингизни лозазор қилдириб олганмисиз?

### БҮЛАСИЗМИ?

Одилхўжа<sup>1</sup>. Мулла Насриддин, мана энди танқидингиз қор қилиб ишлар анча яхшиланди, мўл ҳосил ҳам қўлга киритилди. Келинг, бир кулишайлик.

Насриддин. Хўб, унақа бўлса, бўласизми?

Одилхўжа. Бўлай, кимдай?

Насриддин. Ваъдабоз раисдай.

Одилхўжа. Нима қилардим?

Насриддин. Кунлик терим нормасини икки-уч марта ошириб бажарамиз деб осмондан келардингизу, ерда дўппини яримта қилиб юраверардингиз!

Одилхўжа. Бўласизми?

Насриддин. Кимдай?

Одилхўжа. Ҳосилот акамдай.

Насриддин. Нима қилардим?

Одилхўжа. Машина теримига ажратилган карталарни қўлда тердириб юбориб, актга қўл қўёлмай, пушаймон қилиб юрардингиз.

Насриддин. Бўласизми?

Одилхўжа. Кимдай?

Насриддин. Кимдай бўларди, кассиримиздай-да?

Одилхўжа. Хайр, қани, нима қилар эдим?

Насриддин. Теримчиларга ўзингизни қуруқ кўрса-тиб юрардингиз.

<sup>1</sup> Одилхўжа Саидхўжаев — Фарғона область, Ленинград район Пиртак қишлоқлик уста аскиячилардан. Лақаби «эшак». Насриддин Мирзааҳмедовнинг «рақиби». 1904 йилда туғилган, колхозчи.

Одилхўжа. Бўласизми?

Насриддин. Яна ким бўлай?

Одилхўжа. Агитаторимиз бўласиз-да!

Насриддин. Хўш, нима қилардим?

Одилхўжа. Мабодо далада кўриниб қолсангиз ҳам, бошингиз сводкадан чиқмас эди.

Насриддин. Мулла Эшон, баъзан учрайдиган шунақа камчиликларни танқид қилиб турганингиз яхши, мана, ишлар жўнашиб, план ҳам тўлди.

Одилхўжа. Бўласизми?

Насриддин. Янами, кимдай?

Одилхўжа. Аскиячидай.

Насриддин. Нима қилардим?

Одилхўжа. Башараси бузуқларни ўхшатиб юрардингиз

### УХШАТДИМ

Насриддин. Эшон, ҳо Эшон, сизни ўхшатдим.

Одилхўжа. Кимга?

Насриддин. Мусобақа комиссияларига кўринмай чап бериб юрган бригадирга.

Одилхўжа. Нима қилардим?

Насриддин. Ғўза парвариши айни қизгин чоғларда шаҳарда қовун тушириб юрардингиз.

Одилхўжа. Насриддин ука, мен ҳам сизни ўхшатдим.

Насриддин. Кимга?

Одилхўжа. Мажлисда қўлини кўкрагига уриб, оғзини кўпиртирган звено бошлиғимизга.

Насриддин. Нима қилардим?

Одилхўжа. Ваъдам қоп-қопу, мени соя-салқиндан топ деб юрардингиз.

Насриддин. Сизни бир кишига ўхшатайми?

Одилхўжа. Кимга?

Насриддин. Вақти-бемаҳал хуррак отадиган миробимизга.

Одилхўжа. Нима қилардим?

Насриддин. Ғўзани сувга бостириб юбориб, кечаси суғориш мана бунақа бўлади деб, тут тагида ҳуштак чалиб уйқуга зеб берардингиз.

Одилхўжа. Чидасангиз, мен ҳам ўхшатаман.

Насриддин. Кимга?

Одилхўжа. Маҳсулот берадиган омборчимизга.

Насриддин. Хайр, нима учун?  
Одилхўжа. Тақсимот ведомости бу ёқда қолиб, расдан бир парча хат кутиб ўтираверардингиз.  
Насриддин. Ухшатайми?  
Одилхўжа. Яна кимга?  
Насриддин. Универсалчимизга.  
Одилхўжа. Нима қилардим?  
Насриддин. Пахта йиғим-терими яқинлашиб қолса ҳам, машинангизни ремонт қилмай, дўппингизни яримта қилиб юраверардингиз.

### АФСОНА

Зайнобиддин. Афсона.  
Охунжон қизиқ. Жон афсона!  
Зайнобиддин. Мен келгунча ош қилиб қўй десам, айтганимни қилмабсан-а.  
Охунжон қизиқ. Афсона.  
Зайнобиддин. Жон афсона!  
Охунжон қизиқ. Гўшт-ёққа пул бермапсан-а!  
Зайнобиддин. Афсона.  
Охунжон қизиқ. Жон афсона!  
Зайнобиддин. Поезддан кеч қолиб, бошингга хуржунни қўйиб ухлаб қопсан-а!..  
Охунжон қизиқ. Афсона.  
Зайнобиддин. Жон афсона!  
Охунжон қизиқ. Уйингга таклиф қилувдинг, борсам жўнаб қопсан-а!

### ЯККА АСКИЯ<sup>1</sup>

— Карим юмолоқми — гурскетти қовунми!  
— Манави Аҳмад табибнинг олдига нариги маҳаллалик Ҳақберди келиб: «Табиб ака, бир киши кўзимга икки киши бўлиб кўринади, нима сабабдан экан-а?» деб сўраса: «Тўрттовларинг ҳам шунақами», деб ўзидан сўрапти.  
— Майиз еб туриб ухлаб қолган Салим кўкнори мана шу киши бўладилар.  
— Мирза Анвар отдан тушса ҳам узангидан тушмайди, нима, кучала еганими дейман.

<sup>1</sup> Даврада бир аскиячи ҳаммага бирма-бир сўз қотиб чиқади.

— Шокарим пучуқ бир куни қўлида икки пуллик чақаю, лунги қўлтиғида хиргойи қилиб келяпти:

«Афанди бир куни ҳаммом...» деб.

— Ҳалим бангининг чилимни қучоқлаб: «Ўлдирса ҳам ёр ўлдирсин», деб гашт қилишини айтинг!

— Эшаги биттанга, тўқими минг тангга дегандай, Олимпонсоднинг амиркон этик кийишини қаранг!

— Махсумга салланинг ярашганини қаранг, кечагина сариқ этик кийиб юрувдилар.

— Козим пакана — ошнинг ҳаммасини ейсан-а!

— Уста Пирмат, гап маъқул қилгунча соқолнинг ярмисидан елпигич қилсанг-чи!

— Теша тажангни гапга кўндиришдан кўра қулогига танбур чалганингиз яхши.

— Шермат олифта харажатдан қистириб, мусалласга уради.

### ҚОФИЯБОЗЛИК

#### I

Қодиржон ака. Мулла Комилжон, бозордан қайт-япсиз шекилли, қўлтиғингиздаги тарвузми ё ошқовоқ?

Комилжон<sup>1</sup>. Қодиржон ака, белингизга жало-жуи-гурларни тақиб олибсиз, соқол тароғми ё нос қовоғ?

Қодиржон ака. Қўлингиз жуда банд, ҳаммомгами дейман, қўлтиғингиздаги мочалками ё сув қовоқ?

Комилжон. Томиб-томиб кетяпти, икки қўлингиздаги пақирми ё ёғ қовоғ?

Қодиржон ака. Кўринганга тутун қайтарасиз, чекмишингиз нашами ё чилим қовоғ?

Комилжон. Офтобда туравериб рангингиз ўзгариб кетипти, ё эски сирка қовоғмисиз?

Қодиржон ака. Ипга боғлаб ток устунига осиб қўйишипти, ё томоша қовоғмисиз?

#### II

Иброҳимжон. Насрулла ака, келинг энди бир қофиябозлик қилишайлик.

<sup>1</sup> Комилжон Раҳимов — қўқонлик моҳир аскиячи.

Насрулло. Бўпти, қани бошланг, ўтирасизми озгингизга нос солиб: **бай-бай тахир**, деб.

Иброҳимжон. Бошингиз гаранг бўлганда айтмовдимми: **мени чақир** деб.

Насрулло. Битта шишани бўшатибсиз: **сувми, атир**, деб.

Иброҳимжон. Қўлингиздан ушлаб йўлга бошласам юрмайсиз: **йўллар қақир**, деб.

Насрулло. Узингизни жўрттага мастликка соласиз: **бола пақир**, деб.

Иброҳимжон. Мени яна аврайсиз: **шахир-махир**, деб.

Насрулло. Соч-мўйловни шоп қилиб юрасиз. **Узим парикмахер**, деб.

Иброҳимжон. Мана шунақа гапларни айтиб мени **доғ қолдирасиз**.

Насрулло. Мўйловни оласизу, қулоғни **соғ қолдирасиз**.

Иброҳимжон. Пулини бермай юраверинг, бир куни **боғ қолдирасиз**.

Насрулло. Ош еганда гўштини тамомлаб, товоқ тагида бизга **ёғ қолдирасиз**.

Иброҳимжон. Бедана билан каклик еб бизга **зоғ қолдирасиз**.

### ТАБИБЧИЛИК

Зайнобиддин. Усмон қори ака, жин чалганга нима **дори**?

Усмон қори. Хўроз сўйиб қон чиқариб юборинг.

Зайнобиддин. Дев урганга-чи?

Усмон қори. Қўй сўйинг, хўроздан каттароқ.

Зайнобиддин. Нафси бузуқ бўкиб қолса нима **дори**?

Усмон қори. Дориси йўқ, ўлади у.

Зайнобиддин. Пул безгаги тутиб қолса-чи?

Усмон қори. Хин оса тузалармикин.

Зайнобиддин. Пиянистага нима **дори**?

Усмон қори. **Яримта** эзиб ички!

Зайнобиддин. Юраги зиқ одам тузалиш учун нима **қилсин**?

Усмон қори. Бировга кулмасдан, ўзи кўпроқ кулсин.

Зайнобиддин. Танқид одамни касал қилганда-чи?

Усмон қори. Танқиднинг қуюгидан берилади.

Зайнобиддин. Хотинини хўрлаганга қанақа дори **кор қилади**?

Усмон қори. Қонуноқилин!

Зайнобиддин. Катта порахўрларга-чи?

Усмон қори. Қонунотилин!

Зайнобиддин. Мажлисбозлик дардини тузатишнинг иложи **борми**?

Усмон қори. Бировлар ёзиб берган докладни тумор қилиб тақиб юрилмаса.

Зайнобиддин. Автобус тиқилинчида анжир бўлган одамни қандай қилиб ўзига келтирса бўларкин?

Усмон қори. Янги костюм кийгизиш керак.

Зайнобиддин. Тош-тарозидан урувчиларнинг иситмасини йўқотиб бўладими?

Усмон қори. Қадоқтош билан қорнини силаб кинна солганда тер **чиқса**.

Зайнобиддин. Ваъдабозлик касалми? Қандай **давosi бор**?

Усмон қори. Касалнинг кўзини бўяш керак. /

### ЛАҚАБ АСКИЯЛАРИДАН

Мамаюнус ака.<sup>1</sup> Ургимчак кана билан курашмабсиз, Мулла Пўлатжон, бу амирконнинг баргига **қурт тушиб**, **илма-тешик** бўлиб кетибди...

Пўлатжон.<sup>2</sup> Ҳа, Мамаюнус ака, баҳорда ерга маъдан ўғитни кўп солиб **шўрлатиб**, пахтани **пича қуритиб** қўйдингиз-да!

Мамаюнус ака. Ерни ҳам ёмон **ғўраша** ҳайдаттирган экансиз-да, Пўлатжон!

Пўлатжон. Гапингиз тўғри, Мамаюнус ака, «Қиш оладан, ёз моладан» дегандай қишки яқоб берганда сувни бир текисда қўймасдан, **шўр бостириб** юборишибди-да!<sup>3</sup> Ғўзанинг **ола чиққанига** ҳам сабаб шу!

Мамаюнус ака. Гапингиз тўғри, Пўлатжон, «ёз моладан». Уша ернинг бетига **мола бостирмасдан**, чигит септириб юборибсиз-да!

<sup>1</sup> Мамаюнус ака Тиллабоев — моҳир аскиячи, Эрка қори Каримовнинг «рақиб», лақаби — «кал». 1897—1959.

<sup>2</sup> Пўлатжон ака Норматов — қўқоналик машҳур қизиқчи ва аскиячи, Комил қори Қулижоновнинг шериги, лақаби «чўтир», 1890—1951.



Пўлатжон. «Кўк қарға»нинг шамоли ҳам анча ернинг ғўзасини уриб «кал» қилиб кетди-да!

Мамаюнус ака. Ушанинг учун ернинг ҳар жой-ҳар жойини тешиб қўйган экан-да, шамолнинг йўлини тўсиб қўйган ғўзапояларнинг ўрни бўлса керак?

## II

Исмоилжон ака.<sup>1</sup> Елкангиздан ўқ ариқ олганда дўппингизнинг таги кўлланмай ичар эди.

Абдуқодир ака.<sup>2</sup> Уша кўлланиб ичишлигига сабаб, найни **пачоқлаб** қўйибсиз.

Исмоилжон ака. Уша най пачоқ бўлгандан кейин елкангиздан **тош қувур** қўйдик. Сўнг дўппингиз тагидан сув **биқирлаб** чиқа бошлади.

Абдуқодир ака. Уша сув тош қувурдан биқирлаб чиқмай қолди, найингизга **хашак** тиқилиб қолипти.

## III

Бўқоқ лақабли киши. **Бошингизда** ташвиш борми дейман, хаёл суриб қолдингиз?

Кал лақабли киши. Қилғиликни қилипсизу, гуноҳи мана **бўйингизга** тушиб қолипти!

Бўқоқ лақабли киши. Майли, ҳақиқат жойини топар, **бошингиз** ҳам **очилиб** қолар.

Кал лақабли киши. Ҳақиқат очилгунча **бўғилиб** ўларман.

## IV

Мушук лақабли киши. Намозгарда ахтариб борсак, **юқорига** чиқиб кетган экансиз?

Товуқ лақабли киши. Яхшиям юқорига чиқиб олган эканман, мени буггани борган экансиз-да?

<sup>1, 2</sup> Фаргона область Ленинград районлик (Бачқир қишлоқлик) Исмоилжон ака Деҳқонов ва Абдуқодир ака Муҳаммадқуловлар. Биринчисининг лақаби «пучуқ», иккинчисиники «кал».

Мушук лақабли киши. Уч марта чақирдим, **тушмадингиз?**

Товуқ лақабли киши. **Гўштсираб** қолганим йўқ.

## V

Мамаюнус. Қори ака, маданийлашиб «Москвич» сотиб олибсизу, баъзи чапани шофёрларга ўхшаб дарахтга уриб олиб, **чироғини ўчириб** қўйибсиз-да!

Эрка қори. Ука Мамаюнус, сиз ёнимда бўлсангиз, чироқсиз ҳам ҳайдай бераман. Одамзоднинг маданийлашгани яхши-да, йўқ эса, қачонгача сизга ўхшаш **кал аска**<sup>1</sup> ни минаман.

Мамаюнус. Чирогининг ўчиб-ёниб, ўчиб-ёниб туришидан, моторига бирор гап бўлгандир, **ака-мулла туринг**,<sup>2</sup> тузгатамиз.

Эрка қори. Тузатиш ўзимнинг қўлимдан келади, менга халақит берманг, бўлмаса жаҳлим чиқиб: **кал буро тур**<sup>3</sup> дейман.

## VI

Пўлатжон ака. **Ола хуржунни** кўтариб олибсиз, йўл бўлсин, Қори ака?

Комил қори.<sup>4</sup> Бозорга, **ғалвир** керак бўлиб қолди!

Пўлатжон. Хафароқ кўринасиз, ё **тугунча-пугунча** йўқотдингизми?

Комил қори. Э, Пўлатжон, шўрим қурсин, тугунчани тушириб қўйибсан деб, келинингиз ҳамма ёғимни **юлаб** олди.

Пўлатжон. Уйда жазлик тамом бўлдим дейман, ёг **қовоқни** қозикқа тескари илиб қўйиштипти.

Комил қори. Ҳа, энди кунимиз **ачитма патирга** қолди.

Пўлатжон. Қори ака, устунларнинг тагига **гувалак-**

<sup>1</sup> Кал аска — коляска.

<sup>2</sup> Ака мулла туринг — аккумуляторга ишора қилинмоқда.

<sup>3</sup> Карбюратор

<sup>4</sup> Буларнинг биринчиси чўтир, иккинчиси бўқоқ.

ларни териб қўйибсиз, нима, эски чордевор бузилдими дейман.

Комил қори. **Шувоққача** билмабсиз-да!

Пўлатжон. Тўрва қуллуқ бўлсин, жуда **кунгиратор-а!**<sup>1</sup>

Комил қори. Куним сақич-мози сотишга қолди: элак олиб чиқиш ёдимдан кўтарилипти.

Пўлатжон. Хели нафси бузукқа ўхшайсиз-а, мана, овқатни чайнамай еган экансиз — **суяги ҳиқилдоққа** илиниб қолипти.

Комил қори. Ҳа, томоғнинг бир-икки жойини тир-нагандай ҳам бўлди.

Пўлатжон. Қори ака, зўрға кун кўриб юрибсизу, билмаганлар сизни **бўйни йўғон** дейди.

Комил қори. **Бетга айтганинг захри** йўқ!

Пўлатжон. Қори ака, қуллуқ бўлсин, мана мачитнинг **гумбази** ҳам тайёр бўпти — сўфи чиқиб азон айтса бўлаверадими?

Комил қори. Шошилмай қолинг, мулла Пўлатжон, битганда ўзим хабар қиламан, ҳали **нақш** солингани йўқ!

## VII

Шоқосим. Бу **қағлик?**

Жўраҳон. Бу **қағлигини** мен қаердан билай!

Шоқосим. Бу **қаққа** кетяпти, бўлмаса?

Жўраҳон. Бу **қақдан** келган бўлса, ўша ёққа кетяп-гандир.

Шоқосим. Гапни **бу қоқ** ўртасидан кесадиган чиқиб қолди-ку, биласизми?

Жўраҳон. Ҳа, мулла Иброҳимжон шунақароқ. У кунни шигил пишган бир катта тутнинг тепасига чиқиб жим ўтирипти. Бу **қоқмас** шекилли дедим.

Шоқосим. У кунни катта бир кўлнинг ўртасида ўрдак қолиб, **бу қақиллаяпти** денг.

Жўраҳон. Қарға сайрагани сайраган, аммо **бу қағ** де-майди.

Шоқосим. Жўраҳон ака, пулдор ўртоқларингиз билан юраверсангиз-чи, **бу қоқ** одам.

<sup>1</sup> Бўқоғига шама.

Жўраҳон. Бир қоқ ёнғоқни болаларга бўлашиб бера-ётсам, Иброҳимжон ёнимда турган экан, **бу қаққа ҳам** демади.

Шоқосим. Иброҳимжонда pista, бодом, аштак-паштаклар жудаям сероб, **бу қоқингизга** қарармиди!

Иброҳимжон. Гап тамом, яшанглар-а, **бу қоқ сизлар!**

## ТАЛАШ

Комилжон Раҳимов. Ана қанотларини ёзиб **аэроплан** бўлиб келяптилар.

Темиржон Ҳамидов. Ана, ризқи-рўзилари билан, кўлдан **илон** тутиб келяптилар.

Ҳусанхон Саидов. Йўлда тутилиб қолганга ўхшайдилар, биров **«бақа»** деди шекилли.

Камолхон Зокиров. Ана, қўлларида лапақ, кечиканларидан, **қатиқ бозорига** ўттиларми дейман.

Аминжон Муҳаммадий. Ана, жуда очилиб кептилар, **тумшукларигача қизил** суркаб.

Исмоилжон Ниёзов. Ана, уйдан ясан-тусанни шошилмай қилиб чиқиптиларми дейман, **қизил иштоннинг** **икки поччаси** кўриниб қопди.

Аъзамжон Ҳакимов. Қўқон шамоли кўтарилган бўлса, **учиб** келишга қийналгандир-да.

Мамадали қори Тошматов. Йўлда битта-яримта ошнаси учраб қолган бўлса, **қичик патини** юлдиргандир-да.

Турсунбува Аминов. Одати шунақа, **бу бўйнинг увилгурни**.

Ибодулла Раҳматиллаев. Иккинчи **«лайлакни худо»** деганимиз шу бўлсин.

Қодиржон ака Ҳалилов. Менга ҳам гап бера-сизларми-йўқми, ахир! Тавба, рост экан, бугун тушимда мени ўнтача мушук таловди-я<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Қўқонлик моҳир аскиячи Қодиржон ака Ҳалилов (лақаби «лайлак») даврага ярим соатча кечикиб кириб келди. Ваҳим чорсулик ҳазилкаш аския шинавандалари у кишини мот қилишни келишиб қўйишган эди.

## ШИНГИЛ АСКИЯЛАР

### ЧИН ҲАЗИЛ

Ўзбек халқининг севимли санъаткори марҳум Юсуфжон қизиқнинг ҳикоясича, Ҳудоёрхон саройида қизиқчилар труппасини бошқарган Зокир эшон (Зокир гов) хон ва унинг амалдорларини аския қилгани учун хон томонидан олти ойгача уй қамоғига ҳукм қилинган. Зокир гов қамоқдан қутулиш учун турли қизиқчилик ва ҳийлалар ишлатган, ниҳоят, хон олдига паранжи ёпиниб бориб, ундан гуноҳини кечишни илтимос қилган ва илтимоси инобатга олинган.

Бир куни Зокир гов ўз сафдошлари билан Ушдаги бир бойнинг тўйида аския қилиб, халқни кулдириб турганида тўсатдан ўлиб қолган. Устознинг ўлими унинг сафдошларини, шогирдларини чуқур қайғуга солибди, улар йиғи чиқармоқчи бўлибдилар. Бундан хабардор бўлган бой: «Тўйимни азага айлантирманглар, Говнинг ўлимининг ҳазилга чиқаринглар, бўлмаса жазога тортаман», деб дўқ қилибди. Улар мушкул аҳволдан қутулиш учун мурданинг атрофини ўраб олиб, юраклари чуқур изтиробга тўлган ҳолда аския қилишибди:

Мўмин Қишлоқи. Туринг, ҳазил вақти эмас, суьни иситиб қўйишди, ювғувчилар ювишади. Бекорчи ҳазил чинга айланиб кетади, ахир.

Усмон қори. Қўй, ётаверсин. Зардасини хотинига қилсин, бизга нима!

Саъди махсум. Майли, қўявер, кейин ўзи пушаймон қилади, барибир ўрнига ўтмайди.

### КАМОЛИГА ЕТСИН

Қўқонда Урфий деган, Хўжандда Камол Хўжандий деган шоирлар бир-бирлари билан дўст экан. Камол Хўжандий Урфийни меҳмонга чақирипти. Супада суҳбат қилиб ўтирганларида Камол Хўжандийнинг кичкина кучуги дастурхон ёнига келиб, ҳатто дастурхонга тегиб кетса ҳам, у индамас экан. Урфийнинг жуда гаши келиб, аччиғи чиқипти ва охири сўрапти:

Урфий. Бу махсумчага нима ном қўйганлар?

Камол Хўжандий. Урфий номлардан бирини қўйганмиз-да.

Урфий. Камолига етсин!

## ЛОФЛАР

### ТОК

Юсуфжон қизиқ:

— Марғилоннинг ери хўб ер-да, бир бош узуми икки замбар келади-я!

Мамажон махсум:

— Токини Андижондан пархиш қилиб олиб келган-дирсиз-да!

### БОР, БАРАКА ТОП

Кеча бозордан бир қўй сотиб олувдим, сўйсам, ичидан олтига «бор, барака топ» чиқди.

### ЕНҒОҚ МАҒЗИ ВА ТУЯЛАР

Бир лофчининг эшаги яғир бўлиб қолибди. Унга биров, ёнғоқ мағзини қўйинг, дебди. Ёнғоқ мағзини қўйган экан, мағиз кўкариб дарахт бўлиб кетибди, шигил мева қилибди. Ёнғоқларни қоқиш учун кесак отса, кесаклар сира ерга тушмас эмиш. Бир кун чиқиб қараса, кесаклар тарвуз тугибди. Бир тарвузни пичоқлаган экан, ўзи ичига тушиб кетипти. У ёқ-бу ёққа қараса бир лофчи ўнта туяни етаклаб келаётган эмиш. Нима қилиб юрибсиз, деб сўрабди.

— Бултур юзта туя йўқотган эдим, энди ўнтасини топдим. Сиз нима қилиб юрибсиз?

— Пичоқ йўқотдим,— деб жавоб берипти ҳалиги лофчи.

— Юзта туягни тополмаяпману, сиз пичоқ топа оласизми,— депти кейинги лофчи.

### ГУРУНЧ ЮКЛАНГАН ХУРОЗ

Андижонлик бир лофчи қўқонлик лофчини мот қилман деб, атайлаб Қўқонга келиб, дўстининг эшигини қоқса, лофчининг қизи чиқибди. «Дадангиз қани» деб сўраса, «Икки қоп гурунчни дакани хўрозларига юклаб Хў-

жандга кетдилар», деб жавоб берибди. «Хали қизидан шунақа жавоб эшитсам, ўзидан худо сақласин», деб, нафасини чиқармай Андижонга жўнаб қолибди ҳалиги лофчи.

### ДАРАХТГА ҚУНГАН БАЛИҚЛАР

Икки кўкнори кўкнор эзиб ўтиришиб, суҳбатга киришиб кетишипти:

— Уста Мамат, мабодо дарёга ўт кетиб, сувлар жизғин-пизғин бўлиб кетса, бечора балиқлар нима қиларкин-а?

— Лаббай, балиқлар дейсизми, Комилвой?

— Ҳа, балиқлар деяпман-да, балиқлар!

— Шунга ҳам ташвишми, пир этиб дарахтга қундилар-да!

— Балиқлар-а?

— Ҳа, балиқлар қўнмай, ҳўкизлар қўнсинми?

### ТОЙ МИНГАН АЕЛ

Аширмат кўкнори сандалда кўкнор эзиб ўтириб, гафлатга кетиб қолибди ва туш кўрибди:

«Тухум олиб бостириб товуқ қиламан, қўзи олиб қўй қиламан, бузоқ олиб сигир қиламан, от боқиб тойчоқ оламан».

Шу вақт хотини тойчани мен минаман деган экан, чўчиб уйғониб кетиб хотинига: «Қоч, тойчоқнинг белини майиб қиласан!» дебди.

### ЕТТИ МУЧАЛ

Бир лофчи иккинчи бир лофчининг уйини тақиллатди. Лофчи чиқиб сўради:

— Мен билан чандишаман дейсан, ёшинг нечада?

— Одам Атодан етти мучал каттаман,— деб жавоб берди чақириб келган лофчи. Бу жавобдан иккинчи лофчи ҳўнграб йиғлай бошлади.

— Нега мунчалик тўлиб йиғляяпсиз?

— Сен туғилган йили менинг бир уйлик-жойлик ўғлим ўлган эди, шу эсимга тушиб кетди,— деди иккинчи лофчи.

### ГИЛАМГА ЯМОҚ

Бир лофчи иккинчи лофчининг уйига келиб деди:

— Сизга бир гиламни совга қилиб келтирдим, унинг бир учи бу ерда бўлса, иккинчи учи Самарқандда турибди.

Иккинчи лофчи унга дарҳол жавоб берди:

— Раҳмат, яхши қилибсан, меҳмонхонадаги гиламнинг озгина ерига ўт тушиб куйган эди, сен совга қилган гиламни ўшанга ямоқ қиламан.

### ХУДОЛИК ДАЪВОСИНИ ҚИЛГАН ЛОФЧИ

Бир лофчи Хорун ар-Рашид замонасида «Мен худо бўлдим» деб даъво қилибди. Уни уламолар кофир деб, подшо ҳузурига олиб борибдилар. Подшо айтди:

— Эй бадбахт, бултур биров пайғамбарлик даъвосини қилиб осилиб ўлган эди, сен шундан ибрат олмадингми деса, лофчи айтибди:

— Йисе, ўтган йили ҳеч кимни сизнинг олдингизга пайғамбар қилиб юбормаган эдим-ку,— дебди.

### ҚИЛ КУПРИК

Бир лофчи иккинчи бир лофчига Сўфи Оллоёрнинг куйидаги шеърини ўқиб бериб, маъқулми деб сўради:

Жаҳаннам узра бир кўпрук эрур оҳ,  
Ўшал кўпрук сурат отлик гузаргоҳ.  
Қиличдан тез эрур, қилдин ингичка.  
Гуноҳкорлар ўшал кун тушгай ичга.

Иккинчи лофчи жавоб берди:

— Ёлғон ҳам эви билан-да! Умарбой бир кўприк қилди — тўрт от ўтади, Қулматбой бир кўприк қилди — тўрт арава ўтади, Нурматбой бир кўприк қилди — бир йўла ўн минг қўй ўтади. Худо шундай катта бўла туриб қилдан кўприк қиладими!

## ОТАМ ҚАШҚАРНИ СЎРАГАН

Марғилон лофчиларидан Сулаймон қори бир йиғинда: «Менинг отам Қашқарни сўраган», дебди.

Юсуфжон ака: «Сенинг отанг ақалли элликбоши бўлмагану, Қашқарни сўраган дейсан», деса, Сулаймон қори:

— Йўғ-э, Қашқар Ушнинг қайси томонида деб бировдан сўраган.— деб жавоб берибди.

## САРАТОНДА ПУСТИН КИЙГАН ЛАҚМА

Тошкентдан бир машҳур лофчи Андижондаги дўстиникига келиб, уни лоф билан мот қилмоқчи бўлади. Эшигини тақиллатса, ҳалиги дўсти устига пўстин, бошига телпак, оёғига этик кийиб чиқиб қарши олади.

— Ҳа, саратонда бу нима қилганинг?— деб сўради тошкентлик лофчи.

— Сен билан бўладиган суҳбат қизиқ кетиб, шу билан қишга кириб қолсак, совқотиб қолмай деб, бир йўла кийиниб чиқдим,— деб жавоб берипти.

## КИЙИК ОТИШ

Подшо энг яхши мерганларни ҳузурига чақириб, ким ўткир ов қилади, деб сўраб қолади. Мерганларнинг ичида бир лофчи бор экан, таъзим билан деди:

— Мен Кўҳи Қоф тоғининг энг баланд чўққисида турган кийикни пастдан туриб отган эдим, чап оёғидан яраланиб, ўзини булутларнинг тепасига олди. Бечорани ўтлаб юрганида зўрга йиқитибман-а!

— Уша ҳам кийик отишми,— деди иккинчи лофчи.— Кеча мен туябулут устида ўқдек учиб югуриб кетаётган кийикни кўзимни юмиб туриб отган эдим, ўқ шохининг учидан зингилаб кириб туёғидан чиқиб кетса бўладими.

## КИТ БАЛИҒИГА ЭГАР-ЖАБДУҚ

Бир лофчи иккинчи лофчига:

— Жўра, кит балиғини билмасанг керак-а? 150 тонналик кит бир нафас олганда қирқ литр сув ютар экан.

Ҳинд океанида чўмила туриб, китнинг нафасига тўғри келиб қолибман. Бўйин тешигини ёриб чиқиб кетиб, зўрга қутулдим.

Жўраси айтди:

— Мени кўрмаган экансан-да! Китга эгар-жабдуқ солиб миниб юрувдим. Эсиз, ҳеч бўлмаса нўхтасини бериб қўярдим.

## УЛЖА ҲОЗ ВА ТУСТОВУҚЛАР

Усмонжон Каримов деган бир лофчи дўстимиз кунлардан бир куни Андижондан Арслонбобга жўралари билан машиналарда сафарга чиқишиб кетаётиб, қўштиғ милтиғи билан учиб бораётган ғозларни отган экан, ўн битта ғозга тегиб, тўрттаси ўзи ўтирган машинага, еттитаси олдинги машинага пат-пат қилиб тушибди.

Шунда ёнида ўтирган мерган ошнаси машинадаги тустовуқларга ишора қилиб:

— Бу-ку, чамамда бир юз элликта келади, икки юзтаси кейинги машинада бўлса керак,— дебди.

## ТОВУҚ ҚУВЛАГАН АЗРОИЛ

Лофчи туш кўрган экан:

— Тушимда Ҳазрати Хизрни кўрдим, қанотлари хўрознинг патларидек бир ранг-баранги, яна белларида тилла камару, оёқларида амиркон кавуш денг, тавба!— дебди.

— Бекор гап,— дебди жўраси,— Ҳазрати Азроилни кўргандирсиз, кеча минорча товуқларимизни қувлаб юрувди.

## ДОШҚОЗОН ВА ҚИЗИЛЧА

Халилча ҳалол деган наманганлик бир лофчи билан оҳангаронлик Сандонқул Тангатопган деган довонда учрашиб қолишибди. Ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин:

— Хўш, Оҳангаронларда нима янгиликлар бор?— деб сўрапти Халилча ҳалол.

— Ҳе, нима бўларди, олам ҳодис, яъни биз яшаб турган олам ҳодисалардан иборат деганларидек, бизнинг Оҳангарон чилангирлари бир мингу уч юз қирқ қулоқли битта дошқовон яшашпти. Бир қулоғида туриб ўн қадоқли болға билан эрталаб ургандаги чиққан овозни иккинчи қулоқдаги чилангир тушдан кейин эшитади.

— Баракалла, бу киройи декча бўлибди,— депти Наманганлик Халилча ҳалол.

Кейин Сандонқул сўрабди:

— Хўш, Наманганда нима янгиликлар бор?

— Наманган деҳқонларининг қўли гул таърифиллиги бу томони Чинмо-чин, бу томони қайсари Румгача маълум. Ғирвон деҳқонлари бу йил лавлаги — қизилча эккан эдилар. Айниқса Шоди сўтакнинг лавлагиси бўлиб берди. Юқори даштда шундай бир туп лавлаги ўсдики, баргларининг соясида ўн минг отлиқ аскар салқинласа бўлади.

— Вой аҳмоғ-е,— дебди Сандонқул,— лоф ҳам эви биланган, лавлаги ҳам шунақа бўладими?

— Мен аҳмоқми, сенми?— дебди Халилча ҳалол.— Сен айтган ҳалиги қозончада ўша лавлаги қайнамаса, нима қайнайди?

### ШУ ҲАМ ҚОР БУПТИМИ?

Бир лофчи бошқа лофчини бопламоқчи бўлди:

— Қишлоғимизда шундай қалин қор ёғдики, товуқларимиз тепасига чиқиб, юлдуз териб ейишди.

Бошқа лофчи пинагини бузмай, жавоб қилди:

— Шу ҳам қор буптими? Бизнинг қишлоқда унақасини қиров деймиз.

### МЕН УШЛАГАН ҚУШНИНГ БОЛАСИ

— Кеча бир қуш тутдим денг,— деб гап бошлади бир лофчи,— тумшугининг ўзи нақ ўн олти газ келади. Қобирғаларидан дарёга кўприк қурдик.

Бошқа бир лофчи гапга аралашди:

— Агар гапинг рост бўлса, қайси куни мен ушлаган қушнинг боласини тутганга ўхшайсан.

### БОШИ ОСМОНДА ЮРАРДИ

Бир куни икки лофчи учрашиб қолишибди.

— Раҳматлик отамнинг бўйи чунон узун эдики, боши осмонда юрарди,— дебди бир лофчи.

— Ушанда отангизнинг бошига бирор нарса тегиб турарканми?— деб сўрабди иккинчиси. Ҳалиги лофчи булутни айтяпти, деб ўйлаб:

— Ҳа, тегиб турар экан,— деса, иккинчи лофчи:

— Уша тегиб турган нарса, раҳматлик отам кийган тўннинг этаги эди,— дебди.

### ҚУЛ СОАТ

Икки лофчи учрашиб қолишди. Бир иккинчисига мақтана бошлади:

— Бир қўл соат олдим, катталиги Минскда чиқадиган юк машинасининг гилдирагидек келади. Уйга борсанг кўрасан, стрелкасига сигир боғлаб қўйибман.

— Жон ўртоқ, ўша соатдан тўрттагина топиб бер, янги костюм тиктираётган эдим, тугма қилиб қадаб оламан.

### ТАНТИ ОЙ

Бир лофчи бошқа бир лофчининг уйига меҳмонга келди. Кеча жуда ойдин эди. Лофчи меҳмон ойга қараб ҳайрон бўлди:

— Шу ҳам ой бўлдим, бизнинг маҳалладаги ой томга тегай-тегай деб сузади.

Мезбон лофчи жавоб қилди:

— Бу ҳали ёш, туғилганига энди ўн кун бўлди. Жуда шўх. Бирпасдан кейин қаранг-а, анави ҳовузга тушиб олиб роса чўмилади.

Меҳмон лофчи жавоб қилди:

— Ойингиз жуда эрка-тантқи экан. Эҳтиёт бўлинг шамоллаб қолмасин.

### ТУХУМИ ТАРВУЗДЕК ТОВУҚ

Лофчи чойхонада ҳаммани лақиллатиб ўтирарди:

— Бир товугим бор, азбаройи худо, бургутдан сал каттароқ. Тухуми тарвуздек келади.

Нариги маҳалладан келган лофчи унга жавоб қилди:  
— Ишонса бўлади. Менинг ҳам битта товуғим бор. Ҳозир ишдан келсам, ўша товуғим йўлакка тухум қилиб қўйибди, уйга киролмай қайтиб келяпман. Жон биродарлар, кўпчилик бўлиб тухумни ҳовлига думалатиб кири-тишворинглар.

### ИЛДИЗИ БОР ЭТИК

Бир лофчи дебди:

— Янги этик тиктирган эдим, кечқурун уни ҳовлида ечиб ётдим. Эрталаб туриб қарасам, пошнасидан илдиз отиб, қўнжидан барг чиқазворипти.

Бошқа лофчи жавоб қилди:

— Ҳа, қўлинг сингур косиб, таг чармига тахта қўйган экан-да.

### АЙНИГАН ХИЛИДАН ЭКАН

Бир лофчи иккинчи лофчига деди:

— Кечаги чоршанба бозорда бир сигир олдим денг, егани қуруқ хашағу, сутига қошиқ ботмайди — шундоққина қаймоқ.

Иккинчи лофчи бепарволик билан жавоб қилди:

— Ундан чиқди, олган сигирингиз ўтган ҳафта мен харид қилган сигирнинг айниган хилидан экан. Биз сигиримизнинг елинидан дарча очиб, кунига тўрт ярим килодан сарёғ қирқиб оляпмиз.

### ИККИ ГАЗ ЙИРТИБ ЮБОРДИ

Қодир мўйлов чойхонадагиларни оғзига қаратиб гап сотарди:

— Кеча тулагимнинг ташашганини кўрдиларингми? Азбаройи худо шер бўлиб кетдиёв. Тисарилиб келиб бир тепганда бамисоли пар тўшакни тўзитворгандай бўлди. Соли сўтакнинг беданаси қайси туйнукка уриб кетганини кўрмай ҳам қолибмиз.

— Ҳаҳ, шуни ҳам мақтаниб ўтирибсанми? — деди Карим полвон бўғилиб. — Тунов кун менинг беданам

Ғулом қорининг беданасини бир чўқиб силкиб ташлаганда кекирдагини нақ икки газ йиртиб юборди. Беданамнинг оғзида қолган гўштни уч кило гурвнчнинг ошига босдик.

### БИЗНИКИ — ХУРЖУН

Пенсия ёшидаги икки лофчи райсобес эшигида учрашиб қолишди.

— Ҳа, биродар, — деди биринчи лофчи иккинчисига, — сал тажангроқ кўринасиз?

— Ёшликда чарчашни билмай ишлайверган эканмиз, энди қийин бўлди. Ўтган ҳафта бир қучоқ ҳужжат ташлаб кетувдим, бугун яна бир қучоғини кўтариб келсам, аввалгисини ҳали кўриб бўлмапти, шунга фиғоним ошиб турипти.

— Сизникининг яраси енгил экан, — деди биринчи лофчи. — Бизники — хуржун. Ўтган йили райсобеснинг бир инспекторини уйга бошлаб бориб болохонадан етти қоп ҳужжатни олдига ташладим. Ҳали ярмини ҳам кўриб бўлмади. Яна бир-иккита инспекторни ёрдамга чақиргани келяпман.

### МАСТ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚ

— Али сартарошнинг хотини ўғил туққан эди. Бола туғила солиб ашула айтиб юборса бўладими?

— Шуям чақалоқ бўптими. Бизнинг сартарош бир фарзанд кўрди, қойил қолиб, ёқангизни ушлайсиз. Туғилган заҳоти доя қўлига олса, чақалоқ қип-қизил маст. Уша куниёқ уни ҳушёрхонага олиб кетишди.

### ТЕЛЕВИЗОРДАГИ АШУЛАЧИЛАРГА ЧОЙ ТУТИШ

— Бир телевизор олдим денг, артистлар худди тирик одамдек кўринади.

— Э, бунақа бемаза телевизорни сотиб юборинг. Телевизор кўраман десангиз бизникига келинг. Ашула айтаёт-

ган артистларга чой тутсангиз олиб ичади, ичиб бўлиб раҳмат ҳам дейди. Кейин ашуласини қолган жойидан айтиб кетаверади.

### ХУРРАК ҲАҚИДА ТЕЛЕФОН ҚОҚИШ

— Кенжа ўғлим ёмон хуррак тортадиган чиқди-да. Хуррагидан қўни-қўшнилари ҳам уйғониб кетади.

— Менинг неварамга ўхшаган чиқибди. У хуррак тортганда Андижон, Қарши, Самарқанддан телефон қилиб, хуррак ҳам эви билан-да, деб хафа бўлишади.

### БОЛГА СУДРАГАН ЧУМОЛИ

Бир лофчи иккинчи лофчиникига болга сўраб келди.

— Йўқ деманг, биродар, битта хира қўнғиз эшигим тагида гўнғиллаб безор қиляпти, бошига болга билан бир урамани, яна қайтиб опчиқиб бераман.

Иккинчи лофчи жавоб қилди:

— Жон деб берардим, ammo эрталаб битта чумоли болгамни судраб девордан ошириб олиб чиқиб кетган эди.

### ЯНА УЗ ЖОЙИГА БОРИБ ТУХТАБ ҚОЛГАН БОЧКА

Ун беш суткага қамалган икки лофчи иттифоқо ахлат ташийдиган машина ёнида учрашиб қолишди.

— Буни қаранг, паркдаги ресторанда маст бўлиб қолибман. Кайф устида пиво бочкасини бир тепган эдим, думалаб кетиб йўл-йўлакай учраган кишиларни ағдариб кетаверди.

Бошқа лофчи деди:

— Ўша бочка думалаб кетаверса, яна кўп одамни ағдарарди. Мен уни орқага қараб тепган эдим, ерда чўзилиб ётган кишиларни ўрнидан тургазиб, яна ўз жойига бориб тўхтаб қолди.

### ШОЛИПОЯДАГИ ТАЙЕР ПАЛОВ

— Э, оғайни, бир дарахт эккан эдим, бу йил ҳосилга кирди. Мевасига қарасам қип-қизил ширмойи нон экан. Ҳар куни нонуштага ширмой еяпмиз,

— Э, қўйинг-е, шуни ҳам гап деб гапириб юрибсизми. Бизникига бир келинг, далага чиқиб ўзингиз палов сузиб ейсиз. Баҳорда ерга шоли экдим. Сал ўтмай орасига сабзи экдим. Ундан кейин орасига қўй ҳайдаб юбордим. Кузда хабар олсам, шоли, сабзи, қўй бир-бирига аралашиб кетибди. Боре, деб гугурт чақиб юборган эдим, тайёр паловнинг ўзи бўлиб қўя қолди. Мазаси жуда яхши-ю, ammo еганда одамнинг оғзига ора-сира жун илашяпти, энди келаси йили қўйнинг жунини олиб, кейин шоли пайкалига ҳайдайман.

### ЗИЛЗИЛАДАН ҚУРҚАН БАЛИҚЛАР

Бир лофчи оғайнисига депти:

— Биз ёқда шундай қаттиқ зилзила бўлдики, етти қаватлик иморатлар қоқ иккига бўлиниб, ярми кўчанинг у юзига, ярми бу юзига ўтиб туриб қолди.

Оғайниси жавоб берибди:

— Шу ҳам зилзила бўптими. Биз томонда шундай зилзила бўлдики, дарёдаги балиқлар бола-чақаси билан қирғоққа отилиб чиқди. Бир ой қирғоқда балиқ териб кунимиз ўтди.

### ТЕЛЕВИЗОРДА

Бир лофчи гап қотди:

— Кеча телевизорда Қора денгизни кўрсатган эди, сув телевизордан тошиб уйимизга тушди. Сув токчагача чиққанда телевизорни шартта ўчириб қўйдим.

Бошқа лофчи унга жавоб қилди:

— Бунақа телевизорни сотворинг-е! Телевизорнинг зўри бизда-да. Тунов куни болалар футболга билет олишолмаган экан. Телевизордан кўрсатиб қолди-ку. Бопладим. Болаларни телевизордан киргизиб стадионга ўтказвордим. Уйин тамом бўлгандан кейин тиқилинчда автобусда уринишмасин деб уларни яна телевизордан уйга тортиб олдим.

### ИККАЛА ПРОГРАММАДА

Ошиқ-маъшуқ лофчилар учрашиб қолди:

— Оҳ жонон, васлингизга етолмасам ўзимни кўчадаги симёғочга осиб қўяман.



— Мен ўзимни телевизион вишкага осаман. Ишқингда ўлганимни зангори экраннинг ҳамма программасида одамлар кўрсин.

### ИУҚЛИГИЧА ТУРАВЕРДИ

Бир лофчи кўзойнагини мақтаб қолди:

— Зап кўзойнагим бор-да, шундоқ тақиб қарасам чу-молини қўйдек қилиб кўрсатади.

Бошқа лофчи қўлини силтаб кулди:

— Шуни кўзойнак деб тақиб юрибсизми? Кўзойнак деб меникини айтади. Тақиб олиб қараса йўқ нарсани ҳам кўрсатади. Кеча кўзимга тақиб бир қараган эдим, кички-нагина йўқ нарса филдек бўлиб йўқлигича тураверди.

### ЯРМИ ДОНЛАБ ЮРГАН УРДАК

Бир лофчи мақтанди:

— Кеча бизникига яримта ўрдак учиб келди. Ҳеч тут-қич бермайди, ҳали ҳам томимизга қўниб турибди.

Бошқа лофчи шошиб қолди:

— Ҳой, ҳой, унга тегманг. У бизнинг ўрдак бўлади-я, Ярмини қовуриб еганмиз. Ярми донлаб турсин деб қўй-ворган эдик.

### ТИШ БИЛАН УТИН ЕРИШ

Бир лофчи маҳалласидаги тиш технигини мақтаб қол-ди:

— Ясама тиш қўйишга жуда уста. Шу ясама тиш билан лунжида бемалол ёнғоқ чақиб еса бўлади.

Бошқа лофчи унинг гапини писанд қилмади:

— Тиш технигининг зўри бизнинг маҳаллада. Ясаган тишини лунждан чиқазиб ўтин ёриб, қайта жойига солиб қўйса бўлади.

### ТАРВУЗГА УХШАГАН МОШ

Икки лофчи учрашиб қолишди.

— Бу йил қишлоғимиз деҳқонлари роса бойиб кетиш-ди. Ҳар бир тарвуз элик килодан оғир келади.

— Бизнинг қишлоқда бунақа тарвузларни мош дейи-шади.

## УСТОЗ АСКИЯЧИЛАРНИНГ ҲАЕТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТЛАР

### ДЕҲҚОНБОЙ ШЕРНАЗАРОВ

Шерназар аканинг умри деҳқончилик билан ўтган. Унинг оиласи ували-жўвали, беш ўғил, уч қиздан иборат бўлган. Ана шу оилада 1860 йил кузида, хирмон кўтариш вақтида «супра қоқди» бўлиб Деҳқонбой туғилди.

Деҳқонбой ёшлигида уйларига меҳмон бўлиб келган аскиячиларга<sup>1</sup> хизмат қилиб юриб аскияга қизиқиб қола-ди. Шундан кейин у сайилларда, тўй-томошаларда бўла-диган аскиялардан ҳеч қолмайди.

Деҳқонбойнинг ёшлигида бошига майда яра тошиб кал бўлиб қолган эди, ҳамма унга «кал бўлиб қолдинг» деб тегишар эдилар. Одамларнинг ҳазилларига жавоб қайта-риб юриб Деҳқонбойнинг ҳам «тили» чиқа бошлайди. Се-кин-секин лутф сўзлайдиган, ҳаммани кулдирадиган бў-либ қолади. Шу билан «кал» деган лақаб ҳам орттиради.

«Юзбоши» деган қўшимча тахаллуснинг берилишига унинг талантли аскиячилиги, ўз атрофига кўплаб аския-чиларни тўплагани сабаб бўлган, яъни у «юзлаб кишилар-га» бош бўлган. Бу тахаллусда «кал» мазмуни ҳам бўлса керак.

<sup>1</sup> Фарғона область Бувайда (ҳозир Ленинград) район Бачқир қишлоғи ўтмишда аскиячилар мақони бўлган. Бунга сабаб шуки, 1840 йилда Қўқонни Насруллоҳон босиб олиб, аҳолини қувғин қил-ганида шаҳардаги ёнғ машҳур шоир, ёзувчи ва санъаткорлар бошпана қидириб Бачқирга қочганлар. Кейинчалик эса уларнинг кўплари шу қишлоқда қолиб кетганлар. Меҳмондўст оилада Деҳқон юзбоши вояга етган чоғларда Мирзавали калла, Уста Ҳамроқул, Калмухтор, Уста-ниёзбоқи деганлар Қўқон ва Бачқир томонларда аскиячиликда ном чиқариб, халққа хизмат қилиб келганлар.

Худоёрхон саройида хизмат қилган Зокир гов, Саъди махсум деган қизиқчилар, аскиячилар тўй-томошаларда, сайилларда Деҳқон юзбоши билан бел олишганлар. Гапни жуда пухта «кавлайдиган» кал Рустам Деҳқон юзбошининг устози бўлган. Кейинчалик эса ашулачи ва аскиячи шогирд ўз устози билан кенг давраларда бел олишадиган бўлиб қолди. Мирзараҳим домла қулоқ, уста Матҳолиқ деган аскиячилар Деҳқон юзбошининг доимий «рақиблари» эди.

Деҳқон юзбоши қўқонлик машҳур Эрка қори Каримов билан тез-тез учрашиб турарди. Қўқон, Марғилон, Андижон атрофларидаги халқ сайиллари, тўй-томошалар Деҳқон юзбоши бошлиқ бачқирлик, Эрка қори бошлиқ қўқонлик аскиячилар иштироки билан ўтарди.

Қўқонлик истеъдодли аскиячилардан Комилжон Раҳимов юзбоши тўғрисида бундай дейди:

«Юзбоши ота бўлармиш деган жойдаги сайилга бир кун илгари етиб борардик. Бир томонда Юзбоши билан бирга Исмоилжон ота, Камол амин, Олимжон акалар... Улоқни кўпинча Юзбоши ота ташларди. Тонг отиб кетарди-ю, гап тугамас эди».

Қўқон район Найманча қишлоқлик моҳир аскиячи Мамарозиқ Исҳоқов Юзбошининг маҳоратини ва ундан олган таълимини бундай ҳикоя қилади:

«Аскияга ишқибозликни қарангки, ўттиз-қирқ чақирим жойда аския бўлаётган бўлса, тўнни елкага солиб, пиёда жўнаб қолардик. Деҳқон юзбоши билан Эрка қорилар қатнашган аскиялар айниқса чиройли бўларди. Мен гапга қўшилиб қолсам, Юзбоши билан Эрка қори зеҳн солиб туришарди. Аския тамом бўлгандан кейин Юзбоши ёки Қори ака: «Мамарозиқ, яхши от солдингиз, лекин ҳалиги жойда мана бундай десангиз улоқ сизда кетарди-да», деб қўйишарди. Юзбоши ҳам, Эрка қори ака ҳам бизга ўхшаганларга таълим бериб, аския йўлларини ўргатиб турардилар. Биз улардан ўрганган усул, гап ва сўз ўйинларини бошқа аскияларда ишлатиб, пишитиб олардик. Аммо аскиянинг қолипи йўқ экан. Бир аския пайровидаги маъно ва сўз ўйинлари иккинчи пайровда бошқача чиқиб қолаверади. Устозларимиз гапнинг «мағзини яхши чақиб», «мазасига» қараб жавоб берардилар. Биз пайровда ҳаққалаб, фикрни изчил давом эттиролмай, чала қолдириб кетсак, улар аския ораларида ўша фикрларни эсга солиб, тўлдириб, бизга йўл очиб берардилар. Биз устозларнинг бу

маслаҳатларини мамнулик билан эшитардик ва хурсанд бўлардик».

Бачқир ва Бачқир атрофидан чиққан аскиячилардан Насриддин Мирзааҳмедов, Одилахўжа Саидхўжаев, Мамадали қори Отабоев, Обилжон Норматов ва шунга ўхшаш кўплаб аскиячилар Деҳқон юзбошининг таълимини олганлар, пайти келганда, у билан бел олишиб, паккага кўп марта улоқ ташлаганлар. Ҳозир улар ўз устозларини ҳурмат билан эслайдилар.

Йўлдош ака Охунбобоев Юзбошини жуда ҳурмат қиларди. Қаерда йиғин, сайил бўлса уни айтириб келарди. Агар Бачқир томонга йўли тушиб қолса, Юзбошининг боғчасига қўниб ўтарди.

Кекса журналист Аҳмад Шораҳмедов ўз хотираларини сўзлаб, бундай дейди:

«1932 йил ёз ойларида бўлса керак, машинамиз ариқ бўйидаги қўрали боғча олдига келиб тўхтади. Машина овозини эшитиб боғчадан оппоқ пахмоқ соқолли бир зарбардаст мўйсафид чиқиб келиб, Йўлдош ака билан қуюқ сўрашди, ҳар иккаларини тиккамачай кулиша кетишди. «Қани, қани, ичкарига, ташналикларини ёзсинлар», деди ҳалиги мўйсафид. Йўлдош ака кулги ичида: «Қани, қани, ўзлари бошласинлар», деб тегишди. Кулги яна авж олди. Бу сўз ўйинларининг мазмуни менга шу ондаёқ маълум бўлди: Йўлдош ака Юзбошига «Бошласинлар» (Юзбоши кал эди) деб, қочириқ қилган экан».

Деҳқон юзбоши 1925—1940 йилларда Қўқон шаҳридаги Фурқат ва Муқимий номли маданият ва истироҳат паркларига ўтказилган аския кечаларида Эрка қори Каримов ва бошқа аскиячилар билан кўп марта учрашди. Уша йиллари Тошкентдаги Пушкин номли маданият ва истироҳат паркда бўлган аския учрашувларида Юзбошининг номи айниқса машҳур бўлди. У 1932 йилда Тошкент циркида бўлган аскияда, колхозчиларнинг республика Қурултойларида, ниҳоят, 1937 йилда Москвада бўлган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида қатнашди.

Деҳқон юзбоши Шерназаров 1930 йилда Бачқир қишлоғидаги «Коминтерн» колхозига аъзо бўлиб кирди, умрининг охиригача, яъни 1942 йилгача шу колхозда ҳам ҳалол меҳнат қилди, ҳам халқни кулдириб келди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> В. И. Ленин номли Тошкент Давлат унверситети томонидан жалқ оғзаки ижоди жанри — аскиянинг ўрганиш юзасидан ташкил

Эрка қори Қўқоннинг Тумор қишлоғида Карим ака деган камбағал деҳқон оиласида 1880 йилда туғилди. Бир ярим яшарида чечак тошиб, Эрканинг икки кўзи тамом кўр бўлиб қолади. Камбағал ота ва она ожиз фарзандини ўн яшаригача боқадилар, кейин уни шаҳарга олиб келиб поччасининг тарбиясига берадилар. Эрка қорининг поччаси Мадрасаи Мирзода ҳужра тутарди. Ожиз Эркани Эрка қори деб атай бошладилар. Ун беш-ўн олти ёшларида Эркада ашулага ишқибозлик бошланади. Биров «фалон жойда ашула бор эмиш» деса, ўша ерга ҳасса билан пиёда кетиб қоладиган бўлди.

Кўзи ожиз, лекин хотираси гоят сезгир, ўткир зеҳли Эрка қорида ашулага ишқибозлик бечиз бошланмайди, биринчи эшитган ашуласининг сўзлари оҳанги билан ёдига ўша ондаёқ жойлашиб қоладиган бўлади. Натижада овози ширали ва баланд Эрка қори тез кунларда сайилгоҳларда даврага кира бошлайди.

Революциядан олдин халқимиз орасида хат-саводлилар деярли йўқ эди. Шу сабабли кўпчилик меҳнаткаш омма орасида шоирларнинг шеърларини куйловчи ҳофиз ва ашулачиларнинг хизмати катта бўлди. Ашулачи ва ҳофизлар зўр хотира, ўткир зеҳн билан шоирларнинг шеърларини кўпчиликка етказардилар. Эрка қори 1900 йилларда худди шундай сиймо бўлиб майдонга чиқади. У Муқимий, Фурқат, Завқийлар билан замондош эди, улар билан бир неча марта ўчрашган, суҳбатларда бўлган, уларнинг шеърларини ёддан билган ва янги-янги куйларда тараннум этган. Бобир, Навоий, Умархон, Нодира шеърларини катта ашула йўлига солиб халққа манзур қила бошлади. Катта маҳорат эгаси Эрка қори дастлаб ашулачилик билан шуҳрат қозонган бўлса, кейинроқ унинг аскиячилик қобилияти ҳам юзага чиқа бошлайди. Ҳозирги Ўзбекистон районининг Қораюзбува қишлоғидаги сайилгоҳда бундан қирқ йилларча муқаддам ўз тенгқури Мамаюнус ака билан танишади, шу билан икки ёш, аммо зўр қобилиятли аскиячи ўртасида катта дўстлик ва ижодий ҳамкорлик бошланади.

Этилган илмий экспедиция 1961 йил 10 май куни Деҳқон юзбоши туғилган Бачқир қишлоғида Қўқон районларидаги ўттиздан ошиқ атоқли аскиячиларнинг учрашувини ўтказди. Учрашувда юзбошининг барча шериклари, шогирдлари ва ҳамқишлоқлари қатнашди ва зўр аскиялар бўлиб ўтди. Ингилганлар Деҳқон юзбошининг зўр истеъдодини хотирладилар ва номини ҳурмат билан тилга олдилар.

Эрка қорининг ашулачилик ва аскиячилик ижоди халқ хўжалиги қурилишларида айниқса булоқдек қайнади. Логон ва Катта Фарғона каналлари қурилишларида «Канолимга келинг» ашуласи билан машҳур бўлди. Ожиз бўлишига қарамай, қурилиш трассалари бўйлаб ашула ва аскиялар қилди. Йўлдош Охунбобоев унга ўз қўли билан икки марта ҳукумат Фахрий ёрлиғи топширди.

Эрка қори Қўқондаги Муқимий ва Фурқат номли маданият ва истироҳат паркларида ҳаётининг сўнгги 30 йили давомида халққа хизмат қилди. Бу парклар деярли ҳар куни одам билан лиқ тўла бўларди. Бачқир, Найманча, Ваҳимчорсу аскиячилари Қори ака ва Мамаюнус акалар билан «бел» олишгани гурас-гурас бўлиб келишардилар.

Ш. Ризо «Халқ санъаткорлари» деган мақоласида бундай деб ёзади:

«Мамаюнус ака билан Эрка қори Қўқон гулбоғида мавзуни автомобилдан олиб айтишиб қолишди. Мамаюнус ака ҳар ҳолда икки кўзи очик, автомобилни кўрган, унинг айрим қисмларини унча-мунча билади, шу сабабли «ўз рақибининг камчиликларини у билан танқид этиш учун унда «материал» кўп бўлиши мумкин. Аммо, бунга қарамай, Мамаюнус ака мот бўлди (карбюратор — кал буратур)<sup>1</sup>.

Эрка қорининг «бел олишувчи» сафдошлари, моҳир шогирдлари, тарафкашлари бениҳоя кўп эди. Улар Қори акага тегажаклик қилиб, кўпинча ўзлари гап эшитиб олардилар. Кўп сайил ва аския учрашувларида бирга бўлган Бухорбек (Акабухор) Зокиров кунлардан бир куни бозордан ранг олиб уйига қайта туриб, Чорсу самоварларидан биринда Қори акани кўриб қолиб ҳазиллашипти:

— Қори ака, бозордан пича ранг олувдим, кўриб берингчи, қанақа ранг экан?

Қори ака ҳеч сўзсиз, рангни бемалол олиб, қўли билан пайпаслаб қайтиб берибди:

— Ма, ол, билмадим, рангинг қурсин!<sup>2</sup>

Эрка қори зийрак ва ниҳоят ҳозиржавоб эди. Ўзбекистон халқ шоири Собир Абдулла йигинлардаги лақаб аскиялари ва йўл-йўлакай ҳазил-мутойибалар ҳақида ўз хотираларида бундай деб ёзади:

<sup>1</sup> «Гулистон» журнали, 1940, № 4.

<sup>2</sup> Қўқон район Найманча қишлоқлик машҳур аскиячи Мамарозиқ ака Исҳоқовдан ёзиб олинди.

«1937 йили ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлигини Москвада ўтказиш учун бораётган поезднинг бир вағони халқ қизиқчилари ва аскиячиларига ажратилган эди, каминна шуларнинг ҳоли аҳволидан хабардор бўлиб кетишга вакил қилинган эдим. Икки кеча ўтгач, ёзувчи ўртоқларим келиб Эрка қори акадан аския илтимос қилмоқчи бўлдилар.

Буни пайқаган Мамаюнус ака ухлаб ётган Эрка қорини аста туртиб:

— Туринг, Қори ака! Кўр отга (курортга) келдингиз!— деди. Эрка қори ёстиқдан бошини кўтарар экан, шошиб-пишиб, пайпаслаиб деразадан ташқарига қараган бўлди-да, дарҳол юзини Мамаюнус ака томонга буриб:

— Ҳовлиқмай қолинг, Мамаюнус! Шўртепа-ку!— деди. Бундан чиқди Мамаюнус аканинг лақаби «кал» экан. Буни ёзувчиларнинг зийраклари заковат билан фаҳмлаб, аския давомида қаҳқаҳани бўшатмадилар».

Декада кунларида халқ ижоди кенг намойиш қилинди. «Колхоз тўйи» инсценировкасида Эрка қори ашула ва аския билан қатнашди. Эрка қори Каримов шу декада муносабати билан ҳукуматимиз томонидан «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланди.

Эрка қори Каримов юздан ошиқ ашула биларди, шеърларни катта ашула усулига соларди. Тарихий ҳодиса ва воқеаларни завқ билан сўзлаб берарди, кўплаб таниш кишиларнинг овозини, номини адашмай қачон бўлса ҳам айтиб бера оладиган хотира қудратига эга эди.

Мазкур сатрлар автори Эрка қори Каримовни 1929 йилдан билади. Уйимиз Чорсудан уч километрча нарида эди. Кўчадан ўтган одамларга қўшилиб, кўчамиз боалари билан биз ҳам Чорсу томон йўл олардик. Қори ака аскияларини мароқ билан тинглаб, гоҳо-гоҳо аралашиб ҳам қўярдик. Орадан йиллар ўтди. 1946 йил бўлса керак, ашула ва аския эшитиш иштиёқида Қўқонга бориб қолдим. Қори акага ҳурмат билан салом бериб, қўлини олганимда: «Эҳе, Расулжон, урушдан соғ-саломат келдингизми, бола-чақалар омонми?»—деб сўрашдилар! Мен Қори аканинг хотирасига ўшанда ҳайрон қолган эдим. Қори акада ҳажв қуввати ҳам зўр эди, турли латифалар айтиб одамларни кулдирадди, дўстларига тегишарди, ҳамма вақт, ҳар бир ҳолатда ҳам хушчақчақ, ширин сўз, камтар ва маслаҳатгўй эди. Ашула айтганда ҳам, аския қилишганида ҳам сўзларини аниқ талаффуз қиларди, жарангли овози билан сўз мазмунларини худди ипга маржон тергандай безарди...

...1956 йил. Даҳмаи-шоҳ қабристонини. Қўқон ва теварақ-атрофдан денгиз каби оқиб келган халқ чуқур қайғу билан Эрка қори жасадини елкасида ҳурмат билан авайлаб кўтариб бориб, мақбаралар олдидаги қабрга қўйди. Азамат мажнунтоллар Қори ака қабри тепасида мажруҳ силкиниб турибди.

### ЮСУФЖОН ШАКАРЖОНОВ

Қўқон хонлигида ташкил топган «Қизиқчилик театри» халқ ўртасида 1832—1842 йилларда айниқса ривож топди. Бедиёшум деган киши «Қизиқчилик театри»нинг машҳур артистларидан бўлган ва театр учун комедиялар яратган. XIX аср ўрталарида яшаган Саъди махсум, Зокир эшон, Шодмон қизиқ, Нормат қизиқ, Мулла Ҳошим, Мўмин қишлоқи, Холмат қизиқ, Хушомад қизиқ каби кишилар Бедиёшумнинг шогирдлари бўлганлар. Ўзбек халқининг йирик санъат арбоби, севимли қизиқчиси ва аскиячиси Юсуфжон қизиқ Шакаржонов Саъди Махсумнинг таълимини олди.

Кулгини севган ва нафини билган киши одам бошига қайғу тушган дақиқаларда ҳам унга тасалли беришга уринади, яхши соатларда ҳам кулгини аритмайди. Юсуфжон ака худди шундай сиймо эди. Мана, унинг ҳаётидан бир кичик лавҳа:

«Бир кун Юсуфжоннинг эшигига бир одам келиб:

— Устоз Саъди Махсумнинг товлари бўлмай ётибдилар,— деган эди. Юсуфжон кийимларини нари-бери кийиб йўлга тушди. Етиб бориб устозининг олдида кирганда, устозининг нариги дунёга сафар вақти яқинлашганини сезди-да, билмаган кишидек гап бошлади:

— Юрагимизни аламзада қилиб кетгандан кўра, бошида дунёга келмасангиз ҳам бўларкан.

Саъди Махсум:

— Узимнинг ҳам оёғим тортмовди-ю, ҳол-жонимга қўймасдан дадамлар олиб келдилар-да!

Юсуфжон қизиқ:

— Устоз, энди, ўлим ҳақ, ҳаммамизнинг бошимизда ҳам ўлим бор. Сиз кетиб биз қолмаймиз. Вақтлуроқ борсангиз, биздан олдин ўтган қизиқларга салом айтинг.

Саъди Махсум жиддий:

— Қани, мен бориб кўрай-чи, мабодо каттароқ тўй-пўй бўлса, хат юбораман, кечикмай тезроқ боринглар»<sup>1</sup>.

Юсуфжон аканинг ҳаёт йўли ранго-ранг, у қизиқчиликни аския билан боғлаб олиб борди. У аскиянинг «Тутол», «Радиф», «Ухшатдим», «Қофия» ва бошқа шакллари ривожлантириб, қизиқчилик репертуарларида камолга етказди.

Мана «Қофия» усулидан бир мисол. Юсуфжон ака «кал» лақабли Уста Мутавали деган аскиячига қочирма қилиб бундай деган:

«Дарахтсиз ҳовлига кирдим, бошимдан офтоб ўтди».

Уста Мутавали Юсуфжон аканинг чаққон ўйин тушишига қочирма қилиб, шу ондаёқ бундай жавоб берган:

«Қаддингдан ўргилай, жонон, сенинг қадринг ёмон ўтди»<sup>2</sup>.

Юсуфжон ака ташкил қилган халқ труппаларида халқ ижодининг ҳамма намояндалари бор эди. Сулаймон қори, Усмон қорилар Юсуфжон аканинг аскиячи «рақиб»лари эди.

Шакаржонов ижоди совет ҳокимияти йилларида гуллади. У дастлаб Ҳамза Ҳакимзода труппасида хизмат қилди, сўнгра Фаргона водийсидаги санъаткорларни халқ труппасига тўплади, труппа 1935 йилгача республиканинг шаҳар ва районларида халқ ижодининг кўп жанрларида томошалар кўрсатди. Ер-сув ислоҳоти, колхозлаштириш, халқ қурилишларида ўз труппаси билан тинмай ишлади. 1935—1937 йилларда ўртоқ Йўлдош Охунбобоев ташаббуси билан уюштирилган халқ сайилларида, цирк томошаларида халқимиз Юсуф қизиқ ижодидан баҳраманд бўлди. 1937 йилги ўзбек санъати ва адабиётининг Москвадаги декадасида Юсуфжон қизиқ бошлиқ қизиқчилар, аскиячилар алоҳида ҳурматга сазовор бўлдилар.

Юсуфжон қизиқ ижодидида руҳонийлар, бойлар, катта ер эгалари, чор чиновниклари, маҳаллий амалдорлар ва босмачиларнинг башараларини фош қилувчи репертуар муҳим ўрин эгаллаган. Унинг ҳозиржавоблигини, шижоатини қуйидаги кичик лавҳада кўриш мумкин:

«Фаргонанинг энг қонхўр босмачиларидан бири Мадаминбек эди.

Кунлардан бир кун, ён-веридаги қишлоқларни талон-тороғ қилиб, кексаларни, хотинларни, болаларни отиб, чопиб,

ёш қизлар, ёш йигитларни банди қилиб чарчаган Мадаминбек ўз хизматидаги йигит оғаларини чақириб:

— Юсуф қизиқни қайдан бўлмасин тутиб келтиринглар!—деб буйруқ берди.

Маузер, бешотарлар билан қуролланган йигитлар уч соатлардан кейин Юсуф қизиқни келтирдилар. Йигитлар қизиқ устидан ҳақоратлаб кулиш учун уни ориқ, яланғоч бир байталга миндириб, икки оёғини отнинг қорни тагидан боғлаб олиб келган эдилар. Бечора қизиқ ўлар ҳолатга етган эди.

— Ҳа, қизиқ,—деди заҳарханда билан Мадаминбек,— йигит юбормасам, йўқлаб ҳам келмайсан. Оқибат шу бўлди-ми?

— Йигитларингизга ҳам бўй бермас эдим. Аммо аммангизни юборган экансиз, у кишининг юзларидан ўтолмай келишга мажбур бўлдим,—деб байталга ишорат қилди Юсуфжон қизиқ»<sup>1</sup>.

Умр бўйи одамларни кулдирган, улар билан бирга ўзи ҳам кулган Юсуфжон қизиқ қуйидаги сўзларни бежиз айтмаган эди: «Мен сизлар билан бирга кулишгани, сизларни кулдиргани келганман. Кулинг дўстлар, умрингиз узоқ бўлади».

Партия ва ҳукуматимиз Юсуфжон қизиқ Шакаржоновнинг халқ учун қилган зўр хизматларини тақдирлаб, 1958 йилда унинг тўқсон йиллик юбилейини ўтказди. Юбилей республикамизнинг катта тўйига айланди. Юсуфжон қизиқ 1959 йил 3 ноябрда 91 ёшида вафот этди.

#### ОТА ВА УФИЛ

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи ярмида Тошкентда «аскиячи» лақаби билан икки зўр истеъдод эгалари яшаганлар ва бир умр халқни закий, лутф, ноёб сўзлар, юмористик ҳикоя ҳамда шеърлар билан кулдириб келганлар. Ҳозир Тошкент аҳолиси, аския ишқибозлари қаерда кулки, аския бўлса ота-бола Исахон ва Саидахмад аскиячиларни ҳурмат билан тилга оладилар.

Бу икки сиймо аскияни пайров усулида айтишганлари ҳозирча номаълум, лекин уни билган, тарихини эшитган

<sup>1</sup> Т. Обидов. Юсуфжон қизиқ. Узадабийнашр, 1960, 16-бет.

<sup>2</sup> Усмон қори Раҳимбековдан ёзиб олинди.

<sup>1</sup> «Муштум» журнали. 1964, № 17. Фафур Фулом. «Юсуфжон қизиқ ҳангомалари».

шинавандалар бу ота-ўғил аскиячиларни ниҳоят ҳозиржавоб, лутф сўз, дарҳол шеър тўқиб ташлайдиган қобилиятларини хотирлаб уларга таҳсин ўқийдилар. Кўп кишиларнинг айтишларига қараганда, улар аскиянинг якка айтиш шаклини ривожлантирганлар.

Исахон аския 1896 йилда 90 ёшларида вафот қилган. Касби муҳргар эди. Умрининг бошларида Қўқонда, кейинчалик Тошкентда яшаган бу кишининг табиатида ўткир юмор, сатира руҳи бор эди. Бирор мушкул сўз олдида доддираб қолмай, жуда тез ҳозиржавоблик билан рад сўзи айта олар эди.

Тошкентлик Муҳиддинхўжа Зиёвуддинов<sup>1</sup> Исaxon аскиянинг ҳозиржавоблик билан шеър тўқишини хотирлаб, қуйидаги ҳикояни айтади:

«Оққўрғонга қози сайланган Аннақулбек муҳр ўйдиргани келиб, Исaxon аскиячига айтибди:

— Муҳрга қайнатамнинг отини ўясан. Отлари Хуш Муборак. Менинг отим Аннақулбек. Азруйи шарият қуръондан иккита сурани ҳам шу муҳрга қўшиб ўясан.

— Ия,— дебди аскиячи,— бу муҳр бирор сопол лаганча бўлар экан-да?!

— Йўқ,— дебди Аннақул,— катталиги бир миридан катта бўлмасин.

Эртасига муҳр шундай тайёр бўлган эди:

«Қуръондан икки сура: ёсин билан таборак,  
Қозиси Аннақулбек, қайнога Хуш Муборак».

Муҳиддинхўжа Зиёвуддиновнинг эслашича Исaxon аскиянинг ўғли Саидахмад аския 1860 йилларда туғилиб, 1932 йилларда вафот этган. Саидахмад аския билан яқин дўст, тўйларда меҳмондорчиликларда кўп йиллар бирга бўлган тошкентлик кексаларимиздан Шомансур Шоюсупов (1881—1965)нинг ҳикоясига қараганда, Саидахмад аскиячи Шарқ адабиётини мукамал билган ва ғазаллар ҳам ёзиб юрган. Фурқат Тошкентга келганида бўлган бир меҳмондорчиликка Шомансур ота ва Саидахмад аскиячи ҳам таклиф этилган. Сўхбатда зўр кулгилар бўлган, ғазаллар ўқилган. Меҳмонлар Саидахмад аскиячидан жуда мамнун бўлганлар.

<sup>1</sup> М. Зиёвуддинов Исaxon аскиячи, Саидахмад аскиячиларнинг репертуарларини яхши хотирлайди, улар билан сўхбатларда кўп бўлган.

Шомансур ота Саидахмад аскиячининг ҳозиржавоблигини кўрсатувчи бир мисолни шундай ҳикоя қилиб берди:

«Кунлардан бир куни ўн-ўн беш киши азонда Ўрда томонга ошга борардик. Шу пайт бир гуруҳ бойлар, амалдорлар иккинчи кўчадан чиқиб, бизнинг тўдамизга дуч келди. Бу тўданинг бошида Тошкентнинг машҳур бойларидан Саид Каримбой борарди. 1910 йиллар бўлса керак, бозорлар касод бўлиб, пул камайиб, банкдаги векселлар ўтмай ётган вақтлар эди. Бой ҳам куйганлардан эди. Бир неча қадам юрилгач, кишилар рўпарасидан катта бир ит югуриб ўтиб кетди. Бой, Саидахмад аскиячидан кулиш учун, итга имо қилиб:

— Эшон, кўряпсанми, нариги маҳаллада ош тортиляп-тими дейман, югуриб қолди!— дейди.

— Йўқ, тўрам, ош ахтариб эмас, вексели касод бўлган бўлса керак, пул ахтариб кетяпти!— деб шу ондаёқ жавоб қайтарди у».

#### ТУРСУНБУВА АМИНОВ

«Ижроқўм» лақаби билан машҳур бўлган бу мўйсафид Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида қишлоқ Советига раис, жамоа мироби бўлган. Босмачиларга қарши курашган. Озиқ-овқат комитетида ишлаган. Ойдинбулоқ қишлоғида тузилган колхозга (1930 йил) ўнлаб батракларни биринчи бўлиб бошлаб кирган. 1922 йилда Бачқир қишлоғида қўрбошилар шаҳарни ўққа тутиб турганда, Чорсудаги кўнгилчилар ва солдатлар орасида Деҳқон юзбоши, Эрка қорилар билан бирга аския қилишган. Отанинг ҳаёти ва ижоди шу устозлар ҳаёти ва ижоди билан чирмашиб кетган.

Турсунбува Аминов 1955—1965 йилларда республикада, айниқса Тошкентда аскияни ривожлантиришда, унинг турли шакллариини такомиллаштиришда, аскияни ҳозирги замон талабларига мослаштириб ёш аскиячи кадрлар<sup>1</sup> етиштиришда жуда кўп меҳнат қилди. У аския материалларини тўплаш ва ўрганиш юзасидан уч марта ташкил этилган илмий экспедициянинг аъзосидир. У аския йўналишига сатирик,

<sup>1</sup> Турсунбува Аминов шогирдлари орасида Йўлдошхон Носиров (қўқонлик, слесарь), Одижон Қодиров (савдо ходими), А. Солиев (ўқитувчи), Абдусамат Бегимов (хизматчи), Маҳмуджон Қодиров (Тошкент медицина институтида рентгенолог), Хайрулла Хикматуллаев (тошкентлик савдо ходими) ва бошқалар бор.

юмористик тус беришда асосий роль ўйнади. Масалан, бедана пайровининг мазмунини биринчи марта дангасаларга қарши кураш билан боғлади. Аскиянинг «Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз?» деган кичик шаклини пайров даражасигача кўтаришнинг ижодчиси ҳам шу Турсунбува бўлди.

Турсунбува Аминов аскияни сахнада ижро этишнинг ташаббускоридир. Аския 1963 йил ёзида биринчи марта Қўқон Ҳамза Давлат театри сахнасида ташкил этилди. Шунда Турсунбува аскиячиларни тўплаб, уларга сахнада ижро этиладиган пайровларнинг мазмуни, шакли, тартиби ҳақида маслаҳатлар берди. Шунингдек, у қисқа метражли рангли «Аския» кинофильмида ҳам, олти пайровли «Аския» патефон пластинкасида ҳам асосий ижрочи сифатида актив қатнашди.

— Ҳозир бахтли замонда яшайман. Ҳеч қаригим келмайди. Айниқса аския буюм қаторига кириб қолгандан кейин яна яшариб кетяпман. Халқимиз саломат бўлсин,— дейди Турсунбува.

Ўзбек халқининг маданий мероси — аскияни ўз қўйнида олтиндай сақлаб келаётган 80 ёшли бу нуруний чол аскиячиларнинг кекса наслига мансуб бўлиб, ҳозир устоз ҳисобланади. «Ижроқўмбува» қаерда бўлмасин, минглаб кишилар бу навқирон кишининг маҳоратига таҳсин ўқийди.

### АБДУЛЛАҲАЙ МАХСУМ ҚОЗОҚОВ

Аския ишқибозлари бу моҳир сўз устасини яқин 6—8 йил мобайнида танидилар ва унга муҳаббат кўйдилар. Абдуллаҳай Қозоқов Андижон область Қўрғонтепа районидаги Куйбишев номи колхозда правление секретари бўлиб ишлаган йиллари (1940—1955 йиллар) Қорасув, Ўш, Қўрғонтепа томонларда ҳаваскор аскиячи сифатидагина маълум эди. Деҳқон юзбоши, Эрка қори, Юсуфжон қизик, андижонлик Мўйдинхожи танбурчи, Али гармон, Солижон оқсоқол деган аскиячилар ашула ва созга ўч, кулгини яхши кўрадиган Қорасув томонларда жуда кўп марта бўлганлар, сайил ва тўйларда халқни кулдириб, хурсанд қилиб юрганлар. Сўз усталари ва санъаткорларнинг бу томонларга тез-тез сафар қилишларига шу ерлик Маллаохун воситачи бўлган. Унинг лақаби «кал» бўлиб, ўзи ҳам яхши аския айтарди. Ана шу Маллаохун Абдуллаҳай махсумни жамоат ичига олиб кириб, аскияларга қатнаштирди. Махсум бў-

ладиган, «зуваласи тоза», зеҳни ўткир, ҳозиржавоб, одобли, меҳнатсевар ва ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб, анча «кўзи очилган» киши эди. Шу сабабли устозлар уни дастлаб аскияда «хамиртуруш» қилиб юрдилар. Бора-бора шогирд устоздан ўтиб кетди.

Махсум ака сўнгги йилларда Марғилон, Қўқон, Тошкент аскиячилари билан тез-тез учрашиб, катта йиғинларда Жўраҳон ака, Турсунбува, Расул қори, Шоқосим ака ва бошқа пешадам аскиячилар билан «бел олишди», кўп пайровларда «улоқ ташлаб» голиб чиқди.

Махсум ака аския қилганда шошилмайди, «рақибининг» фикрини қайталаб тасдиқлаб, уни чуқурлаштириб бориб пайров мазмунини очишга уринади, гап ораларида табассум билан кулиб, эшитувчида завқ пайдо қилади. Бу ҳол Махсум ака талантининг ўзига хос томони бўлиб, кўпчилик аския ишқибозларига маъқул тушди. Натижада, орадан кўп вақт ўтмасдан ўртоқ Қозоқовнинг таърифи республикамизга тарқалди.

Махсум ака сафдош «рақиб» Муҳаммадjon ака Мадаминов билан биргаликда 1950—1960 йилларда «Тикувчилик», «Автомашина», «Участка» ва бошқа кўпгина пайровларни ижод қилиб, уни бир неча вариантларда айтиб, ҳаммага маъқул қилди.

А. Қозоқов 1963 ва 1965 йиллардаги илмий экспедиция составида актив қатнашди. Махсум ака иштирокида «Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз?», «Бола тарбияси» пайровлари янгидан яратилди. «Аския» кинофильми, «Аския» грампластинкасидаги пайровларда Махсум аканинг аскиячилик маҳорати айниқса кўзга ташланиб туради. Ғ. Рўзиев (асакалик), Р. Мамажонов (қорасувлик), Е. Сотволдиев, Қ. Мамажонов, С. Хомирзаев, М. Нурматов (ўшлик) каби ёш аскиячилар Махсум аканинг шогирдларидир.

### ЖУРАҲОН СУЛТОНОВ

Республикада кейинги бўгин аскиячиларни авайлаб сақлаб, уларни уюштириб халқ ўртасига олиб чиққанлардан бири Ўзбекистон ССР халқ ҳофизини Жўраҳон Султонов бўлди. 1902 йилда туғилган Жўраҳон ака умрининг 50 йилдан ошиқроғи шу касб билан ўтди. У машҳур Юсуфжон қизик Шакаржоновнинг шогирди эди. Юсуфжон ака раҳбарлигидаги ўзбек халқ бадний санъат труппаси 1920—1935 йилларгача мустақил равишда фаолият кўрсатиб,

машҳур созандалар, ашулчилар, қизиқчиларни, шу билан бирга аскиячиларни ҳам бирлаштирган эди. Труппа Қўқон шаҳри ва унинг атрофидаги машҳур аскиячилардан Деҳқон юзбоши Шерназаров, Эрка қори Каримов, Матҳолиқ ака Масодиқов, Олимжон ака Ҳайдаров, Камол Аминовлар билан, марғилонлик машҳур аскиячи Усмон қори Раҳимбеков, андижонлик Маллаохун, тошкентлик Абдулла Фonus, Холиқ акалар билан катта йиғинларда кўп марталаб учрашди.

Халқ сайиллари, тўй-томоша ва катта меҳмондорчиликларда ашула ва қизиқчиликлар ижро этилиши билан бирга, зўр аскиялар ҳам бўларди. Жўраҳон ака Султонов ана шундай санъаткорлар орасида тарбияланиб, ҳалол меҳнати билан халққа манзур бўлди. Ана шу ҳаёт Жўраҳон аканинг моҳир аскиячи ҳам бўлишига сабаб бўлди.

Жўраҳон ака аския қилганда раъият ҳолатини тез пайқарди, қайси темада пайров бошлаш зарурлигини обдон тушунарди. Аския рақибларини шу темани «пишириб» олиб чиқишга йўлларди, ўзи луқма солиб, бошқаларни «қитиқларди», пайровдан четлашаётган ёки одоб доирасидан чекинаётган «рақиб»ларига изоҳлар, жуда бўлмаса дашном бериб турарди. Жўраҳон Султонов ҳозирги замон темаларида гаплашганида теманинг сиёсий, тарбиявий аҳамиятини яхши тушуниши билан уни шу куннинг вазифаларига боғларди.

Жўраҳон Султоновнинг моҳир аскиячи бўлиб камолга егишида унинг шарқ ва ўзбек совет адабиётидан яхши хабардорлиги ҳам ижобий таъсир этди. У юзлаб байтларни ёддан биларди, ҳикоянавис, латифачи эди. Жўшқин ҳаётидаги ҳодисаларни, кечмишларни ҳозиргидек хотирлаб, мароқ билан ҳикоя қиларди. Айниқса аския пайровлари вақтида бўлиб ўтган лутф сўзлар ва парчаларни яхши хотирларди, уни ўша аскиячиларнинг маҳоратига боғлаб нафис сўзлаб берарди.

Жўраҳон ака Султонов Фарғона усулидаги (пайров) аския шакллари республикада, айниқса Тошкентда ривожлантиришга кўп ҳисса қўшди.

1932—1940 йилларга келиб Тошкент театрларида, паркларида, сайил ва йиғинларда аскиячилар ўз санъатларини тез-тез намойиш қила бошладилар. Тошкент аҳолиси ўртасида хусусан ўша йиллардан бошлаб аскияга қизиқиш жуда зўрайди, аския ишқибозлари кўпая бошлади. Деҳқон юзбоши, Эрка қори, Мамаюнус ака, Мулламамаатбува,

Олимжон ака, Исмоилжон ака, Юсуфжон қизиқ, Акабухор, Миршоҳид Мироқилов, Қаям ака Мирзааҳмедов ва бошқа аскиячиларнинг номларини Тошкент халқи ҳозир ҳам ҳурмат билан тилга оладилар. Ана шу йилларда ва айниқса урушдан кейин Жўраҳон Султонов Тошкентда аския санъатини ривожлантирди ва кўпгина шогирдлар етиштирди. Булардан бири Ғанижон Тошматовдир. Бу кишини созанда ва аскиячи сифатида кўпчилик танийди. Ғанижон Тошматов сўз ўйинларига уста. Илҳом булоғи қайнаб кетганда болохонадор гаплар билан пайров оқимига «от солиб» юбораверади ҳам. У аскияни радио ва телевидение эшигтеришларига биринчи бўлиб олиб чиққанлардандир. 1919 йилда туғилган Ғанижон Тошматов ҳозир Ўзбекистон Радио ва телевидениесига ишлаб, ижоди камол топмоқда.

Аския соҳасида кейинги йилларда олиб борилган илмий ишларда Жўраҳон Султонов жуда бой тарихий маълумотлар берди, аския материалларини тўплашга ёрдам қилди. Устоз аскиячи Жўраҳон Султонов 1966 йил октябрда вафот этди.

#### МАМАРОЗИҚ ИСҲОҚОВ

Мамарозиқ Исҳоқов Қўқон район Найманча қишлоғида 1903 йилда деҳқон оиласида туғилди ва ёшлиқдан батракликда ўсди. Колхоз тузуми даврида биринчи бўлиб колхозга кирди ва 30 йил колхозга раислик қилди. У халқ билан доим бирга бўлиб келаётир. Ҳозир Жданов номи совхозда боғ бригадир, ўзи пенсионер. Тўйда ҳам, азада ҳам Мамарозиқ ака тўдани бошқариб, халққа бош бўлади. Шу туфайли Найманча халқи унга муҳаббат қўйган.

Қўқон аскиячилари илгари вақтларда тўрт даҳага бўлинарди, сайил ва томошаларда бўладиган аскияларда тарафма-тараф бел олишардилар. Мамарозиқ ака Найманча аскиячиларининг пешқадами бўлиб, аскиячилик маҳоратини шу ерлик Устаакбар Усмоновдан, Мелибой Гофуровдан ўрганди, Эрка қори, Деҳқон юзбоши, Матҳолиқ ака ва бошқа аскиячилар билан астойдил елка тирашиб камолга етди.

Мамарозиқ ака «Деҳқончилик», «Сугориш», «Терим», «Пиллачилик», «Боғдорчилик» пайровларида яхши аския қилади. У киши колхоз ишлаб чиқаришида кўп ишлаганлиги учун коллектив меҳнат, агротехника, механизация сирларини яхши билади ва ўз тажрибаларини аския пайровларида муваффақият билан ишлатади,



## ИЗОҲЛАР ВА МАНБАЛАР

### ПАЙРОВЛАР

#### Халқ хўжалиги темаларида

##### Пахтачилик

- I 1961 йил, май, Тошкент.  
II 1963 йил, август, Тошкент.  
Теримчилар. «Қизил Узбекистон» газетаси, 1963 йил, 25 декабрь.  
Улоқчилар. «Тошкент ҳақиқати» газетаси, 1962 йил, 16 декабрь.  
Чавандозлар. 1964 йил, ноябрь.

##### Термалар

- I «Муштум» журналі, 1964 йил, № 15.  
II «Муштум» журналі, 1960 йил, № 17.  
Чорвачилик. I, II, 1962 йил, 15 май, Андижон.  
Пилла. 1963 йил, 9 май, Марғилон.

##### Қушлар

- I 1961 йил, 5 май, Қўқон.  
II 1961 йил, 9 май, Андижон.  
III 1964 йил, декабрь, Қўқон.  
Қовун. 1965 йил, 27 август, Тошкент.

Узум. 1961 йил июль, Тошкент.

Мева. 1961 йил, 5 май, Қўқон.

Богбончилик. 1963 йил, август, Тошкент.

Кимёхон. 1963 йил, август, Андижон.

Трактор. 1963 йил, январь, Тошкент.

Иморат. 1963 йил, декабрь, Тошкент.

Маданият, ҳунар, турмуш темаларида.

##### Ашулалар

- I 1963 йил, август, Тошкент.  
II 1961 йил, 9 май, Андижон.  
III 1963 йил, август, Фарғона область, Бағдод райони, Ленин колхозин.  
IV 1961 йил, 8 май, Марғилон.  
V 1965 йил, 28 август, Тошкент.  
VI 1958 йил, Тошкент область, Калинин райони, Назарбек қишлоғи.  
VII 1966 йил, июль, Тошкент.

##### Асарлар

- I «Муштум» журналі, 1960 йил, № 9.

- II «Наманган ҳақиқати» газетаси, 1962 йил, 30 июль.  
III «Тошкент ҳақиқати» газетаси, 1962 йил, 16 декабрь.  
IV 1964 йил, 1 август, Андижон область, Ленин шаҳри, «Янги ҳаёт» газетаси.

V 1965—1966 йил, июнь, Наманган.

Мақоллар. «Муштум» журналі, 1960 йил, № 14.

Тил. 1958 йил, февраль, Тошкент.

Созлар. «Тошкент ҳақиқати» газетаси, 1965 йил, апрель, № 81.

Савдо-сотиқ. I, II 1961 йил, август, Қўқон.

Дурадгорлик. «Муштум» журналі, 1965 йил, № 8.

Ийд. 1961 йил, август, Тошкент.

Шахмат. «Муштум» журналі, 1965 йил, № 4.

Футбол. 1964 йил, 9 июль, Тошкент.

Шоирлар. 1961 йил, 5 май, Қўқон, Найманча қишлоғи.

Она-бола тарбияси. 1963 йил, август, Тошкент.

Қўқон қишлоқлари. 1961 йил, 5 май, Қўқон район Найманча қишлоғи.

Наманган гуллари

I 1961 йил, 16 июнь, Наманган.

II 1963 йил, 27 август, Тошкент.

Новвойчилик. 1963 йил, 8 июль, Душанба.

Чой. 1961 йил, 30 май, Тошкент.

Ошқовоқ. 1956 йил, 21 август, Қўқон, Бачқир қишлоғи.

Сафар. 1960 йил, май, Тошкент.

Чит-чит. 1965 йил, июль, Қўқон.

Қатиқ. 1961 йил, май, Марғилон.

### АЕЛАР АСКНЯЛАРИ

- Холис. 1963 йил, август, Тошкент. Л. Саримсоқовадан ёзиб олинди.  
Дугоналар ҳазили. 1966 йил, июль, Андижон.

### Аскиянинг кўна шакллари

Гулмисиз, райхонмисиз, жамбилмисиз?

I 1965 йил, июль, Тошкент.

II 1959 йил, июль. Акабухор Зокировдан ёзиб олинди.

III 1965 йил, июль, Наманган.

Бўласизми? 1948 йил, март, Фарғона область, Ленинград район

Пиртак қишлоғи.

Ухшатдим. 1960 йил, июль, Қўқон.

Афсона. 1961 йил, 8 май, Қўқон. З. Юсуповдан ёзиб олинди.

Якка аския. 1965 йил, июль. Қўқонлик Жаъфарали Алиевдан ёзиб

олинди.

Қофиябовлик.

I 1948 йил, июль, Қўқон.

II 1959 йил, август, Тошкент, Назарбек қишлоғи.

Табибчилик. 1963 йил, июль, Марғилон. З. Юсуповдан ёзиб олинди.

Лақаб аскиялари.

I Ш. Ризо. «Гулистон» журналі, 1940 йил, № 4, Халқ санъат-корлари. 66-бет.

II Ю. Латиф. «Қизил Узбекистон» газетаси, 1939 йил, 12 август.

III—IV Марғилонлик Юсуфжон қизиқ Шакаржоновдан ёзиб олинган. Санъатшунослик институти архиви. Папка № 152 а, 92-бет.

V Акабухор Зокировдан 1959 йилда ёзиб олинган. Пайров 1936 йилда Қўқондаги Фурқат номли паркта айтилаган.

VI 1963 йил, июль. Тошкент.

Талаш. 1951 йил, май, Қўқон.

### Шингил аскиялар

Чин ҳазил. Юсуф қизиқ Шакаржоновнинг шогирди Жўраҳон ака Султоновдан 1960 йилда ёзиб олинди.

Камолига етсин. Қўқонлик адабиётшунос И. Раҳматуллаевдан 1961 йилда ёзиб олинди.

### Лофлар

Ток. Зайнобиддин Юсуповдан ёзиб олинди. Марғилон, 1966 йил, май.

Бор, барака топ. Андижонлик Иброҳимжон қизиқ Тожибоевдан ёзиб олинди. 1966 йил, июнь.

Қуйидагилар Носиржон Тожибоевдан ёзиб олинди: (Қўқон, 1966, август).

Енгоқ мағзи ва туялар.

Гурунч юкланган хўроз.

Дарахтга қўнган балиқлар.

Той минган аёл.

Етти мучал.

Гидамга ямоқ.

Худонинг маслаҳатчиси.

Худолик даввосини қилган лофчи.

Қил кўприк.

Андижонлик аския шинавандаси Мажид Махсум Алиевдан ёзиб олинган лофлар: (1966 йил, 8 октябрь)

Отам Қашқарни сўраган.

Саратонда йўстин кийган лақма.

Кийик отиш.

Кит балиғига эгар-жабдуқ.

Андижонлик Ҳалимжон Самадовдан ёзиб олинган лофлар: (1966, 8 декабрь.)

Улжа гоз ва тустовуқлар.

Товуқ қувлаган Авроил.

Андижонлик Имомиддин Қосимовдан ёзиб олинган лофлар: (1966, 16 октябрь.)

Дошқозон ва қизилча.

Шу ҳам қор бўптими?

Мен ушлаган қушнинг боласи.

Боши осмонда юрарди.

Қўл соат.

Танти ой.

Тухуми тарвуздек товуқ.

«Муштум» журнаlining 1964—1967 йил сонларидан:

Илдизи бор этик.

Айниган хилдан экан.

Икки газ йиртиб юборди.

Бизники — хуржун.

Маст туғилган чақалоқ.

Телевизордаги ашулачиларга чой тутуш.

Хуррак ҳақида телефон қоқиш.

Болга судраган чумоли.

Яна ўз жойига бориб тўхтаб қолган бочка.

Шолипоядаги тайёр палов.

Зилзиладан қўрққан балиқлар.

Телевизорда.

Иккала программа.

Йўқлиғича тураверди.

Тиш билан ўтин ёриш.

Ярми донлаб юрган ўрдак.

Тарвузга ўхшаган мош.

На узбекском языке

Узбекское народное творчество

МНОГОТОМНИК

АСКИЯ

(Острология)

Редактор Тўлқин Алимов

Рассом К. Рудов

Расмлар М. Иброҳимов ва У. Зокировларники

Расмлар редактори И. Циганов

Техн. редактор В. Барсукова

Корректор Х. Шербосова

МУНДАРИЖА

Тўпловчидан . . . . . 5

ПАЙРОВЛАР

Халқ хўжалиги темаларида . . . . . 15  
Маданият, ҳунар ва турмуш темаларида . . . . . 47

АСКИЯ ГУРЛАРИ

Аёллар аскиялари . . . . . 91  
Аскиянинг кўҳна шакллари . . . . . 93  
Шингил аскиялар . . . . . 110  
Лофлар . . . . . 111  
Устоз аскиячиларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумотлар . . . . . 123  
Изоҳлар ва манбалар . . . . . 138

Босмаҳонага берилди 26/V—1969 й. Босишга рухсат этилди 10/V—1970 й. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма 4,5. Шартли босма 7,56. Нашр л. 7,29+0,56 (10 вклейка). Тиражи 60 000. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 17—68.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбинатда 2-қозоғга босилди. Тошкент, Навоий, 30, 1970 йил, заказ 1627, Баҳоси 43 т.



Аския сахнада Наманган боғидаги театрда республика аскиячиларининг мусобақаси (1965). Чапдан: Турсунбува Аминов, Ғойиб ака Тошматов, Турсунбуванинг шогирди Йўлдошхон Носиров, моҳир аскиячи Абдуллаҳай махсум Қозоқов ва Мамарозиқ ака Исҳоқовлар.



Тошкентдаги қариялар чойхонасида аския (1963). Машҳур аскиячи Ганижон Тошматов рақибига жавоб бермоқда.



Марғилонда қўқонлик аскиячилар бел олишяпти. Сўрида чапда Гойиб ака Тошматов, ўнгда Турсунбува Аминов (1961).



Найманчалик устоз аскиячи Акбарали ака Ҳомидов.




Фарғона область Ленинград районлик машҳур ашулачи ва аскиячи Расул қори Мамадалиев ва аскиячи Иброҳимжон Жўраев.





Қўқонлик аскиячи Комилжон Раҳимов (1908—1964).



Машхур қизиқчи ва аскиячи Юсуфжон ақа Шакаржонов.



Машхур ашулачи ва устоз аскиячи Эрка қори Каримов (ўнгда),  
чапда — машхур қизиқчи ва аскиячи Комил қори Қулижонов  
(Қўқон).



Юсуфжон аканинг ўғиллари.  
Зайнобиддин ва Мадаминжон Юсуповлар.



Машҳур ашулачи ва аскиячи **Жўрахон** ака Султонов  
(1903—1966).